

ТАФАККУР




ИЖТИМОЙ - ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ,
РАНГЛИ - БЕЗАКЛИ ЖУРНАЛ

ТАФАККУР

556
2/2004



110



Яхши билиш керакки, қалам ўқлоғи, матбуот кетмон бозори эмас. Ўўсинсиз равишда хотирага келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимоқ фазилат саналмайди. Сўз қолип, фикр унинг ичига қуйилган ғишт бўлсин, кўпчилик хумдонидан пишиб чиққач, янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин!

Абдулла ҚОДИРИЙ



SAVOBNING YO'LI — PINHONA

Буни қарангки, айнан шундай йил келишини кўтиб юргандек, нихоят, бизнинг кўнгилмизда ҳам меҳр-мурувват ҳисси уйғонди, совға-салом қилиб меҳрга зор бир даргоҳга борар бўлдик. Уша масканнинг мутасаддисиги кўнгирак қилиб, тилимизни айтганимизда у роса қувонди ва "ташриф куни"ни аниқлағач, "Телевизор ё газета-пазетадан одам чақирайликми?" деб қолди. Тадбирчи ёрнтиш учун...

Телевизорда кўрганимиз бир манзара ёдга тушди. Қайсидир хайрия жамғармасига барака топкур бир халқаро ташкилотдан унча-мунча мурувват ёрдами келган экан, шунга зўр тантана билан эҳтиёжманд кексаларга топширди. Хайр-эхсон қилганга ҳам, уни виждонан тарқатиб берганларга ҳам минг ташаккур, албатта, лекин бу тарзда намойиш этмоқ шартмиди, деган андишаларга бордик. Қолаверса, садақа (бошқа сўзни қўллаш кийин) тутқазилганлардан бири кўп йиллар каттакон лавозимларда ўтириб элга хизмат қилган баобрў отахон эди. У киши балки ўша тўхфадан миннатдор бўлгандир, аммо биз ўқиндик. Негаки, отахоннинг кўзга кўринган фарзандлари бор, бу ҳолдан улор ҳам кўп хурсанд эмасдир.

Бундан тўрт-беш йил бурун юртда ҳар турли пулдор чиқиб, бўлар-бўлмаста элга ош бермоқни одат қилган эди; ўзлари пўрми либосларда эшик олдида кўр тўкиб, келган-кетганга виқор билан боқиб туришарди: кўриб қўйинг, биз мана шунақа ҳотамтойимиз! Ўзини билган биров-ярим мардум ош эмас, тош еганга ўхшай кетарди бу ердан.

Янги бойларимиз, чамаси, шу тахлит бир замонлар элга қайишган машҳур муруватпешаларимизга ўхшамоқ бўлишгандир. Лекин, аслида, кўпчилигининг устоз Абдулла Қоҳқор нақл қилган "савобчи" бойдан фарқи йўқ эди. Ёдингиздадир, қаҳатчилик йиллари бир шўрлик бева уч-тўрт етимчасини эргаштириб, бир бурда нон тилаб келганида бой ота "Яқинда бир масжид қурурман, ўшанинг савоби сеники бўлур" дея "ҳиммат" кўрсатган экан...

Бизнинг бугунги бойваччаларимиз ҳам тезда эсларини йиғиб олдилар. Ҳадеб дошқозонларда ош дамлайверишдан иш чиқмаслигини билиб, қасру сарой куриб ном таратиш мусобақасини бошлаб юбордилар. Ён-атрофдаги камхаржроқ кўшиларга "дом" "ҳадя" этиладию эски ҳовлилар ўрнига бассейн, сауна, теннис майдони дегандек... Дабдобали ҳовли тўйларига ўша ҳовлиларнинг аввалги эгалари ҳам тақлиф қилинса-ку, харна, раҳмат дер эдик...

"Меҳр ва мурувват йили"га атаб ҳукуматимиз махсус дастур тузди. Дастурки, сизу бизга ўхшаган тўрт мўчаси соғ, нони бутунларгача эътибордан четда қолмаган. Бунисига энди чинақомга раҳмат айтмай иложимиз йўқ. Навбатдаги вазира — ана шу олижаноб режани бекам-кўст бажариш, яъни мурувват меваларини эга-эгаларига тайин етказиш. Ортиқча жар солмасдан, тантанали тадбирга айлантирмасдан, инсоний шайни таҳқирлаб эмас, авайлаб, инсофу андишалар билан. Бу борада ҳам ҳукуматимиз ибрат кўрсатишига аминки: анови "сахаватпеша" бойларга ҳам, бизга ҳам — барчамизга. Меҳр-мурувват кўз-кўз этилса, миннатга айланади. Миннатнинг эса тоши оғир, у гуноҳ, кўфр ҳисобида.

Ҳиммат қилаверинг, майли, сув ё балиқ билмаса... Холиқ билар!

Савобнинг бошқа йўли йўқ.

Эркин
Абду



ТАФАККУР



Тафаккур

ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, РАНГЛИ-БЕЗАКЛИ ЖУРНАЛ

Бош муҳаррир
Эркин АЪЗАМ

Таҳрир ҳайъати:

Дилором АЛИМОВА
Абдулла АЪЗАМ
Мухсин АШУРОВ
Хуршид ДАВРОН
Ольга ЖОЛДАСОВА
(бадний муҳаррир)
Нуриддин ЗАЙНИЕВ
Баҳодир ЗОКИР
(масъул котиб)
Нажмиддин КОМИЛ
Султонмурод ОЛИМ
Хайридин СУЛТОН
Қобилжон ТОШМАТОВ
Нурилсом ТҶУХЛИЕВ
Озод ШАРАФИДДИНОВ
Абдурахим ЭРКАЕВ
Тўлепберген ҚАЙИПБЕРГЕНОВ
Муртазо ҚАРШИБОЙ

Муассис — Республика Маънавият ва маърифат кенгаши

Ўзбекистон Республикаси. Матбуот ва ахборот агентлигида 120-роҳам билан рўйхатга олинган.

Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгордир. Журналдан кўчириб босилганда манба қай этилиши шарт.

Манзилимиз: 700047, Ташкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 6-уй



133-10-68
139-05-19
139-05-29

Журнал андозаси таҳририятнинг компьютер бўлимида тайёрланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. 700029, Ташкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

2004 йил 11 март кўни босмаҳонага топширилди. Қоғоз бичими 70x100 /₁₆, 6 босма тобик; 194-букорта. Нашр адади 5000 нуска.

Журнални Наргиза Иброҳимова саҳифалоган.

Мусаҳҳих Шоҳ Санам.

Ушбу сонда Машраб Нурибоев олган суратлардан фойдаланилди.

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Муртазо ҚАРШИБОЙ. Мурувват — мардлар фазилати.....4

ТАРИХ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Баҳодир ЗОКИР. Фарб ва Шарқ либерализми.....10



ЮРАК ТИЛГА КИРДИ

Гулистон МАТЁҚУБОВА. Қайта туғиламан қарашингиздан.....22



Гулистон Матёқубова

SAHIFALARIDA

саҳифаларида

ОЛИЙ МЕЗОНЛАР

Иброҳим ҲАҚҚУЛ. Абдулла Қаҳҳор
жасорати.....28



Мирзахон аср халқлар

ЎТГАНЛАР ЁДИ

Ўлмас УМАРБЕКОВ. Мангу дунё
бўсағасида.....48

“Эслаб кўйинг Мухаммадни ҳам...”.....58

РУҲИЯТ САБОҚЛАРИ

Феруза ОБИДЖОНОВА. Гўзаллик
кутблари.....64

ТАҚДИРДАГИ ТАДБИРЛАР

Иван ГОЛОВНЯ. Танҳолик азоби.....70

ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Саидахон ИБРОҲИМОВА. БМТ ва
умумбашарий хавфсизлик.....80

Аслиддин ПЎЛАТОВ. Марказий
Осиё: миллий тараққиёт моделлари....81

Мирраҳим МИРНОСИРОВ. Глобал
таъсир воситаси.....82

Бахти ОЧИЛОВА. Прокруст
исканжаси.....83

Сайёра ТҲҲИЕВА. Оила — жамият
таянчи.....84

Севара АҲРОРОВА. Аёллик ўрни.....85

Мунира ШАРИПОВА. “Яхши отға
жаҳд қилдим, қолса сендин эл аро”.....86


Нилуфар МИРСАИДОВА. Олис
ҳақиқатнинг равшанлашуви.....88

Яхшибека АБДУЛЛАЕВА. Эътиқодга
хуруж90

Матлуба ОРИПОВА. Туркистонликлар
саводсизмиди?.....92

Шухрат РЎЗМАТОВ. “Кумуш
инқирози”нинг сири.....93

Журналнинг инглизча мухтасар
мазмуни.....95



Заманавий Фрейд

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Муртазо ҚАРШИБОЙ

MURUVVAT - MARDLAR FAZILATI

Дунёдаги ҳар қайси халқ ёки миллатга хос туйғу-тушунчалар йиллар, асрлар давомида шаклланади, замонларнинг оғир сурону тўфонларида гоҳ сайқал топиб, гоҳида аксинча — дағаллашиб боради. Ҳайратда қоларли жиҳати шундаки, инсоннинг қалби ва тафаккури энг даҳшатли синовлар, сўнгсиз фожиа ва кулфатлар ёки илоҳий бахт онларида ҳам ўз туйғу ва тушунчаларини қайта ишлашдан, уларга янгича ранг ва оҳанг беришдан, уларни сеҳни ва хотирасига муҳрлаб қўйишдан бир зум ҳам тўхтамайди.

Шунинг учун бу беқарор ва омонат дунёда ҳамма нарса каби, инсоннинг гўзал ва бокира туйғулари ҳам, содда ва беғубор тушунчалари ҳам ўзгаради. Масалан, инсоф ва диёнат, уят ва андиша каби ҳиссиётларнинг маъно-мазмунни ҳам, ҳаётдаги реал таъсир кучи ҳам бундан эллик-юз йил олдинги ҳолатидан тубдан фарқ қилишини бугун ким билмайди дейсиз! Эндиликда инсоф-диёнат ўрнини кўпинча, бировга зиён етказмасам, қонунни бузмасам бўлди-да,

кўнглимга сиққанини қилавераман, деган тор тушунчалар, худбинлик ҳислари эғаллаётгани ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, биз учун ҳамиша муқаддас бўлиб келган ҳаё ва ибо деган илоҳий туйғулар ўрнини уялма, уялсанг — ҳамма нарсдан куруқ қоласан, деган бирёқлама, лекин бугунги шафқатсиз ҳаёт фалсафасига хийла мос келадиган бир кайфият тобора забт этиб бораётганини сезмаслик ва кўрмаслик ҳам мумкин эмас.

Начора, замон шиддат билан ривожлангани сари одамзод маънавий олам қонуниятлари қолиб, кўпроқ моддий эҳтиёжлар талаби асосида яшашга мажбур бўлмоқда. Истаймизми-йўқми, бу жараён ҳам қалбимиз ва тафаккуримизда ташқи таъсирга мос тарзда акс этмоқда, шу тариқа башарият неча замонлардан буён ардоқлаб келган эзгу туйғу ва тушунчалар ҳозирги талаблар, бугунги шафқатсиз реаллик қаршисида гўё ожиз қолаётгандек. Шу билан бирга, эндиги замонда моддий неъматлар барча муаммоларнинг ечими бўлолмаслиги, қанча вақтдан бери тўқин ва

фаровон яшаб келаётган фарб оламида ўз жонига қасд қилиш, одамлардан бе-зиб, табиат сари ошиқиш, лоқайдликнинг кучайиши сингари ҳолатлар кўпайиб бораётгани кишини беихтиёр ҳушёр тортиради.

Дарҳақиқат, бир томондан, инсонни бойлик топишга, ҳар куни, ҳар соатда фойда излаш, ташаббускор ва тадбиркор бўлишга даъват этгани ҳолда, иккинчи томондан, уни инсофли ва диёнатли бўлишга, бошқаларга раҳм-шафқат қилишга чақирадиган бозор ва демократия тамойилларининг ўзида қандайдир зиддият, қандайдир парадокс яширин эмасми? Ўз бошидан не-не кулфат ва синовларни ўтказган, фақат бойликка ружу қўйиб яшаш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаслигини неча бор кўрган инсон, наҳотки, моддий ва маънавий эҳтиёжларни бир нуқтада уйғунлаштирган тарзда оқилона ҳаёт кечиршининг йўлини тополмаса?!

Сирасини айтганда, бозор ҳам тамаддун, яъни цивилизация маҳсули. Бозор ҳам юксак қадрият. Бошқача айтганда, бозор ҳам ҳаётини зарурат сифатида инсон умрини мазмунли этмоқ учун хизмат қилади. Агар киши ана шу омилдан нотўғри фойдаланиб, маънавий қашшоқлик сари юз тутса, бунинг учун, албатта, бозор муносабатлари айбдор эмас. Аслида, бозор одамлар ўртасидаги муносабатларни янада такомиллаштириши, уларнинг ҳаётини янада қизиқарлироқ қилиши, уларни ўйлаб, фикрлаб яшаши, шахсий истеъдоди ва салоҳиятини юзга чиқариши учун беқиёс имконият бўлиши ҳам мумкин. Бозор қонуниятлари ҳамма учун бир хил. Ёниқса, бугунги глобаллашув даврида бу қонуниятлар тобора қатъий ва изчил кўриниш касб этмоқда. Лекин шуни тан олиш керакки, бозор ҳам икки кўринишда фақат бўйиш, нафс васвасасига асосланган стихияли ва ёввойи бозор; одамларнинг асрий анъаналари, маданий муносабатларига асосланадиган, илмий негизда бошқариладиган маърифатли бозор.

Ана шундай бир-бирдан мураккаб ва чигал муаммолар кўпчиликини ўйлангириб турган ҳозирги таҳликали даврда Президент Ислам Каримов томонидан халқимизнинг кўҳна анъана ва қадриятларига асосланадиган, кўпчилик манфаатларини инобатга олиб тартибга солиб туришни тақозо этадиган, бугунги кунда юртимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган бозор муносабатларини шакллантиришининг ўзига хос модели муҳим аҳамиятга эга. Ушбу моделда моддий ва маънавий эҳтиёжларни уйғунлаштирган ҳолда, юксак тараққиётга, маърифатли бозор муносабатлари устуворлигига эришиш масаласи алоҳида ўрин тутди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ана шу мақсад йўлида кўплаб хайри ишлар амалга оширилаётганига барчамиз гувоҳимиз.

Чунончи, 2004 йилнинг “Меҳр ва мурувват йили” деб эълон қилиниши, бу йил давомида кўзда тутилган ишларни амалга ошириш учун ҳукумат қарори асосида махсус дастур қабул қилинган ҳам ана шундай олижаноб ишлар сирасига қиради.

Авваламбор, жорий йилимизнинг “Меҳр ва мурувват йили” деб аталиши халқимиз қалбидаги орзу-интилишларнинг яна бир ифодаси бўлиб, бозор муносабатлари қанчалик шафқатсиз бўлмасин, биз учун инсоний қадриятлар ҳаммаша асосий масала бўлиб қолаверишини амалда яна бир бор тасдиқлаб турибди. Чунки халқимиз одамгарчиликни, маънавий бутунлиқни ҳар қандай вазиятда ҳам биринчи ўринга қўйиб келади.

Модомики, меҳр ва мурувватнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида



фикр юритар эканмиз, аввало, бу бирикма таркибидаги сўзларнинг лугавий маъносини билиб олайлик. “Меҳр” сўзининг бир маъноси қуёш бўлиб, мумтоз шеърятимиз намуналарида кўп қўлланган.

“Меҳр” сўзининг иккинчи маъноси севги, муҳаббат мазмунини англатади. Шу боис қадимда ишқ аҳли — тасаввуф вакиллари “меҳр аҳли” деб ҳам атаганлар. Ҳозир биз ишлатаётган меҳр ва мурувват бирикмасидаги “меҳр” сўзи асосан ана шу иккинчи маънони, яъни кимгадир кўнгул боғлаш, самимий муносабатда бўлиш, севги, муҳаббат туйғуларини англатади. Меҳр — инсон қалбидаги қувват, энергиядир. Ҳақиқий меҳр тошни ҳам эритади, ўликка жон бағишлайди, деганлари бежиз эмас.

Меҳр-мурувват кўрсатишнинг ўзига хос анъана ва қонуниятлари бор. Аввалига хўрлаб, кейин меҳр-мурувват кўрсатиш, албатта, инсонни ўксатади. Буни Бобур Мирзо куйидаги байтида яхши ифодалаган:

*Мени ўлдирди жафоу жабр бирла
ул қуёш,
Эмди тиргизмак учун меҳру вафоси
қолдимиз?*

Меҳр ва мурувват бирикмаси таркибидаги “мурувват” сўзи эса мардлик, одамгарчилик ва саховат маъноларини билдиради. Аслида, бу маънолар ўзаро жуда яқин ва муштарак. Масалан, инсонда мардлик бўлмаса, одамгарчилик ҳам, саховат ҳам бўлмайди. Фақат мард инсонгина ожиз ва муҳтожларга ёрдам бериши, пешона тери билан топган бойлигини бошқалар билан баҳам кўриши мумкин. Бинобарин, мурувват — инсондаги энг яхши фазилатлар ифодаси, жўмардлик белгиси. Шунинг учун ҳам мардлик китоби бўлмиш “Бобурнома”да мурувват ва саховат тимсоли бўлган улуғ инсонлар ҳақидаги таърифларни, шу фазилатлар билан боғлиқ воқеаларни кўплаб топиш мумкин. Бу эса меҳр ва мурувват ота-боболаримизнинг дои-

мий ва одатий фазилати бўлиб келганини кўрсатади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг падари бузруквори ҳақида айтган фикрлари эсингиздами? Ул зот отасининг хулқ-атвори ҳақида гапириб, “Бисёр саховати бор эрди. Хулқи дағи саховатича бор эрди” деган таърифни айтади. Яъни, Умаршайх Мирзонинг сахийлик фазилати қанчалик кучли бўлса, ахлоқ-одоби ҳам шунчалик гўзал эди. Бу ўринда Мирзонинг саховати ва муруввати унинг бутун хулқ-атворини белгилайдиган хусусият бўлганини англаш қийин эмас.

“Мурувват” ва “саховат” сўзларининг маънодошларидан бири — “ҳиммат”. Бу сўз, саховатдан ташқари, яна ғайрат қилиш, олижаноблик ва бахтиёрлик маъноларини ҳам билдиради. Ҳимматнинг негизида ҳам мардлик ётади. Бировдан ёрдамни аямайдиган, ўзини қўйиб ўзгани ўйлайдиган, бағрикенг, қўли очик, сахий инсонларни халқимиз азал-азалдан “ҳиммати баланд” деб таърифлаб келган. Бировнинг оғирини енгил қилиш, бор бисотини бошқаларнинг бахти йўлида сарфлаш, молини ҳам, жонини ҳам аямаслик қадимдан энг савоб ишлардан бири ҳисобланган. Шунинг учун ҳам назари паст, ҳимматсиз, саховатдан йироқ одамни халқимиз ҳеч қачон суйган эмас. Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ҳимматсиз кишининг хайвондан фарқи йўқ эканини, бундай одам оқил кишилар орасида хурмат топмаслигини айтади:

*Мол ўлуб, йўқ кишининг ҳиммати,
Маъни аҳли оллида йўқ иззати.*

Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса бир газилида “Давлатга ет, ҳиммат қил” дея давлатга, бойликка эришишдан мақсад — одамларга ҳиммат қилишдан иборат бўлиши керак, шундагина инсон ўз муродига етади, деган фикрни илгари суради.

“Бобурнома”ни китобат қилган “му-саввиди авроқ” — номалум котибнинг берган таърифида айтилишича, Бобур



*Меър-муруват — миллат танламас.
(Япониялик тадқиқотчи Фужита Масами Тошкент шаҳридаги 22-Меърбонлик уйи тарбияланувчиларига япон тилидан сабоқ бермоқда.)*

Мирзонинг ўзи ҳам ҳиммати баландликда тенгсиз бўлган: "Ва маҳолдурким, ул подшоҳи қобилнинг яхшилиғларини айтган билан ва битиган билан туганмагай. Лекин мужмал (қисқаси) буким, секкиз сифати асил анинг зотиға мутасил (доимий) эрди: бириси буким, нажҳати баланд эрди; иккимчиси, *ҳиммати аржуманд эрди*" (таъкид бизники).

Энди юқорида Бобурнинг падари бузруквори ҳақидаги фикрлари билан номаълум котиб томонидан берилган ушбу таърифни бир қиёслаб кўрайлик. Умаршайх Мирзо ҳиммат ва саховат бобида қанчалик юксак даражада турган бўлса, Бобур Мирзо ҳам ҳиммати баландликда отасидан кам бўлмаган. Хулоса шуки, ҳиммат ва саховат, мардлик ва мурувват фазилатлари авлоддан авлодга ўтиб келаётган, халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган беқиёс фазилат экан.

Бу фазилат ифодасини оддий одамлар орасида, асрлар синовидан ўтиб келаётган урф-одат ва аъналаримизда деярли ҳар куни кўришимиз мумкин. Қўшнисининг бошига иш тушса, бор-йўқ нарсасини у билан баҳам кўрадиган, тўй-маърака, ҳашар ва бошқа тадбирларда доимо ёнма-ён туриб, шодлик онларини ҳам, ташвишли кунларини ҳам биргаликда ўтказадиган элимиз меър ва мурувватни ҳеч қачон эсдан чиқармаган.

Бозор муносабатларига ўтилаётган бугунги мураккаб шароитда халқимизга хос бундай фазилатлар юртимиздаги тинчлик ва тотувлик, ўзаро ҳамжиҳатликнинг муҳим омилларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, мурувват турли шаклларда намоён бўлади. Масалан, ғариб ва ожиз кимсанинг кўнглини

кўтариш ҳам мурувват белгиси. Етим-есирлар, кекса ва ногиронларнинг бошини силаш, топган бойлигидан бир қисмини муҳтожларга улашиш — бу ҳам мурувват. Демак, мурувват фақат моддий кўринишдаги ёрдамдан иборат эмас. Аслида мардлик ва олижанобликнинг ҳар қандай кўриниши — мурувватдир.

Шунинг учун ҳам “мурувват” сўзи кўп ҳолларда “мардлик”, “саховат” ва “олижаноблик” каби сўзлар билан муштарак маънога эга бўлади. Дейлик, билмасдан гуноҳ қилган одамни кечириб, ёшларнинг хато-камчилигини билиб-билмасликка олиш, аммо мавриди келганда буни нозик ишоралар билан тушунтириб қўйиш — бу ҳам меҳр ва мурувватнинг бир кўриниши.

Шуни айтиш лозимки, мурувват мард ва олижаноб инсонлар томонидан муҳтож ва эҳтиёжманд, заиф одамларга кўрсатилади. Яъни, бу ишнинг ўзига хос шартлари бор: ҳаммага ҳам мурувват қилинавер-

майди. Меҳр кўрсатиш борасида эса бундай шарт йўқ. Чунки бу дунёда бой ёки қашшоқ, соғ ёки ногирон бўладими, бундан қатъи назар, барча меҳрга, эътиборга муҳтож. Шунинг учун ҳам Президенти-миз “Меҳр ва мурувват йили”нинг асосий гоёси жамиятимизда ҳеч ким эътибордан четда қолмасин, деган фикрдан иборат эканини таъкидламоқда.

Ҳақиқатан ҳам, дунёдаги ҳар бир инсон меҳрга муҳтож. Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийни олинг. Ул зот Хусайн Бойқаро салтанатида юксак лавозимни эгаллаб, подшонинг энг яқин дўсти ҳисобланса ҳам, меҳр борасида ҳаммиша муҳтожлик сезганини ўқиниб ёзди. Қуйидаги сатрлар бунинг исботи:

*Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне
топмадим,
Жон баса қилдим фидо, оромижоне
топмадим.*

Ёки маърифатли замондошимиз,
Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафид-



Туғилгандан ҳам азиз.

*(Самарқанд шаҳридаги 6-Меҳрибонлик уйи директори
Матлуба Оҳуновага болажонларнинг ҳар бири дилбар, ҳар бири дилбанд.)*

динов шу йил 31 январь куни намойиш қилинган "Яхшилик" фильмида инсоннинг меҳрга, эътиборга қанчалик ташна ва интиқ эканини ўз тақдири мисолида ифода этиб, қуйидаги сўзларни айтгани кўпчиликнинг ёдида бўлса керак: "Мен бир умр меҳрга зор бўлиб яшаганман. Шунинг учун Президентимиз "Туркистон" саройида мен ҳақимда самимий сўзларни айтиб, "Бу инсоннинг иродасидан, шахсий фазилатларидан ёшларимиз ўрнат олса арзийди" деганларида кўзларимдан ёш чиқиб кетди". Бу — ўз умри давомида не-не синов ва машаққатларни кўрган, буюк ирода соҳиби бўлган инсоннинг ҳаққоний эътирофи.

Ҳаётнинг қанчадан-қанча сурон ва тўфонларидан мардона ўтган, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзлигини сақлаб қола олган шундай инсонни йиғлатган экан, демек, дунёда меҳрдан қудратлироқ куч бўлмаса керак.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг, барча кадрятлари сингари, меҳр ва мурувват ғояси билан йўғрилган кўплаб урф-одат ва аъёналари ҳам тикланди. Масалан, қадимий байрамимиз Наврўзнинг ўзида меҳр ва мурувват билан боғлиқ қанча аъёна бор! Кексалар, ногиронлар, муҳтожларнинг ҳолидан ҳабар олиш, кўпчилик бўлиб сумалак ва ҳалим каби таомлар пишириш, биргалиқда далага чиқиш, нафақат инсонга, балки табиатга ҳам меҳр-мурувват кўрсатиш: дарахтларни парваришлав, арқ-зовурларни тозалаш, ерни ҳайдаш — барча-барчаси шулар жумласидандир. Ёки муқаддас динимизда меҳр ва мурувват билан боғлиқ қанча ибратли кўрсатмалар, амалий тажрибалар мавжуд! Истиклол йилларида уларнинг барчаси янгича маъно-мазмун билан юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлигига хизмат қила бошлади. Шу боис меҳр-мурувват тамойили нафақат жамиятимиз ҳаётида, балки давлатимиз сиёсатида ҳам асосий масалага айланиб бор-

моқда. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ кучли ижтимоий сиёсат юритилгани, аҳолининг кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож тоифаси манфаатлари ҳимоя қилингани шундан далолат беради. 2004 йилнинг "Меҳр ва мурувват йили" деб эълон қилиниши эса ана шу йўналишдаги ишларнинг изчил ва қатъиятлили билан давом этаётгани, бугунги кунга келиб янги босқичга кўтарилганини англатади.

Инсон — меҳр билан тирик. Меҳр бўлмаса, муҳаббат бўлмаса, бу ҳаёт, шоир айтганидек, туйнуксиз қасрга ўхшайди. Меҳрсиз дунё — қоронги. Шунинг учун инсон яқин кишисидан жудо бўлганда кўзига ҳеч нарса кўринмай қолади. Чунки у ўша инсон тимсолида азиз меҳрибонини, ўзини бу ҳаётга боғлаб турган риштани йўқотгандек бўлади. Чунки инсоннинг ўзи Оллоҳнинг меҳридан яралган. Шу боис халқимиз "Бугдой нонинг бўлмаса ҳам, бугдой сўзинг бўлсин" деб нақл қилади. Бинобарин, ҳар томонлама фаровон, лекин меҳр ва мурувват деган туйшунчадан мосуво жамиятда юз йил яшагандан кўра, одамлари ҳамжиҳат ва иноқ, ўзаро меҳрибон жамиятда бир йил мазмунли умр кечирган минг бора афзал!

Тарихда меҳр-мурувватнинг етишмаслиги туфайли қанча-қанча буюк зотлар муродига етолмай, сарсон-саргардонлиқда умр ўтказгани, халқнинг бошига кулфатлар тушганини яхши биламиз. Хулоса қилиб айтганда, меҳр-мурувват — жамиятда аҳиллик ва иноқлик муҳитини шакллантирадиган, ўзаро ишонч туйғусини мустаҳкамлайдиган эзгу ва қутлуг аъёна.

Азалдан оқибатли, ор-номусли халқимиз бугунги кунда нафақат эркин ва демократик, шу билан бирга, инсоннинг юксак туйғулари кадрланадиган меҳр-мурувватли жамият барпо этмоқда. Бу жараёнда "Меҳр ва мурувват йили" алоҳида бир босқич бўлиб қолиши шубҳасиз.

G'ARB VA

Биринчи
мақола

LIBERALIZMI

Либерализм тарихига назар

Маълумки, ижтимоий-сиёсий, фалсафий таълимотлар инсоният маънавий-руҳий, маданий ҳамда интеллектуал ҳаётининг ажралмас қисми ҳисобланади. Улар давлат ва жамият тузилиши, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаёт, сиёсий ва маънавий-маърифий тараққиёт, жамият ва шахс ўзаро муносабатларига доир муаммолар билан шуғулланган мутафаккирларнинг кўплаб авлодлари тафаккури ҳамда фаолияти маҳсулидир. Бу таълимотларнинг яратилиши ва тадрижий тараққиётини ўрганиш инсоният ўтмишига шунчаки табиий қизиқишимизни қондиришнигина кўзда тутмайди. Зотан, башарият тараққиёти жараёнида илгари сурилган ғоя ва таълимотлар бугунги кунда ҳам жамият ҳаётининг барча соҳаларига таъсир этиб, кишиларнинг онгу шуури, дунёқарашининг шаклланиши, маънавиятининг юксалишига хизмат қилиб келмоқда.

Шу маънода жаҳондаги бир қанча мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий тараққиёти ҳамда аҳоли турмуш даражасининг юксалишига замин ҳозирлаган либерализм таълимоти, унинг ғоявий-мафкуравий асослари, қосиб ўтган тарихий йўли ва ўзига хос шакллари ҳақида сўз юритиш муҳим аҳамият касб этади.

Илмий адабиётда либерализм таълимоти Уйғониш (Ренесанс), Ислохотчилик (Реформация) даври ҳамда Ньютон илмий инқилоби маҳсули сифатида баҳоланади. Дарҳақиқат, ўша замонларда илгари сурилган илғор ғоя ва таълимотлар феодал жамиятнинг инқироzi ҳамда буржуазия озодлик ҳаракати жараёнида вужудга келган мафкуранинг ўзагини ташкил этади. Дастлаб XVII асрда энг ривожланган мамлакат — Англияда вужудга келган маърифатпарварлик ғоялари аста-секин Франция, Германия, Голландия каби мамлакатларда ҳам кенг тарқала бошлади. Ўша даврда яшаб ижод этган Жон Локк, Шарль Монтескьё, Франсуа Вольтер, Дени Дидро, Клод Гельвеций, Поль Гольбах, Жан Жак Руссо каби маърифатпарвар алломалар феодал



SHARQ

жамияти иллатлари, гайриинсоний тартибот ва ахлоқни фош этиб, инсон эрки, озодлиги, унинг табиий ҳақ-ҳуқуқларини назарий асослаб, ёқлаб чиқади. Чунончи, буюк инглиз мутафаккирлари Томас Гоббс (1588 — 1679) ва Жон Локк (1632 — 1704) асарларида табиий ҳуқуқ ҳамда жамоат шартномаси теран таҳлил этилган. Масалан, Гоббс ҳар қандай жамият тараққиёти жараёнида икки босқични: давлат қурилишигача бўлган ёки файласуф таъбири билан айтганда, табиий ҳамда фуқаролик босқичларини босиб ўтишини таъкидлайди. Унинг назарида, биринчи босқичда кишилар табиий ҳуқуқлардан чек-чегарасиз фойдалангани боис тўхтовсиз уруш ва низолар келиб чиққан. Буларни бартараф этиш мақсадида одамлар давлат ташкил этиш ҳақида ўзаро келишиб олишга, яъни ўзига хос жамоат шартномасини тузишга мажбур бўлган.

Ж. Локк бу борада бир оз бошқача қарашларни илгари суради. Унинг таъкидлашича, аввало меҳнат, қолаверса, ҳар бир инсонга парвардигор инъом этган ва унинг мулкига айланган неъматлар одамларга ҳам, жамиятга ҳам кўпроқ наф келтириши мумкин. Файласуф инсон эрки ва хусусий мулкнинг дахлсизлиги унинг фуқаролик ҳолатида ҳам сақланиб қолиши зарурлигини таъкидлаш билан бир қаторда Янги давр алломаларидан биринчи бўлиб ушбу масаланинг оқилона ечимини таклиф этади. Локкнинг фикрича, қонунчилик билан шуғулланадиган парламентнинг, ижроия ҳокимият вазифасини бажарадиган суд ва армиянинг ҳамда ташқи сиёсат билан боғлиқ юмушларни адо этадиган органнинг ваколатларини аниқ белгилаш ва бир-биридан ажратиш лозим. Не бахтки, алломанинг бу ғояси давр синовларига дош бериб, бугунги кунгача демократик тузум ва фуқаролик жамиятининг муҳим тамойили сифатида хизмат қилиб келмоқда.

XVIII асрнинг бошларидан либерализм Овруподаги бир қанча мамлакатларнинг асосий мафқурасига айланади. Бу даврда инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари, саноатда рақобат ва хусусий мулкнинг дахлсизлиги, жамиятни кишиларнинг онгли фаолияти орқалигина ўзгартириш ва такомиллаштириш мумкинлиги, фуқаролар ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий давлат тизими воситасида мувофиқлаштирилиши ҳақидаги илгари сурилган ғоялар Бенжамен Констан (1767 — 1830), Иеремия Бентам (1748 — 1832) ҳамда Жон Стю-

арт Милл (1806 — 1873) концепцияларида ривожлантирилади. Жумладан, Б. Констан ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, шахс манфаатлари ижтимоий гуруҳ ва жамият манфаатларидан устуворлиги тамойилини ёқлаб чиқади. Унинг фикрича, давлат ҳокимияти ваколати шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя этиш билангина чекланмоғи лозим.

И. Бентам эса, либерал замондошларидан фарқли ўлароқ, “табиий ҳуқуқ” назариясини инкор этиб, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларининг утилитаризм ахлоқий-фалсафий таълимотига таянувчи концепциясини илгари суради. Унинг моҳияти “инсонга ҳузур-ҳаловат бағишлайдиган нарса — яхши, дард, оғриқ келтирувчи нарса — ёмон” деган индивидуалистик (худпарастлик) тамойилда тажассум топган. Либерализмнинг асосий тушунчаси — “эркинлик”ни ҳам у худди шундай тарзда талқин этади. Яъни жамият барқарорлигига хизмат этувчи эркинликни ёқлайди. Ва аксинча, ижтимоий ҳаётни беқарорлаштирувчи эркинлик, файласуф назарида, бошқарилмоғи, зарур бўлса, чекланмоғи лозим. Бентам манфаат, фойда, наф инсон хатти-ҳаракатининг мезони ва маънавий-ахлоқий асоси экани ҳақидаги ғояни илгари суриб, умр бўйи унга содиқ қолади. Ҳатто ўлимидан кейин танасидан тиббий мақсадларда фойдаланишни, суюқларини эса тузукроқ кийим-бошга жойлаб, келгуси авлодлар учун сақлаб қўйишни васият қилган экан. Бугунги кунда олимнинг муамланган киёфаси Лондон университети коллежи биноси олдида савлат тўкиб турибди.

Мумтоз либерализм намояндалари жамиятдаги зиддиятларни тан олган бўлса-да, ижтимоий ҳаётни инқилобий усуллар орқали ўзгартиришни тамоман инкор этган. Чунончи, либерализмнинг атоқли вакили

Ж.С.Милл таълимотида инқилобга йўл қўймасдан тадрижий, босқичма-босқич ислохотлар воситасида ижтимоий ҳаётда туб бурилишга эришиш ғояси ифодаланган. Файласуф аксарият зиддиятлар ва инқилобий тўнтаришларни кишиларнинг етарли билимга эга эмаслиги билан боғлаб, таълим-тарбия — жамият тадрижий тараққийотининг бош омили деб таъкидлайди.

Мумтоз либерализм намояндаларини қизиқтириб келган асосий муаммо — шахс ва ҳокимият ўртасидаги муносабатлар масаласидир. Чиндан ҳам, тенглик ва шахс эркинлиги ғоясининг сиёсий ҳокимият зарурати билан уйғунлашувига қай йўсинда эришиш мумкин? Инсон, либераллар назарида, олий қадрият сифатида ҳар қандай яқка



ҳокимиятга бўйсунмас экан, умуман, нимагадир бўйсунми керакми ўзи? Бу саволга барча либералларнинг жавоби бундай: шахс, индивид қонунгагина бўйсунми, итоат этиши лозим, чунки фақат шу йўл билан одамларнинг хатти-ҳаракати ва эҳтиросларини бошқариш мумкин бўлади. Демак, либерализм қонундан ташқари ижтимоий назоратнинг барча кўринишларини инкор этади. Зеро, буюк француз файласуфи Франсуа Вольтер таъбири билан айтганда, "эркинлик" қонундан бошқа барча соҳаларда тўлиқ мустақил бўлишни англатади.

Хуллас, либерализмнинг тadbиркорлик эркинлиги, парламент тизими, шахс ҳақ-ҳуқуқлари, ошқоралик ва ҳокимият тармоқларининг бўлиниши ғоясини ҳимоя этиб, замонавий тамаддун қиёфасини белгилаб турган умуминсоний қадриятларнинг шаклланиши ҳамда қарор топишига қўшган ҳиссаси бекиёсдир.

Ҳозирги вақтда жаҳондаги кўплаб мутараққий мамлакатлардаги демократик тузум, ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамияти юқорида номлари зикр этилган буюк маърифатпарвар файласуфларнинг илғор, ҳаётбахш ғояларига таянади. Бу хусусда илмий-оммавий адабиётда, турли нашрлар, жумладан, "Тафаккур" журналида либерализм таълимоти босиб ўтган тарихий йўл, унинг ғоявий-мафкуравий асослари ҳақида бир қанча мақолалар чоп этилганини (масалан: А.Эркаев. "Ўз йўлини топган юрт". 2000 йил, 1-сон; "Фуқаролик жамияти пойдевори". 2003 йил, 4-сон; М.Мирзаев. "Эркинликка чорловчи таълимот". 2001 йил, 3-сон) назарда тутиб, мазкур таълимот ғарбона концепцияларининг Япония, Хитой сингари мамлакатлардаги либерал ғоя ва қарашлар, шунингдек, тараққиётнинг "ўзбек модели" билан муштараклиги ҳамда фарқли жиҳатларига журналхонлар эътиборини жалб этмоқчимиз.

Либерализмнинг америкача модели

Эркинлик масаласида ундан ўзга маъно излаган одам қул бўлишга маҳкумдир.

Алексис де Токвиль

Кейинги 15-20 йил мобайнида либерал демократик қадриятларга таянган давлат ва жамият қурилиши назарияси ҳам, амалиёти ҳам америкалик файласуф, тарихчи ҳамда сиёсатшунослар ўртасида кескин баҳс-мунозарага сабаб бўлиб келмоқда. Бугун жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий қадриятларигина эмас, либерализм таълимотининг таниқли намояндалари ва назариётчиларининг қарашлари ҳам аёвсиз танқид қилинмоқда. Масалан, америкалик тадқиқотчи Р.Александр замонавий либерализм етакчиларидан бири — Ж.Ролзни жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий қутблашуви жараёнини назарий жиҳатдан асослаб берувчи концепциясини кескин танқид қилади. Унинг фикрича, бу назария аҳоли айрим қатламларининг бойиб

кетишини кафолатлайди ва кам таъминланган кишиларга мўлжалланган ўзига хос "сиёсий пора" сифатида хизмат қилади.

Америка либерализмининг бугунги ҳолатини таҳлил этишдан олдин унинг XX аср иккинчи ярмида АҚШ ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни масаласига бир оз ойдинлик киритиш лозим.

Бу даврда либерализм таълимоти ва амалиёти тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя этиш билан чекланмасдан, маълум даражада, америка жамиятининг барча гуруҳ ва қатламлари, умуман, бутун миллат манфаатлари ва фаровонлигини таъминлашга қаратилган эди. Мазкур стратегия доирасида асосий эътибор, биринчидан, америка иқтисодиётининг ўсиш суръатлари юқори даражаси ва барқарорлигини таъминлаш; иккинчидан, АҚШнинг дунё иқтисодиётида тутган мавқеини янада мустаҳкамлаш; учинчидан, мамлакатда ижтимоий изоҳотларни амалга оширишга йўналтирилган эди. Бир-бирини тўлдирувчи ушбу стратегик мақсадлар 50—60-йиллар америка либерализми ташқи ва ички сиёсати мазмун-моҳиятини акс эттиради. Мумтоз либерализмнинг жамият ҳаётини эркинлаштириш ғоясига таянган ҳолда иқтисодий эркинлик, иқтисодий ўсиш ва ривожланиш бу сиёсатнинг бош мақсадига айланади. Эътиборли жиҳати шундаки, либерализм назариётчилари XX асрнинг 30-йилларида иқтисодиёт илмида туб бурилиш ясаган, мамлакатнинг Буюк инқироз давридан чиқишига ҳисса қўшган инглиз олими Жон Мэйнард Кейнс (1883 — 1946) меросига мурожаат қилиб, унинг қарашлари АҚШ иқтисодиётининг юксалишигагина эмас, сиёсий барқарорлигига ҳам хизмат қилажагини эътироф этади.

Гап шундаки, Кейнс аксарият олимлардан фарқли ўлароқ, иқтисодиёт ўзини ўзи бошқарадиган тизим эмаслигини, иқтисодий ўсиш суръатлари пасайган, ишсизлик кўпайган, миллий валюта қадрсизланган ҳолларда давлат ушбу жараёнларга зудлик билан аралашishi ҳамда тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиши лозимлигини асослаб берган. Дарҳақиқат, 60-йилларнинг охирига келиб мамлакатни бошқарган либерал ҳукумат Кейнс усулларини қўллаган ҳолда иқтисодий ўсиш суръатларининг бир маромда сақланиб туриши, ишсизлик, миллий валютанинг қадрсизланиши даражасини назорат этишга эришади. Аммо 70—80-йилларда вазият яна издан чиқади: иқтисодий ўсиш суръатлари пасаяди, ишсизлар сони ортади, пул қадрсизланади. Маълум даражада бу жараён тўлқинсимон шаклда бугунги кунгача давом этиб келмоқда. Бу ҳолни аксарият мутахассислар либерализм таълимотининг инқирози билан боғламоқда. Масалан, Д. Маклин ва К. Миллзнинг таъкидлашича, либерализмнинг қайси жиҳатини таҳлил этманг, у ҳам сиёсий назария, ҳам тарихий анъана, ҳам давлат қурилишининг фалсафий тизими сифатида жиддий баҳсмунозарага сабаб бўлмоқда. Бугун мамлакат сиёсий сахнасида ўзини либерал ёки неолиберал деб атаётган демократлар, консерватор ёки неоконсерватор деб номлаган республикачиларнинг "ғалати коалицияси" кўзга ташланади. Консерваторлар давлатнинг черков ва оила ҳаётига аралашувини ёқлаб чиқаётган бўлса, неоконсерваторлар ҳуку-

матнинг фуқаролар шахсий ҳаёти ва корпорациялар фаолиятига аралашувига қарши чиқмоқда. Либерал демократлар чексиз фуқаровий эркинликлар тарафдори бўлса, неолибераллар маъмурий тизимнинг фуқаролар ҳаётига аралашуви, даромадларни тақсимлашда иштирок этиши, хусусий сармояларни назорат қилишда бевосита қатнашуви ғоясини илгари сурмоқда.

Хўш, бундай бир-бирига зид ёндашувларнинг боиси нимада?

Бундай қарашлар либерализм доктринаси замирида пайдо бўлган, жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги бошқариш жараёнида ўзини кўрсатаётган этатик ва аксилэтатик ғоя ҳамда тамойил, услуб ва технологияларнинг қўлланиши билан изоҳланади.

“Этатизм” ибораси (французча “etat”) давлатнинг иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларига фаол аралашувини, “аксилэтатизм” тушунчаси эса, аксинча, маъмурий тизимнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий соҳаларга таъсири чекланганини англатади.

Аввал таъкидланганидек, либерализм таълимоти Уйғониш ва Ислохотчилик даврининг кишиларнинг бир-бирига ўзаро боғлиқлиги, барча муаммоларнинг баҳамжиҳат ва ҳамкорлик воситасида ҳал этилиши, савдо, рақобат ва тадбиркорлик эркинлиги каби ғоялари билан озиқлангани боис давлат ҳам бу жараёндан четда турмаслиги, у жамиятни бошқаришга оид муайян вазифаларни зиммасига олиши лозимлигини тақозо этади. Мумтоз либерализм талқинидаги демократия ҳам Адам Смитнинг эркин бозор муносабатлари ҳамда фаолият эркинлиги тамойилларининг сиёсийлашган шакли сифатида номён бўлади. Демак, либерализмда азалдан давлатнинг жамиятга нисбатан муносабатига ҳар хил ёндашувларни мужассамлаштирган турли йўналиш ва оқимлар мавжуд бўлган.

Либерализм таълимоти негизида вужудга келган “плюрализм”, “социалистлар гильдияси” ҳамда “синдикалистлар” америка жамияти мафкурасининг шаклланиши ва фуқаролар дунёқарашига жиддий таъсир этиб келаётган ғоявий-сиёсий ва фалсафий оқимлардан саналади. Бир вақтлар америкалик назариётчилардан бири Т. Пейн “Давлат бу — ёвузлик тимсоли. Шундай экан, жамият ҳаётига унинг аралашуви имкон қадар чекланмоғи лозим” деганда аксарият америкаликларнинг кўнглига ва дунёқарашига мос мулоҳазани ўртага сурган эди. Чунки индивидуалистик (худпарастлик) руҳи қон-қонига сингиб кетган бу мамлакат кишилари чиндан ҳам давлат фақат эркин савдо алоқалари, инсон ҳақ-ҳуқуқлари, мулк дахлсизлиги, жамоат тартибини назорат қилиш, шунингдек, халқни ички ва ташқи душманлардан ҳимоя этиш билан чекланмоғи лозим деб ҳисоблайди.

Бояги оқимларнинг учаласи ҳам давлат, жамият ва шахс муносабатларида бундай қарашларни назарий жиҳатдан асослайди. Г. Ласки, А. Линдсей, Э. Баркер, Ж. Фиггис каби плюрализм оқими вакилларининг таъкидлашича, жамият тараққиёти жараёнида индивидуализм негизига қурилган “шахс — давлат” муносабатлари “гурух (ёки уюшма) — давлат” муносабатлари билан ўрин алмашади. Шахс ҳам гуруҳга, ҳам давлатга бўйсунар экан, у ҳолда пайдо бўладиган низо

ва зиддиятларни ҳал этишда давлат қандай ўрин тутиши лозим? Плюралистлар назарида, бундай вазиятларда давлат ўзига хос ҳакамлик вазифасини ўташи, аммо гуруҳ ёки уюшмалар фаолиятини бошқаришга ҳамда фуқароларнинг садоқатига асло даъво қилмаслиги даркор. Акс ҳолда гуруҳлараро зиддиятларни ҳал этиш, уюшма аъзоларини раҳбариятнинг ноқонуний хатти-ҳаракатидан ҳимоя қилиш масаласи жумбоққа айланиб қолади.

Социалистлар гильдияси (ўрта асрларда савдогарлар бирлашмаси) ҳокимият ва саноатдаги бошқарув вазифасини уюшган истеъмолчилар вакили — давлат ҳамда касаба уюшмаларига бирлашган ишлаб чиқарувчилар ўртасида бўлишни таклиф этади. Уларнинг фикрича, саноат соҳасида қонунчилик ҳокимиятини бир хил ҳуқуқларга эга бўлган икки парламент: бири — давлатнинг, иккинчиси — ишлаб чиқарувчиларнинг вакили сифатида амалга ошириши керак. Бу каби ҳолларда давлатнинг сиёсий вазифалари сақланиб қолиши, аммо унинг иқтисодий назорат функциялари жузъий равишда қисқариши назарда тутилади. Синдикалистлар бошқариш ва назорат этиш ижтимоий институтлари сифатида ишлаб чиқариш ва касб бўйича бирлашган уюшмалар ташкил этиш, давлат зиммасига эса, умумий сиёсатни қонуний асосда юритиш ҳамда мувофиқлаштириш вазифасини юклаш ғоясини илгари суради.

Бу мулоҳазалардан кўринадики, давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётга аралашувини чеклаш тарафдори бўлган ҳар уч оқим аслида давлат ҳокимияти ҳамда жамият аъзоларининг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари тўлиқ ҳимоя этилишида маъмурий тизимнинг кўмагига эҳтиёж сезаётган уюшма ва ташкилотларнинг яқин ҳамкорлик қилиши мумкинлигини инкор этмайди. Чунотчи, плюралистларнинг назарида, фавқулодда вазиятларда (инқироз, уруш, табиий фалокат ва ҳоказолар) давлат бошқаруви ҳал қилувчи аҳамият касб этиши лозим. Бу оқим етакчиларидан бири Ж. П. Бонкур давлат ҳокимиятини мамлакатдаги барча миллатлар манфаатини ҳимоя этувчи яқкаю ягона куч ва умуммиллий бирдамлик тимсоли сифатида баҳолаб, унинг оддий фуқарони иш берувчи ёки уюшмалар тазйиқидан ҳимоя этиш вазифасига ҳам алоҳида урғу беради. Аммо, барибир, бундай ёндашувлар бир қадар чеклангани, жамиятда рўй бераётган ўзгаришларни тўлиқ қамрай олмаслиги, мамлакат истиқболини назарий жиҳатдан асослаб бера билмаслиги намён бўла бошлади.

Ғоявий инқироз 70-йиллардаги президент сайловларида либералларнинг кетма-кет мағлубияти ва ҳокимият тепасига консерватив кучларнинг келишига сабаб бўлди.

Хуллас, 80-йиллар бошида мумтоз либерализмнинг ғоявий-назарий платформаси, илгари сурган ғоя ва ёндашувлари тараққиётнинг янги босқичи — постиндустриализм, замонавий ахборот ва электрон технологиялар талаб-эҳтиёжларидан ортда қолаётгани аён бўлади.

Таниқли олим Роберт Рейч америка жамиятида ислохотлар зурратини вақтида англамаслик фуқаролик ва тадбиркорлик маданиятининг азалдан бир-бирига қарама-қарши қўйилиши билан уз-

вий боғлиқ эканини таъкидлайди. Фуқаролик маданияти давлат ҳокимияти сиёсатига тааллуқли институтлар, ижтимоий адолат, барча учун тенг имкониятлар, шахс ҳуқуқ ва эркинликлари, ижтимоий таъминотни ўз ичига қамраб олади. Тадбиркорлик маданияти деганда эса, ишлаб чиқариш ўсиши ва самарадорлиги, аҳоли бандлиги, молия, савдо-сотик каби масалалар тушунилади. Либерал демократлар — фуқаролик маданиятига, республикачи ва консерваторлар эса — тадбиркорлик қадриятларига таяниши камида икки асрлик анъанага айланиб қолган эди. Шу боис америкаликлар икки хил қадриятдан бирини: ижтимоий адолат ёки фаровонлик, ҳукумат ёки эркин бозор, технологик тараққиёт ёки иш ўринлари, жамоавийлик ёки шахсий эркинликни танлашга мажбур эди. Кўплаб файласуф ва сиёсатшунослар бундай ёндашувлар воқелиқдан йироқ эканини таъкидлаб, аслида, 80-йиллар бошида Америка олдида турган бош масала — мамлакат бундан буён ҳам ўзгараётган дунёдан юз ўгириши керакми ёки халқаро майдонда вужудга келган янги вазиятга мослашиши лозимми, деган саволга жавоб излаши шарт дея таъкидлайди.

Масаланинг кун тартибига бу тарзда қўйилишининг сабаблари бор эди, албатта. Чунки Ғарбий Германия, Франция, Швеция каби мамлакатларнинг, айниқса, Япониянинг иқтисодий ўсиш суръатлари, технологик тараққиёт борасида деярли АҚШ даражасига етиб олгани, корхоналарда бошқарув тизимининг такомиллашуви, хусусан, маҳсулот таннарихи ва сифати бўйича ҳатто илгарилаб кетгани америкалик мутахассислар орасида жиддий ташвиш уйғотган эди. Жумладан, Америка ва Япония трансмиллий корпорацияларини қиёслаган мутахассислар ҳам, америка ишбилармон доиралари ҳам япон корхоналарининг афзаллигини тан олишга мажбур бўлди. Чунончи, АҚШдаги йирик корпорация раҳбаридан “Яқин ўн-йигирма йилда қандай масала мамлакат бизнеси учун ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин?” деб сўрашганда, у бундай жавоб қилган: “Энг муҳими — технология, молиялаштириш, иқтисодий бошқарув ёки пулнинг қадрсизланиши эмас, ишлаб чиқаришнинг японча усули биз қўллаётган ёндашувлардан самаралироқ экани билан боғлиқ масаладир” (*В. Цветов. Пятнадцатый камень сада Рёндзи. Хабаровск, 1990, 11-бет*).

Дарҳақиқат, 70-йилларнинг бошиданоқ япон корпорациялари мамлакат миллий манфаатларини кўзлаб, кўп меҳнат талаб этувчи ишлаб чиқариш корхоналарини ривожланаётган мамлакатлар ҳудудида жойлаштиришга, мамлакатнинг ўзидаги ишчи кучи ва меҳнат захирасини давлатнинг фаол ҳамда изчил кўмаги билан меҳнат ҳақи юқори бўлган янги илмий-технологик соҳаларга йўналтиришга интилди. Бундай сиёсатнинг афзаллиги шундаки, биринчидан, у ривожланаётган давлатлар бозори Япония иқтисодиётига мустаҳкам ришталар билан боғланади; иккинчидан, мамлакатнинг илмий-техникавий ҳамда технологик тараққиётига кўшимча шарт-шароит ва имкониятлар яратди.

Биз бу ҳақда кейинроқ батафсил тўхталамиз. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, америка корпорациялари япон корхоналаридан фарқли ўлароқ, ишлаб чиқариш ва инвестицион фаолияти мамлакатдаги меҳнат захираси ҳолатига ва турмуш даражасига қандай таъсир этишини эмас, аввало, хусусий корпоратив манфаатларни кўзлайди.

Ана шундай вазиятда мамлакат сиёсат майдонида демократик кучларнинг янги авлоди — неолибераллар оқими пайдо бўлади. Сенаторлар Г. Харт, Б. Брэдли, А. Гор (кичиги), М. Бокэс, К Додд, конгресменлар Р. Гепхардт, Т. Уирт, Ж. Флорио ва бошқалар, шунингдек, Массачусетс Технология институти профессори Л. Туроу, Гарвард университети профессори Р. Рейч мумтоз либерализмнинг давр синовидадан ўтган меросига таянган ҳолда жамият тараққиётининг янги босқичига мос концепцияни яратишга киришади.

Неолибералларнинг ушбу концепциясида индустриал давр ишлаб чиқаришидан замонавий электрон ва ахборот технологияларига таянган иқтисодийётга ўтиш негизида мамлакат тараққиётини янги босқичга кўтариш масаласи назарий асосланади. Унда даромадлар тақсимоти, таълим тизимини ривожлантириш каби аъъанавий ғоялардан ташқари либераллар ҳеч қачон илгари сурмаган янгича таълимлар, хусусан, табиий захираларни асраб-авайлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, ишлаб чиқариш менежментини такомиллаштириш, иқтисодий рағбатлантиришнинг самарали усулларини жорий этиш, кичик бизнес ва тадбиркорликни юксак технологиялар соҳасига жалб этиш масалалари муҳим ўрин тутди. Неолибераллар назарида, замонавий электрон ва ахборот технологиялари ҳам, таълим ва касбга тайёрлаш тизими ҳам инсоннинг ботиний имкониятларини рўёбга чиқаришга ва пировард натижада мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига хизмат қилмоғи лозим. Бундан ташқари, неолиберализм вакилларининг фикрича, замонавий технологияларнинг жадал ривожланиши бир қатор ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилиши, шунингдек, урушдан кейин пайдо бўлган, бир вақтлар америкалик социолог Д. Рисмен жиддий тадқиқ этган кишиларнинг жамиятдан ётлашуви, "ёлғизлашган авлод" феноменини "миллат яхлитлиги" туйғуси сикиб чиқаришига умид боғлаш мумкин. Бунга эришиш учун улар мамлакатнинг саноат корхоналари зич жойлашган ҳудудларида ўзига хос "ахборот архипелаглари"ни барпо этиш ғоясини илгари суради. Уммондаги ҳақиқий архипелаглар сингари бундай ахборот архипелаглари алоҳида-алоҳида оролчалар — яъни илғор технология асосида фаолият юритадиган корхоналар, аҳолига хизмат кўрсатиш фирмалари, маданий ҳордиқ чиқариш муассасалари, саноатнинг барча соҳалари учун мутахассис тайёрлаб берадиган техника ўқув юртлари ва ниҳоят "архипелаг"нинг ўзаги ҳамда илмий-назарий негизини ташкил этадиган университетдан иборат яхлит тизимни ташкил этиши лозим.

Бу ёндашувда 50—60-йиллардаги либерал қарашларга зид бир жиҳатни пайқаш қийин эмас. Ўша давр либерализми шахс ривож

учун зарур барча шарт-шароитларни яратиш, жамиятда ижтимоий-сиёсий тенглик ва барқарорликни таъминлаш мақсадида таълим ва касбга тайёрлаш тизимида ижтимоий-гуманитар ёндашув устуворлигини ёқлаб чиққан. Неолибераллар эса бундай қарашлардан воз кечиб, барча саъй-ҳаракатлар мамлакат иқтисодий тараққиёти, иқтисодий ўсиш омилларига йўналтирилмоғи керак дея таъкидламоқда. Масалан, таниқли неолибераллардан бири Р. Ротенберг фикрича, "Илгариги замонларда демократлар қўллаб-қувватлаган ва татбиқ этишга интилган таълим-тарбиянинг ижтимоий йўналтирилган дастурлари ўрнини "инсон капиталига" соғлом ёндашув сиёсати эгаллаши лозим" (Р. Ротенберг. *Неолибералы: формирование новой американской политики. N-Y, 1984, 87-бет*).

Дарҳақиқат, амалиётга изчил татбиқ этила бошлаган бу сиёсат XX аср охирига келиб мамлакат иқтисодий қудратининг мустаҳкамланиши, юксак технологияга асосланган ишлаб чиқариш соҳасида (автомобилсозлик, электроника, ахборот ва компьютер воситалари ва ҳоказолар) етакчи ўрин эгаллаши, бир сўз билан айтганда, ўта қудратли ягона давлатга айланишига замин яратади.

XXI асрнинг бошида дунё миқёсида яратилган замонавий техника ва технологияларнинг 35,8 фоизи АҚШ зиммасига тўғри келади (бу кўрсаткич Японияда — 17,6, Германияда — 6,6, Буюк Британияда — 5,7, Францияда — 5,1, Хитойда — 1,6 фоизни ташкил этади). Табиийки, бундай қудратга эга бўлган мамлакат иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳамда маданий глобаллашув жараёнининг асосий ҳаракатлантувчи кучи, етакчи омилига айланди. Америкалик футуролог Х. Макрэй бундан буён Американинг барча соҳалардаги интеллектual устунлиги сақланиб қолиши, унинг маданияти, ғоялари ва тили бутун дунё бўйлаб тарғиб этилишига ҳеч қандай тўсиқ йўқлигини таъкидлайди.

Аммо неолибералларнинг жамият ва инсон тақдирига фақат технологик, техникавий нуқтаи назардан ёндашуви бир қанча мураккаб ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий муаммоларни келтириб чиқараётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бу ҳол дунёдаги кўплаб каттаю кичик, мутарақий ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашуви, айрим кучли давлатлар қадриятларнинг бир хиллашуви борасида олиб бораётган глобал сиёсат миллий қадриятлари ва ўзлигини сақлаб қолишга интилаётган халқлар манфатларига мос келмаётганида айниқса яққол намоён бўлади.

Дунёда либерализм таълимотининг эзгу ғояларига таяниб ана шундай муаммо ва зиддиятларни бартараф этаётган, юртининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тараққиёти, жамият фаровонлигини таъминлаб, замонавий юксак технологияларни неча асрлик миллий аъёна ва қадриятлари билан уйғунлаштира олган давлатлар ҳам йўқ эмас. Бунга энг ёрқин мисол — Кунчиқар мамлакати. Кейинги мақолада ана шу ҳақда сўз боради.



«Юргил, далаларга кетайлик, дўстим...»



Qayta, tug'ilaman qarashingizdan

Кетдингизми?
 Келмайсизми энди?
 Унутдингизми?..
 Саволларимдан
 Ой бўлиниб кетар осмонда,
 Бир синиги ёнимга тушар...
 ...Ойнинг синигидан қонаган
 Оёғим билан
 Келмасингиз билсам ҳам, печун
 Қонлар томган
 Йўллар бўйидан
 Сизга пешвоз чиқавераман?
 Оёқларим теккан сўқмоқда
 Лолақизгалдоқлар кўкарар
 Ва лаҳзада қуриб қолади
 Сизнинг менга меҳрингиз каби.

* * *

Ёмғирлар фасли кирди
 Кўнгил гулханларин
 Ўчирмоқ бўлиб.
 Мен эса кўнглимни
 Ёмғирга бермай
 Олиб кетдим
 Ишқим кенглиklarига —
 Кузда келадиган баҳорим учун...

* * *

Ўғлим менинг —
Богимдаги дарахтим!
Илдизларингга тегмасин ҳеч ким
Ўар япроғинг яшнаши учун.
Тупроқ бўлиб тўқилмоқдаман,
Уни маҳкам чангалла
Илдизларинг билан.
Тўрт ёнингда
Янги ниҳоллар
Ўсиб чиқиши учун.

* * *


Яшайдан чарчадим,
Сизни соғинишдан,
Ўзимни тириклай
Ерга кўмишдан!
Чарчадим...
Тирик юришдан...
Яшаш эса,
Тирик юриш эмас.

* * *

Ўйга қараб кетаман,
Ўй йўқ.
Йўлга чиқиб кетаман,
Йўл йўқ.
Сизга қараб кетаман,
Сиз йўқ.
Қалбга қараб кетаман,
Дил йўқ.
Мен ҳавода
Муаллақ турган
Оғриқман бугун...

* * *

Чумоли ини
Қўпол, бесўнақай оёқ остида
Қолди бузилиб.
Келаётир чумолилар галаси
Тизилиб:



Йўқотмаганини
Излаяпти улар!
Изламаганини
Топармикан улар?..

* * *

Биламан,
Нодонларгина
Бахтга сизмай,
Ўлдирарлар қалбин аёвсиз:
Муқаддас туйгулар
Нафсга бўлар қул —
Янтоқлар гуллайди,
Сўлар атиргул.

Биламан,
Менинг қалбим ўлмас.
Абадий яшар,
Чунки мен
Бахтсизлигим ичидан
Топдим Бахтимни...

* * *

Мен Сизга
Нимадир айтмоқчи бўламан...
Бир сўз...
Биргина сўз:
Ўар кимнинг
Ҳаёти ўзига берилган...

Биламан, мен
Шу сўзни айтган кунин
Самодан ёмғир эмас,
Тош ёрилгандай;
Қуёшдан нур эмас,
Қон тўкилгандай
Бўлади.
Умр ҳам тўхтар...
Юрак урмайди,
Аммо руҳимдаги
Мухаббат
Ўлмайди!
Мен эса, умримни

Сизнинг умрингиздан
Қайтиб ололмайман.
Сизнинг умрингизни ҳам
Жонимдан олиб,
Қайтиб беролмайман.

* * *

Ақлим тегирмони
Ўрганди
Янчиб майдалашни
Рўёбга чиқмаган орзуларини.
Виждоним оғрийди
тошлар майдаласа
Хиёнат-ёлгоннинг қайгуларини.

* * *

Ўз умрини
Яшолмас шоир.
Ёлгон дунё берган
Ёлгончи бахтни
Ростга айлантирар.
Лаҳзалик қувончини
Шеърлари билан
Мангуликка айлантирар,
Шоир — сеҳргар.

* * *

Тақдир бир асал-ла сийламас, тўғри,
Раво ҳам кўрмагай фақат заҳарни.
Бахтингга қувонма, эй Одам Ўгли,
Билмайсан,
Эртага не бўлар,
Келаётган омадми ёки хатарми?

Осмон тепамда деб кўтарма бошинг,
Қараб юр оёгинг остига — Ерга ҳам.
Борар манзилимиз бирдир, ҳовлиқма,
Келиб-кетар жойимиз ҳам бир қадам...

* * *

Қайта тугиламан қарашингиздан,
Рухимга киради бошқа бир умр.
Минг бора айланай кўз-қошингиздан,
Сизни менга инъом айламиш тақдир.

Тақдир ёзмишлари менинг қонимда,
Минг ўйлаб, бир чора топа олмайман.
Бошиқа жон яралди энди жонимда,
Энди бу умрни қайтаролмайман...

* * *

Вақт — афсунгар.
Ҳаёт — бир,
Нечун икки соат ясадинг, заргар?!
Олтин сув ҳам
Югуртириб унинг тилига,
Маҳкам қилиб
Ўрнатдинг сўнг
Икки қалбнинг битта кўнглига.
Улар юриб турар,
Фарқи шундаки,
Бири — қўлда, бири — қутида...

Битта юрак,
Бир меҳр учун
Нечун икки соат
Ясадинг, заргар?!
Келадиган бахтли онларни
Билсин, дедингми?
Ўзинг айт,
Яшасим учун
Қолган вақтинг нечоғли?
...Қаранг тақдир ишига:
Умрим ўлчови
Қўлимдаги эмас,
Қутидаги
Соатга боғлиқ!

* * *

Кўзларим ёшини артдингиз,
Йиғлама, дедингиз.
Меҳрингиз кучи
Менга куч берди.
Йиғламайман,
Энди йиғламайман, дедим.
Ўргандим,
Кўзларим ёшини
Ичимга ютишини ўргандим.
Ичимга тўкилган

Кўз ёшларим
Шўр-тузга айланиб,
Бўғзимда қолди.
Энди йиғламайман,
Биламан,
Энди йиғласам,
Кўзим ёшларини
Артмайди ҳеч ким.
Энди кўз ёшим
Юзимга эмас,
Бўғзимдаги тошга томади.
Сиз энди кўзёшим кўрмайсиз,
У менинг ичимда қолади!
Йиғлама, дедингиз,
Йиғламаяпман...

* * *

Бошқалардан қаттиқ қизганиб,
Сизни яшириб кўяман
Юрагимнинг чуқур ерига.
Токи тополмасинлар Сизни
Ичимдаги
Сирларим каби,
Вужудимнинг
Ич-ичидан ҳам...

* * *

Биламан,
Эсингизга тушаман баъзан,
Ҳаётингизда эса йўқман.
Ширт этиб шохидан
Узилган бир барг
Бақувват дарахтга билинмагандай,
Борлигим,
Йўқлигим
Билинмас Сизга.

Япроқни чиртирак қилиб шамоллар
Олиб кетган бўлса бенишон,
Мени Сизнинг ҳаётингиздан
Чиқариб ташлади
Қисмат деб аталган шиддатли бўрон...
Биламан,
Эсингизга тушаман баъзан...

Эссе

ABDULLA QAHHOR JASORATI

Гапнинг индаллосини айтсак, адабиётимизнинг мустақилликдан кейинги қиёфасини мен бошқача тасаввур қилганман. Истиқлол адабиёти — ҳақиқат адабиёти, шижоат адабиёти, ҳавасга арзигулик хуррият ва маърифат адабиёти ўлароқ шаклланади, деб ўйлаганман. Юрти озод, тили, дили эркин ижодкор нега мутелик ва ожизликка кўнсин? Ёлгон ва тилёғламаликка не ҳожат? Саёзлик, маддоҳлик, офаринбозликдан ижод ахли энди, ҳар қалай, халос бўлар, деб умид қилганман. Истеъдодсиз ижодкорлар, ярқоқсиз асарларнинг йўли тўсилишига ишонч бўлган менда. Қарангки, хаёл — бошқа, ҳаёт — бошқа экан...

Адабиёт тақдири юрт ва миллат тақдири билан узвий боғлиқ. Миллат руҳи бутун мураккаблиги ва зиддиятлари билан аввало адабиётда аке этмоғи лозим. Миллатнинг қалб дардларига ҳам даст-

лаб адабиёт малҳам топади. Чунки халқнинг яшаш завқи сусайса — ғайрати сусаяди. Маънавий-руҳий ғайрат пасайса — фикр ва ташаббус тўхтайтиди. Бунга биринчи навбатда адабиёт масъул. Абдулла Қаҳҳор айтганидек, "Адабиёт атомдан кучли..." Агар унинг кучи "ўтин ёриш"га сарф қилинмаса, адабиёт покиза ва муқаддас иш бўлиб қолса, ҳеч шак-шубҳа йўқки, бадий сўзнинг куч-қуввати ортиб боради.

Мустақиллик арафасида, маълум бир муддат, ундан кейин ҳам Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби буюк адиблар ижодига бир оз беписанд, шубҳа билан қараганлар-да бўлди. Уларнинг ижодий ютуқлари, миллий адабиётнинг ҳақиқий адабиёт бўлиши учун чеккан заҳмат ва азобларини назарга илмаганлар ҳам майдонга чиқа бошлади. Аммо бундай нотўғри муносабат натижасида ада-

биётимиз ривожланиб қолгани йўқ. Аксинча, икки жумла фикрни эплаб ёзолмайдиган, ижод моҳиятини ниҳоятда юзаки тушуниб қоғоз қоралайдиганлар сафи кенгайиб кетди. Ўқувчилар олдида адабиётнинг кадр-қиммати, ёзувчининг обрў-эътибори пасайди. Агар бадиий ижодга Абдулла Қаҳҳор ёки Ойбек нигоҳи билан қараб, уларнинг бадиият мактабидан таълим олиб, тажрибаларидан хулосалар чиқарилганида, шундай бўлармиди? Менимча, аҳвол нисбатан бошқача бўлур эди. Эътибор берган бўлсангиз, кейинги вақтларда ёзувчилар янги асарлари неча саҳифадан иборат эканидан ҳам гурурланиб гапирадиган бўлиб қолди: "Мен фалон бетлик ҳикоя ёздим, юз эллик бетлик эссеми тугатдим" ва ҳоказо. Ёзувчининг асар бадиияти ҳақида эмас, ҳажми тўғрисида сўзлаши нима ни англатади? Беихтиёр Абдулла Қаҳҳорнинг сўзлари хотирга келади: "Адабий асар ёзиш учун, ҳеч шубҳасиз, талант керак. Лекин ёзилган нарсани ўчириш, китобхонга зарур нарсанигина қолдириш учун талантнинг ўзигина кифоя қилмайди, *инсоф ҳам керак*". Таассуфки, ҳозирги пайтда инсофли истеъодлар кам, истеъдодсиз беинсофлар кўпроқ.

Айтишларича, Миртемир домлага бир тавсиянома зарур бўлиб қолганида Абдулла Қаҳҳорга мурожаат қилган экан. Шунда Абдулла Қаҳҳор Миртемирга "Зиёд ва Адиба" каби бадиий жиҳатдан бўш асарларга муҳаррирлик қилганини эслатиб, тавсиянома бермаслигини билдирган экан. Ўзингиз айтинг, Абдулла Қаҳҳор адабиёт манфаатини ҳатто истеъдодли ижодкор манфаатидан ҳам юксак қўймаганида, Миртемирдай шоирнинг раъйини қайтарармиди? Ёки беғаразлик, бағрикенглик Абдулла Қаҳҳорнинг бош фазилати бўлмаганида, Миртемирнинг аслида ўша ишидан пушаймон эканини билгач, уни ҳузурга чорлаб, тавсиянома берармиди?

Абдулла Қаҳҳорнинг "Ёшлар билан суҳбат" китоби Саид Аҳмаднинг "Тортиқ" номли ҳикоялар тўпламига бағишланган танқидий мақола билан бошланади. Ма-

қола 1940 йилда ёзилган. Абдулла Қаҳҳорнинг шундан кейинги адабий-танқидий фикр-мулоҳазалари ҳам бири биридан ўткир, бири биридан аҳамиятли ва қимматлидир. "Ёзувчининг вазифаси яхши асарлар ёзиш, халқ дилининг таржimoni бўлиш билангина чеқданмайди, унинг вазифасига адабиётни ҳар қандай бало-қазодан кўриқлаш, адабиётнинг сергак, жасур посбони бўлиш ҳам кириди" деган сўзларига ўзи қандай амал қилганини билиш учун мунаққид-ёзувчи Абдулла Қаҳҳор фаолияти билан танишиш кифоя.

II

Талабалик йилларимда Абдулла Қаҳҳорни яқиндан кўриш, икки оғиз гапини эшитишни орзу қилганман. Аммо бу орзум амалга ошмаган. Абдулла Қаҳҳорни фақат телевизорда икки маротаба кўриб, сўзларини эшитганман. Иккаласи ҳам менда кучли таассурот уйғотган.

Олтишинчи йилларнинг ўрталари. Пахта яккаҳоқимлиги авжига чиқаётган кезлар. Ўзбекнинг етти ёшидан етмиш ёшигача пахта даласида. Ёшу қари гўё эгатларга сочилиб кетган. Қилча бўлсин, норозилик билдириш мумкин эмас. Масковдан белгиланган йиллик режани бажармагунча на қиз-жувон, на болаларда тиним бор. Кузнинг вужудни жунжиқтирувчи изғирин ва совуқларини енгиб, ниҳоят, вилоятлар бирин-кетин кўзланган марраларни эгаллай бошлайди. Кўлга киритилган улкан ғалаба билан пахтакорларни қутлаб ёзувчи, шоир ва олимлар ҳам телевизорга чиқади. Табрик сўзлари ниҳоятда кўтаринки, бири биридан силлиқ ва ялтироқ. Иттифоқо, Абдулла Қаҳҳор ҳам юртдошлари — Фаргона меҳнаткашларини телевизор орқали қутлайди. Лекин унинг қутлови ҳеч қимнигига ўхшамасди: сўз ҳам, гап ҳам жуда оддий ва табиий. Дехқоннинг қувончига шерик бўлиш, кўнглини кўтариш ниятида айтилаётган фикрлар ҳам тошдай оғир. Мен ўша даврда пахтакорни табриклаш учун радио ёки

телевизорга чиққан бирон бир ижодкорнинг журъат билан "Машина пахтакорнинг меҳнатини нақадар енгиллатган, уни машаққатдан нақадар кутқарган бўлса ҳам, хануз қиз-жувонларимизнинг хусн-латофати пахтазор жўяклариди қолиб бораётибди, студентларимиз хануз тўлиқ таҳсил кўрмаётибди, қишлоқ болалари хануз мактабдан чаламулла бўлиб чиқаётибди" деганини эслай олмайман...

Ёв қочса, ботир кўпар, деганларидек, қайта қуриш ва ошкоралик замонларида қўлига қалам ушлаган зот борки, пахтакорнинг аҳволига қайгурадиган, пахта ишининг оғирлигидан бонг урадиган бўлиб қолди. Бу "қаятис" масаллада шу қадар кўп гапирилдики, охири тинглашга ҳам тоқат қолмади. Айниқса, айрим журналист ва ёзувчиларнинг бийронлиги, чечанлиги андишасизликкача етиб борди. Қолбуки, ғамкашлик ва муҳофизлик кайфиятидаги ўша фикр-мулоҳазаларни бир жойга жамласангиз, уларнинг маъно салмоғи Абдулла Қаҳҳорнинг юқоридаги уч жумласига яқин ҳам йўламайди.

III

Абдулла Қаҳҳор ҳаётда ҳам, бадий ижодда ҳам ўз ҳақиқатларини топган, шу ҳақиқатлар учун сабот билан курашган санъаткордир. Бу ҳақиқатлар уни қаттиқ қийнаган, қалбида оғир-оғир тебраниш ва тортишувлар пайдо қилган. Аммо у онгли ҳаёти ва истеъдод қувватини айнан шу ҳақиқатларга бағишлаган. Кўнглини нурафшон айлаган шу ҳақиқатларга суяниб, Абдулла Қаҳҳор маънан улгайган, маънан улгайган сайин эса шу ҳақиқатларнинг боқийлигидан илҳомланган. Абдулла Қаҳҳорнинг чўнг меҳнат ва заргарлик билан яратилган ҳар бир асариди боқий ҳақиқат муҳри ва шукуҳи бор. Ёзувчининг ижодий шахсияти беҳад бой ва фавқулдатда савоватли. Шунинг учун, рус олимаси И. Баролина тўғри қайд этганидек, "Абдулла Қаҳҳор ижодига қизиқиш унинг

шахсиятига, инсоний моҳиятига қизиқиш билан бевосита боғланган. Унинг шахсий фазилатлари — фикрлаш тарзи, характери, ғайрат-шижоати, маънавий дунёси асарларида шу қадар ёрқин акс этганки, ёзувчи Абдулла Қаҳҳор билан унинг шахси ичдан ажралмас алоқада бўлиб кўринади".

Бу ҳаммага насиб этадиган ва ҳамма ёзувчидан талаб қилса бўладиган хусусият эмас. Барча буюк ёзувчилардек, Абдулла Қаҳҳорнинг ҳам шахси — ижодига, ижоди — шахсига бир кўзгудир. Адиб ижодини севганга албатта унинг шахсига мафтун бўлади, шахсини билганлар эса — унинг ижодидан айри яшай олмайди.

1967 йили Абдулла Қаҳҳор олтмиш ёшга тўлган эди. Ўша санага бағишлаб сентябрь ойида Тошкентда ўтказилган катта анжуман телевизорда бутун жумҳуриятга намойиш этилди. Бу адабий йиғин талабалик давримнинг асло ўчмайдиган хотираларидан бири бўлиб қолган. Буюк адибнинг қордай оппоқ сочлари, нуруний чехраси, вазмин ва салобатли қадду қомати, ўзига ярашиқли бир оҳангда сўзлашлари тасаввуримда ҳали-хануз тез-тез жонланиб туради.

Абдулла Қаҳҳорга хос сокинлик, мулоҳазакорлик ва теранликка етишмоқ учун қанча билим, мушоҳада, қанча ҳаётий тажриба ва дард зарурлигини кейинроқ — анча вақт ўтгач англадим. Мана, ёш ҳам эллиқдан ўтиб олтмишга қараб чопаётир. Ўттиз йилдан ортиқ вақтдан буён пойтахтда яшайман. Қанча-қанча ёзувчи, шоир, санъаткор ва олимлар билан учрашдим, яқиндан танишдим, мулоқотда бўлдим. Айримларининг юбилей тантаналарида иштирок этдим. Аммо улар орасида Абдулла Қаҳҳорга ўхшаб ўзининг Сўзига ўзи ҳоким бўлган, ҳар қандай вазиятда ҳам мустақил фикрлайдиган ижодкор инсонни кам учратдим. Ҳақ ва ҳақиқат қаршида тили қисик, юзи шувут бўлмаган ёзувчи борки, барчаси ўз сўзига ўзи ҳокимдир. Абдулла Қаҳҳор шундай беназир ёзувчи эди.

IV

Оламнинг ўзгариши — одамнинг ўзгаришига боғлиқ. Одамнинг онги, фикр-қарашлари янгиланмас экан, ҳеч қачон олам янгиланмайди. Абдулла Қаҳҳор мустабид хонлар, султонлар ҳукмронлик қилган эски замон инсоннинг қўл-оёғи билан бирга онги, ақли ва қалбини ҳам кишанлаб ташлаганини болалигидаёқ кўрган, ўша чиркин қуллик муҳида яшаб улғайган эди. Абдулла Қаҳҳорнинг ўнлаб асарлари, хусусан, "Ўтмишдан эртақлар" қиссасида тасвирланган воқеа-ҳодиса ва ижтимоий манзаралар — асрлар мобайнида халқни янчиб, таъқиб этиб келган мусибат, ғам-андух ва фожиаларнинг ўзига хос ҳаққоний талқинидир. "Халқнинг кўзи боғланса, қулоғига кўрғошин қуйилса, тақдир ҳукми ўлимдек ҳақ, деган ақидани унинг зеҳнига сингдириш осонроқ бўлади". Бу фикр — халқнинг кўзи боғланиб, қулоғига кўрғошин қуйилганда унинг оғир алам ва ситамларга йўлиқишига бевосита гувоҳ бўлган, бу ҳаётда инсон тасаввурига сиғмайдиган бало-қазолар кўпишини ўз кўзи билан кўрган, кўнглидан ўтказган ёзувчининг, яъни Абдулла Қаҳҳорнинг фикри. Тўғри, адиб октябрь инқилоби халқимизнинг кўзини, қулоғи ва онгини очади, энди тақдир ҳукмига ўлимга ишонгандек ишонилар барҳам топади, деб умид қилган, давлат ва партия белгилаган мафкуравий чизиқлардан четга чиқмаслик нияти билан яшаб, ижод этган. Шу маънода, Абдулла Қаҳҳорни айблагша ёки қоралашга далил бўладиган фикр-мулоҳазаларни унинг асарларидан кўчирма олиб, қаторлаштириш қийин эмас. Аммо бунинг билан Абдулла Қаҳҳорнинг асл бадиий олами, ёзувчилик қиёфаси хиралашиб қолмаганидек, санъаткорлик мақоми ҳам пасаймайди.

Абдулла Қаҳҳор бир суҳбатида "Мен адабиётга унинг моҳиятини билмасдан, адабиёт пропаганда қуроли эканини юзаки, жуда ҳам юзаки тушуниб кирганман", дейди. Таваллудига олтмиш йил тўлганда эса "Мен қирқ йиллик ижодий

фаолиятим давомида кўп иш қилганим йўқ, чунки бу қирқ йилнинг кўпини тажриба орттиришга сарф қилдим" деган эди. Табиийки, адабиётнинг моҳиятини билмасдан қилинган иш — адабиёт намунаси сифатида яшай олмайди. Абдулла Қаҳҳор бундай асарларини кўп жилд-лигига киритмаган. Ва бу иши билан ҳақиқий ёзувчи наинки бошқаларнинг, балки ўзининг ижодига ҳам танқидчи кўзи билан ҳолисона қарашга қодирлигини исботлаган. Демокчимизки, агар Абдулла Қаҳҳорнинг шўро давлати ва коммунистик партияга муносабати оддий одамлар ишончидан фарқ қилмаса эди, ўзини сиёсат ва адабиёт раҳнамоси деб билган "доҳий" ва "доҳийча"ларни ваҳимага солган ўша машҳур фикрни у ҳеч вақт айтмаган бўларди.

Устоз Озод Шарафиддинов бундай ҳикоя қилади: "Баъзан дўстларим — дейди Абдулла Қаҳҳор юбилей кечасидаги



Устоз ва шогирд: ҳаётий ва ижодий аъёнларнинг бардавомлиги. (Сўнги суратлардан)

нутқида, менга таъна қилиб, “катта”ларга честь бериб турмайсан, дейишади. Мен честь беролмайман. Чунки мен партиянинг оддий солдати эмас, онгли аъзосиман”. Аввало шуни айтиш керакки, бу гаплар бирдан, мажлис вақтидаёқ ёзувчининг эсига келиб қолган, ҳажсон ичида оғзидан чиқиб кетган гаплар эмас, Абдулла Қаҳҳор беш кун аввал икки-уч шогирдига тантанали кечада гапирадиган гапини ўқиб берган эди. Шунда шогирдлари юқоридаги иборани айтмасликни, агар бу ибора айтиладиган бўлса, адабий мухитга ёмон таъсир қилишини таъкидлашди...”

Шогирдлар ҳам оддий кишилар бўлмаган, албатта. Уларнинг ҳар бири эл-юртга танилган, ҳаётнинг паст-баландини яхши билгувчи истеъдод соҳиблари эди. Шунга қарамасдан, Абдулла Қаҳҳор шогирдларининг фикрини олмасдан, гапириши шарт деб ўйлаган гапини айтган. Унга муносабат кескин ўзгаришини билса-да, “Мен партиянинг оддий солдати эмас, онгли аъзосиман” дейишдан ўзини чеклай олмаган. Чунки замонасозлик, ҳушомадгўйлик, мадҳиябозлик авж олган ва партияга ялтоқланиш, унинг ҳар бир даъватига “лаббай” дея жавоб қайтариш умумий удумга айланган мухитда “онгли аъзолик” ҳуқуқи ҳам катта гап ҳисобланган. Онгли аъзо бўлмоқ — ҳеч бир нарсага кўр-кўрона сигинмаслик, бўлар-бўлмасга садоқат изҳорига берилмаслик, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзининг ақл-идроки ва салоҳиятига суюна билиш деганидир. Онг ва фикр мустақиллигига эришган киши — қалби ва руҳонияти ҳур инсон бўлади. Фақат шундай инсонгина умумий бетамизлик, ҳеч кимдан ҳисоб талаб этилавермайдиган “улгуржи” риёкорликка бош қўшмайди.

Абдулла Қаҳҳор одамнинг Одам бўлиб кун кечиришини, инсон ўз аҳволини билишда адашмаслигини, тош чайнаса ҳам, ҳақиқатга хиёнат қилмаслигини истаган. Агар ўтмишда қуллик, қарамлик, забунлик ҳукм сурган бўлса, келажақда эркинлик, тенглик, бахтиёрлик қарор топади, деб умид қилган Абдулла Қаҳҳор. Агар

мозийда меҳнаткаш халқ кўзидан қонли ёшлар оқиб, аждодларимизнинг боши мусибат ва қулфатдан чиммаган бўлса, шўро замонида йиғи — шодликка, қулфат — қувонч ва хотиржамликка ўрин бўшатар, деб ишонган Абдулла Қаҳҳор. Вақт ўтиши билан буюк адиб бу ишонч аслида улкан адашиш, алданиш эканини билган, ширин орзу ва умидлар бағридан умидсизлик ва дилни чўктиргувчи иштибоҳлар улғаяётганига иқрор бўлган.

Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикояларини ўқигансиз. Унинг қахрамонларини яхши биласиз. Уларнинг орасида ибрат олиш ва намуна этиб кўрсатишга арзидиган нечта эркак бор? Ҳаёлан бир жойга уларни тўпланг: фикри, савияси, мақсади, муносабати ва ҳолини бирма-бир таҳлилдан ўтказинг. Кўнглингиз чўкиб кетади. Лекин Абдулла Қаҳҳорнинг реалистлигидан, жонли образ яратиш санъати ва самимиятидан дил равшанлашади. Абдулла Қаҳҳор нуктаи назарида ижобий қахрамон — ясама қахрамон эмас. У образ яратишда сунъийлик ва сохтакорликка тоқат қилолмаган. Шунинг учун ҳикояларидаги ҳар бир деталь, ҳар бир бадиий тўқима ҳаёт ҳақиқатига ўта мос ва улар инсон тақдирини ҳаққоний шаклда ёритишга хизмат эттирилган. Абдулла Қаҳҳор оддий инсонни севган, унинг аҳвол-руҳиясини теран тушунган, қисматига куйинган. Адиб оддий одамлар тўғрисида ёлғон ёзишдан, уларни сохта ва ясама қиёфада кўрсатишдан ҳазар қилган. Бундан ташқари, Абдулла Қаҳҳор ҳикояларини ўқисангиз, жасурлик ва матонат нафақат эркакларга, балки аёлга ҳам хос эканига тан берасиз. Нега шундай? Бу ҳақда ҳар ким ўзича ўйласа, ўзича бир хулосага келса, менимча, фойдадан холи бўлмайди. Мен бу ўринда фақат бир нарсага — Абдулла Қаҳҳорнинг қахрамон танлаш ва характерни типиклаштиришдаги талабига эътибор қаратишни истар эдим. Ёзувчи асарларида ибратли образ ва қахрамон бор, лекин идеал образ ҳам, қахрамон ҳам йўқ. Бу санъаткорнинг том маънодаги

реалист ижодкорлиги ва ҳақпарастлиги ҳам, йўқни — бор демагани, сохта ва сўхтаси совуқ китобий қаҳрамонларни бино қилиб сиёсат “тегирмони”га сув қуймагани, китобхонни алдамаганида яққол намён бўлади.

“Биз мансуб бўлган миллат, — дейди Америка ёзувчиси Ролф Эмерсон, — оломонга айланиб қолди. Биз ҳанузгача комил инсонни кўра олганимиз йўқ. Унинг маънавий-руҳий ҳолатини ҳам ҳали тўғри тасаввур этолмаймиз. Комил шахсни фақат орзу қиламиз. Лекин у ҳақидаги хабардан нари ўтолмаймиз. Унга хос бўлган қувват ва сеҳрли қобилият биз учун мубҳам ва номаълумдир...”

Тахминан мана шундай фикр Абдулла Қаҳҳорнинг қалбида ҳам зилдек армон бўлиб чўкиб ётган. У ҳаётда учратмагани — комил шахсни тасаввурда ёки ҳаёл кучи билан бино қилишга умуман рағбат сезмаган, деса, хато бўлмайди.

Абдулла Орипов устозга бағишланган хотираларида “Абдулла аканинг лафзидан учган сўзлар нечоғлиқ шафқатсиз бўлмасин, унинг кўзларида доимо қандайдир бир мунг яшириниб ётарди”, дейди. Эҳтимол, бу мунг — ҳасрат ва армон мунги бўлган. Эҳтимол, бу — англаш азоби ва чорасизлик ҳисси бўлгандир. Эҳтимол, бошқа нарсадир. Ҳима бўлганда ҳам, ўша хосиятли Мунгда кучли Шахс соғинчи яширинганига шахсан мен шубҳа қилмайман.

V

“Ватандош бўлмаса, ватан бўлмайди”, дейди Ибн Арабий. Демак, ҳар қандай ватаннинг тарихи, бугуни ва келажаги ватандошлик туйғусининг қандай шакллангани, нечоғлиқ куч-қудратга эга эканига боғлиқ. Ҳақиқий ватандошликдан доимо маслакдошлик туғилади. Бундай маслакдошлик эса ўзини англаш ва ўзига ишонишга, ҳеч нарсадан чўчимамай, қўрқмай яшашга руҳлантиради. Ҳар қандай ўткинчи ҳислар, ғаразли муддао ва даъволар ватандошлик туйғуси таъсирида жуда хунук ва паст, бағоят сўник кўри-

нади. Чинакам ватандошлик туйғусигина кўнгиладан кўнгилга йўл очади, эл-юрт дардини виждон дардига, хуррият ишқини ҳаёт мазмунига айлантиради. Мана шунга эришилмаса, ватандошлик ҳисси қуруқ гап бўлиб қолаверади. Натижада авомлик, нодонлик ва сохтакорликлар авж олади.

Авом ким? Одамдай эркин фикр юриштиш, эркин яшаш шавқидан маҳрум кимса. Қорни тўқ, уст-боши бут бўлса, оромини ҳеч ким бузмаса — авомнинг “озодлиги” ана шу бўлади. Авомлик бу — гушналик, лақмалик, кўр-кўрона эргашиш, ихтиёрий равишда қулликка чидаш дегадир. Шунинг учун авомни алдаш, лақиллатиш осон. Унинг ҳақиқати қорнидан бошланиб, бўғзида тугайди. Айниқса, мустамлакачилик шароитида, босқинчилик мафкураси қиличга айланган замонларда авомни уйғотиш, оломонни хурриятга бошлаш бошни кундага қўйиш билан тенг бўлади. Чунки донишманд Абдулла Қаҳҳор ҳаққоний таърифлаганидек, “Мустамлакачилик фақат мамлакатни гораг қилмайди, ундан ҳам ёмонроғи — одамларни, халқни руҳан гораг қилади, шундай қиладики, қул ҳаётини кечираётган, инсонга номуносиб ҳаёт кечираётган одамда шу ҳаётга қарши норозилик, исён руҳи буткул сўнади”.

Абдулла Қаҳҳор бу гапни ҳинд мустамлакачилигини назарда тутиб айтган. Лекин юртимизда юз йилдан зиёд давом этган мустамлакачилик биринчи галда халқимизнинг руҳини, жасоратини гораг қилиб, турли ҳийла-найранглар билан уни кишанда, қуллик қафасларида сақлашга уринмаганмиди? Элимизни динидан, тили ва тарихидан ажратиб ташлаш учун бор куч, бор имкониятини сарфлаганмиди?

Ўзини қайси дин, қайси мазҳабга мансуб билмасин ва ўзини ким деб ҳисобламасин, барибир авомнинг дини, мустаҳкам эътиқоди бўлмайди. У Худодан эмас, бошида қилич қайраб турган бандасидан қўрқади. Холикни шарафлаб, махлуқнинг пойига бош эгади. Унинг қошу қабоғи ва ҳукмига қараб



Утмиш... эртақ бўлиб қолди.

югуради, елади. Мамлакат бошига босқин офати, мазлумлик кулфатлари ёғилганда, номуси ор учун майдонга чиқиш зарурати юзага келганда нодон диндор ҳам, гофил дахрий ҳам адолатни эмас — зулмни, одилликни эмас — золимликни, ҳақиқатни эмас — ёлгон ва қаллобликни ёқлайди. Чор босқини замонларида ҳам худди шундай бўлган. Келгиндиларга юртимизнинг қўл-оёғини боғлаб беришда пешқадамлик қилганлар кимлар? Пешво бўлганлар ким? Фақат сиёсат арбоби ва амалдорларми?..

Озарбойжоннинг буюк фарзанди ва мутафаккири Хусайн Жовид масжид ва минбарларда жамоатни жаннат хузур-ҳаловати ила алдаб, авом мусулмонларга охираат саодатини ваъда қилиб, уларни ғафлат, кулфат ва бахтсизликларга

кўниктиришга жон-жаҳди билан уринган шариат соҳибларининг қилмишларидан баҳс юритиб, бундай деб ёзган эди:

*Агар мусулмонлик будурки, бизим
мусулмонда бор,
Вой унинг эртасигаки, бу куннинг
ортидан келур.*

Туркистондаги диний маҳдудлик ва гофиллик эса Кавказдагига нисбатан минг карра зиёдроқ ва аянчлироқ бўлганини тарихий мисоллардан яхши билемиз. Кулликни — хурлик дея фатво бериш, халқни бош эгиш, ҳайвонниқидан ҳам ёмонроқ ҳаётга кўниктиришда баъзи шариат намояндалари яловбардорлик қилган. Шу туфайли эркин фикр қафасга солинган, инсондаги табиий майллар аёвсиз таъқиб этилган. Ислоннинг илғор, ниҳоятда ҳаётий ва инсонпарвар дин эканига шубҳа қилмаган ҳолда, Абдулла Қаҳҳор дин билан диндорлик айна бир тушунча эмаслигини ёритишга интилган. У бир ўринда ёзди: "Инглиз мустамлакаларида нима қилган бўлса, ҳаммаси қон сўриладиган найчалардан иборат бўлган: темир йўл, ҳар хил иморатлар, хомашё ишланадиган корхоналар, динга ривож, одамларда қуллик рафтори ва психологияси. Дин ҳам шу найчалардан бири..."

Бу ҳукм бир оз кескин эмасми? Куфр ва даҳрийлик майли сезилмайдими унда? Менимча, коса тагидаги нимқосани пайқаган киши адибнинг хулосасига қўшилади. Ахир, эътикод эркинлиги чекланган ва тақиқланган муҳитда, қоқоқлик, саводсизлик ва гумроҳлик тантана қилган шароитда диннинг маъномоҳияти қаттиқ "тахрир"га учраши, қонун-қоидалар эса анча-мунча замонавийлаштирилиши мумкин, албатта. Модомики шундай экан, маълум даврларда диндан ҳам "қон сўриладиган бир найча" ўрнида фойдаланилганини асло инкор этиб бўлмайди.

Дин номи билан жуда кўп яхши ва хайрли ишлар қилинган. Шу билан бирга, дунёдаги кўпдан-кўп ёмон ишлар,

ақл бовар этмас қабохат ва ёвузликлар ҳам бир замонлар дин ва шариат номи остида амалга оширилганини инкор этиб бўлмайди. Буни унутмаслик ва бундан зинҳор-базинҳор кўз юммаслик керак. Мен Абдулла Қаҳҳорнинг динга муносабатини, дин ва диндорлик хусусида илгари сурган фикр-мулоҳазаларини тўла-тўқис ёқламайман. Шунингдек, адибнинг дин ва жамият ривожини, дин ва инсон эрки, дин ва шахс камолати доир фикрларининг бугунги кунда аҳамияти қолмади, деган гапларга ҳам асло қўшилмайман.

VI

Улкан ёзувчи, агар ҳақиқатан ҳам санъаткор бўлса, майда ҳиссиётларга берилмайди. Бунга жаҳон адабиётидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Мана, буюк рус адиби Лев Толстойни олайлик. Унинг бой-бадавлат киши бўлганини ҳамма билади. Лекин ёзувчининг атрофидаги қашшоқлик, камбағаллик унга беҳад ёмон таъсир ўтказган, унинг кўнглини эзиб, руҳини янчган. Эллик ёшларида Толстой онгига кутилмаган эврилиш содир бўлади: у ҳаётидан, қилаётган ижодий ишларидан қониқмай қолади. Атроф-муҳитни ақлга сиғмас кулфат, бахтсизлик қуршаб ётган бир замонда ўтириб олиб роман ёзиш — гирт бемаъ依лик, деган қарорга келади. Ва бадиий ижодни вақтинча тўхтатиб, халқнинг оғир аҳволи ҳақида оташин публицистик мақолалар ёза бошлайди. Бу мақолалар жамиятдаги ижтимоий адолатсизликка нисбатан нафрат ва ғазаб ҳисси билан тўлиқ эди.

Абдулла Қаҳҳор “Толстой санъаткор сифатида биз учун битмас-туганмас маҳорат хазинаси, мактаб, бутун бошли бир академиядир” деганида бу буюк сиймодан халқ тақдири, шахс эрки учун кураш жасоратини ўрганишни ҳам назарда тутган. Ахир, тоғдай талантга Оллоҳ тариқдек шижоатни раво кўрмаса — бу ҳам бир толесизлик. Бунақа истеъдод ҳавасга арзимайди: у ёниб-

ёнолмайди, куйиб куёлмайди, эҳтиёткорлик “қонун-қоида”ларини четлаб, мардона қадам ташлаёлмайди. Одатда бундай ижодкорлар ўзларининг ички кучига эмас, аллақандай ташқи кучга таслим бўлиб яшайди.

Биз истаимизми, истамаймизми, ҳақиқий ёзувчининг шахсияти — очик шахсият. Шунинг учун у ҳар қандай ёпиқ жамият билан чиқишолмайди. У ҳамма нарсада очиклик, аниқлик бўлишини хоҳлайди. Бундай ижодкор ҳатто ортидан болта кўтариб югурганларида ҳам ўз сўзи ва журъатига содиқ қолади. Шу ҳақда сўз очилганда, Абдулла Қаҳҳорни хотирламасдан бўладими?

Ҳаётда ҳам, ижодда ҳам Абдулла Қаҳҳорнинг мардлиги ибрат бўлиб қолган. Жамол Камол “Абдулла Қаҳҳор хотира-сига” шеърда хаёлан устозга мурожаат этиб, бундай дейди:

*Ким ҳам кия олур энди тўнингни,
Ким ҳам боғлай олур сенинг белбоғинг?*

Абдулла Қаҳҳор елкасига олган “қўқоний тўн”ни кийиш осонми? Абдулла Қаҳҳорнинг “белбоғи”ни белга боғлашга кимнинг қудрати етадию ким журъат топади?

Замон синовларидан ўтган, эътиқод ва иродаси мустаҳкам ижодкорларимиз бор. Эҳтимол, шулар ҳам курашчанлик ва матонатда, ҳақгўйлик ва жасоратда Абдулла Қаҳҳорга ҳавас қилса ажаб эмас. Лекин унга тенглашишни хаёлга келтирмасалар керак. Таниқли рус адиби Константин Симоновнинг ёзишича, у Қаҳҳор билан танишмасидан олдин “Сароб” романини ўқиган. Ва китоб муаллифининг ҳаёт, унинг мураккабликарию зиддиятлари ҳақида теран, дадил фикрлай олишига тан берган. Шахсан танишувдан сўнг эса, “Мен нафақат теран ва доно инсонга, балки ҳаракатлари мардонavor, қатъиятли, мулоҳазалари кескин, ҳатто дағалга ўхшаб кетадиган, хижолат бўлар даражада кескин бир инсонга тўқнаш келдим”, дейди у.

Ҳўш, Қаҳҳорнинг жасорати нимадан озикланган? Аввало, тўғрилик ва ҳақиқат-



*Унутилмас сайру саёҳатларда ҳаёт ва ижод
йўлидаги содиқ дўстларинг (бир ёнда Кибриёҳоним,
бир ёнда Константин Симонов) билан ҳамдам
булиш нақадар завқли!
1959 йил.*

дан. Тўғрилиқ ва ростлиқ Абдулла Қаҳҳорнинг тарбиячиси, йўлбошчиси бўлган. Шунинг учун унинг оҳиста ва вазмин фикрлари ҳам ўзгаларни чўчитган, таҳликага солган. Ўзларини адабиёт пешволари деб билган, ҳақиқатга юзмаюз келишдан қочиб яшайдиган фармонбардорларнинг фикр ва талабларини Абдулла Қаҳҳор эътиборга лойиқ кўрмаган. Ва ҳеч иккиланмай уларга қарши сўзини айтган. Бу сўзлар ёзувчи шаъни ва мартабасини муҳофаза этиш жиҳатидан ҳамон қимматлидир.

“Культ давридаги ваҳимачилиқдан хануз қутулмаган шубҳа бандалари, — деб ёзади Абдулла Қаҳҳор бир мақоласида, — тухумдан тук қидиради, майдонга келган ҳар бир асарни тирноқлаб, хидлаб, иложи бўлса ёзувчининг бошига чертиб кўришни, булардан албатта нуқсон топишни, лоақал асарни шубҳа остида қолдирадиган ҳар хил имо-ишоралар қилишни, чала-ярим гаплар айтиб, миш-мишларга озиқ беришни ўзининг касби ҳисоблайди”. Маълумки, ваҳима ва шубҳабозликдан адабиётимиз катта зарар кўрган. Бу иллат қулай шароит туғилиши билан дарров ўзининг жирканч башарасини намоён этиб келган. Узоққа бормас-

дан, саксонинчи йилларнинг ўрталарини хотирлайлик. Ушанда қатор ёш истеъдодлардан ғоявий хатолар топиш учун асарлари “тирноқлаб” ҳам, “хидлаб” ҳам ўқилди. Кимлардир “тухумдан тук” қидириб, палағда иддао билан адабий жамоатчиликни чалғитишга, ижодида миллий руҳ кучли бўлган ёшларнинг китобларига миллатчилик тамғасини босишга уринди. Хайриятки, замон нафаси ўзгарди, хайриятки, Қодирий ва Қаҳҳор каби улугларимизнинг руҳлари адабиётимизнинг навқирон авлодини кўллади — ёвузлик, зўравонлик мақсадига эришолмади. Қўрқоқлик нақадар жирканч нарса эканига, ёзувчи учун кўрқувдан ортиқ тавқилаънат бўлмаслигига мен ўшанда аниқ ишонч ҳосил қилганман.

Кўрқув ҳаётнинг оддий муаммоси эмас, жуда катта — баҳайбат муаммоси экан. Ҳинд файласуфларидан бири айтганидек, кўрқувга тобе, кўрқув домида қолган ақл шубҳа ва зиддият ичиди яшар экан. “Ана шунинг учун бундай ақл бузуқ ва тажовузкор, зўравонликка мойил бўлади”. Демак, қандай юксак тоғни кўзлаб, қандай маъбудга сифинмайлик, шўро даврида қон-қонимизга сингдирилган кўрқувдан қутулмасак, ҳаётимизни, журъат ва жасоратимизни емирадиган, мажруҳ айлайдиган даҳшатли офатдан ҳеч вақт халос бўла олмаймиз. Ёвузлик, жаҳолат ва зулмни қораловчи қаламакешлар ҳар қадамда учрайди. Бу ишни қоғозда бажариш осон. Қийини — ёвузлик ва адолатсизликни камайтиришга амалий ҳисса қўшишдир. Шу маънода, Абдулла Қаҳҳорнинг сўзи билан амали орасида тафовут йўқ эди. К. Симонов буни жуда яхши анлаган, яхшигина изоҳлаб ҳам берган. У ёзади: “Абдулла Қаҳҳор ёвузлик, жаҳолат, разиллик ёнидан хотиржам ўтиб кетаверадиган одам эмасди, афтидан, бу ҳол уни қай-қуға соларди, худди мана шу қайғу унинг ақли кўзларида ҳамиша сезилиб турарди... бундан ўзгача муносабатда бўлиш унинг қўлидан келмасди, у бошқача муносабатда бўлишга интилмади ҳам”. “Тобутдан товуш” ёзилганидан буён

порахўрлик, юлғичлик шу қадар кенг ва чуқур илдиэ ёзиб, ривож топдики, жамиятни тубидан кемириб, емириб ётган бу офатга қарши курашиш мумкинлигига эндиликда одамларни ишонтириш ҳам осон бўлмай қолди. Ҳолбуки, мазкур асар эълон қилинган вақтда баъзи ёзувчилар Абдулла Қаҳҳорнинг бу масалада ҳақлигига шубҳа билдирган, адабиётшунос ва мунаққидлар эса уни воқеликни бузиб кўрсатишда айблаган эди.

Одамнинг эркин яшаши, эркин фикрлаб, эркин сўзлаши қийин бўлган, чор атофда ҳадик, кўркув, ваҳима шарпаси ўрмалаб юрган таҳликали бир шароитда ҳақгўй, курашган шахс қандай озод, қандай мардона яшаган бўлса, Абдулла Қаҳҳор ҳам шундай умр кечиргани хайратланарлидир. Миллати, юрти, адабиёти равнақига бир улкан адиб нечоғлиқ беғараз ҳисса қўшган бўлса, Абдулла Қаҳҳор ҳам шундай меҳнат қилгани, ўзини аямасдан ўлмас асарлар яратишга эришгани ҳам ҳавас қилишга муносибдир.

VII

Истеъдодли ижодкор истеъдодсизлик билан асло чиқиша олмайди. Чунки ҳақиқий истеъдод — адабиётнинг сергак посбони. Адабиётни истеъдодсизлар хуружидан истеъдод соҳиблари муҳофаза этмаса, бошқа ҳеч ким ҳимоя қилолмайди.

Бизнинг назаримизда, ўтган асрда яшаб ижод қилган ҳеч бир ўзбек ижодкори адабиётимизнинг тақдири, тозалиги ва дахлсизлиги учун Абдулла Қаҳҳор каби қағъят билан курашмаган, бу йўлда Абдулла Қаҳҳорчалик азият ҳам чекамган. Инсоф юзасидан буни тан олиш лозим.

Абдулла Қаҳҳорнинг борлиги — тирик-лигининг ўзи ўртамиёначилик, истеъдодсизлик, китобхонни назар-писанд этмасликка қарши бир қалқон бўлган. Фақат яхши асар ёзишни эмас, ғоявий ночор, бадий яроксиз асарларга йўл бермасликни у ўзининг муқаддас бурчи деб ҳисоблаган. Унга кўра, ёзувчи адабиёт-

га икки хил йўл билан — бири тутаб, иккинчиси яшнаб кириб келади. "Тутаб кирган ёзувчи узоқ тутайди, кўнглидан чиқариб эмас, қорнидан чиқариб асар ёзади, ёзувчилик умрининг охиригача тутайди... Ёзувчиликка чўғдай яшнаб кирган ижодкор асардан-асарга яшнаб беради, охирида абадий сўнмас ўтга айланади".

Яна бир тоифа қаламкашлар бўладики, улар адабиётга "ўғри мушқудай туйнукдан" ташади. Булар учун адабиёт санъат эмас — касб, тирикчилик манбаи. Адабиётга тутаб ёки ўғри мушқудай туйнукдан қирадиган ёзувчиларнинг энг олий аъмоли маҳаллий ва "маҳалла классиклари" бўлишдир. Адабиёт шуларнинг дастидан жабр кўради. Шулар бадий сўз, образли фикр завқидан китобхонни бенасиб этиш билан машғул бўлади. Ҳозирги кунда ёзиш-чизишга бўлган ҳавасни истеъдод деб ўйлайдиганларнинг сони шу қадар кўпайиб кетдики, улар адабиётда ўзларини сувдаги баликдай эркин сезадиган бўлиб қолди.

Шундай аҳволга Абдулла Қаҳҳор чидармиди? Лоқайд қарай олармиди? Душман орттириш ёки қандайдир имтиёзлардан айрилиб қолишдан чўчирмиди? Келинг, унинг ўлими олдидан содиқ шоғирди Шухратга айтган мана бу сўзларини ўқийлик: "Одамлар мени душмани кўп деб ўйлайди. Ваҳоланки, менинг душманим йўқ. Мен ҳеч кимга душманлик қилган эмасман. Мабодо бирор одамга қаттиқ гапирган ёки у ҳақда ёзган бўлсам, адабиётимизнинг равнақини кўзлаб, жоним ачиганидан, ўша одамнинг талантсизлиги ёки ёмон асар ёзгани учун шундай қилганман..." Бундай дейишга Абдулла Қаҳҳор ҳақли эди. Бундай қийин ишни бажаришга Абдулла Қаҳҳор қодир эди. Вафотидан кейинноқ ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам унинг ўрни билинди. Абдулла Қаҳҳордан кейинги адабиётимиз тўғрисида ўйлаб, бундай мулоҳазалар пайдо бўлади: албатта, Абдулла Қаҳҳор бўлиш қийин. У танлаган йўлдан одим ташлаб, катта адабиёт дарди билан яшаш бундан-да душвор. Биз Абдулла Қаҳҳорни севамиз, деймиз.

Унинг асарларини эъозлаб, кўзга суртиб ўқиймиз, деймиз. Издош ва шогирдлари хусусида энди бемалол гапираемиз. Дўппи тор келганда, "Мен Абдулла Қаҳҳорга сафдошман, холос..." дея шогирдликдан тонишлар ҳам унутилди. Лекин айтинг: ҳақиқат ва адабиёт истиқболи учун Абдулла Қаҳҳор тортган машаққатларнинг, боринги, ўндан бирини елкасида кўтара оладиган бирор ёзувчининг номи нега дадил тилга ололмаймиз? Абдулла Қаҳҳорга ишонгандек ишонадиган, унга суюнгандек суюнадиган адабий шахсият қаерда? Ишончим комилки, обрў-эътиборли қайси бир ижодкорга ҳозир "Сиз — адабиётимизнинг Қаҳҳорисиз, яъни посбонисиз", деб сўзламанг, у ё ноқулайлик сезади ёки "Кўйсангиз-чи..." дея эътироз билдиради. Аслида, ҳолатларнинг иккаласи ҳам тўғри. Шунинг учун ҳам бизда Абдулла Қаҳҳорни соғиниш, ич-ичдан қўмсаш хисси бор. Юксак чўққиларни кўзлаган йўлчи муаззам тоққа суюнганидек, биз ҳам бугун Абдулла Қаҳҳорга суюнамиз, ҳаётга, адабиётга, истеъдодга устоз нигоҳи ила қарай олсак, ижод оламидаги офаринбозлик, сохта даҳочилик, майдакашлик ва дидсизлик иллатларидан ҳалос бўлиш муқаррарлигига ишонгимиз келади.

Абдулла Қаҳҳор олтмишинчи йилларнинг бошларида ёзилган "Шижоат ҳақида" номли мақоласида бундай деган эди: "Агар ёзувчининг ахлоқ кодекси тузиладиган бўлса, мен ҳалоллик билан шижоатни биринчи модда қилиб қўяр эдим, чунки ёзувчининг бошқа ҳамма хислатлари унинг қай даражада ҳалол, нақадар шижоатли зехнига боғлиқдир".

Ёзувчи ҳалол бўлмоғи учун, биринчи галда, истеъдодли бўлиши шарт. Чунки қитмирлик, бахиллик, писмиқлик — бундай ноқисликларнинг бари истеъдодсизликнинг ҳосиласидир. Истеъдод ва шижоат эса қарийб эгизак тушунчалардирки, талант шижоатни, шижоат талантни қўллабгина қолмасдан, бири иккинчисини қаноатлантириб боради. Бунинг энг ёрқин мисоли Абдулла Қаҳҳорнинг истеъ-

доди ва шунга муносиб шижоатидир. Мен гапни айлантириб бирон бир ёзувчи ёки шоирнинг шижоатсизлигини писанда қилмоқчи эмасман. Бу — бесамар иш. Бесамарлиги шундаки, таъна, танқид ёки маломат билан олчқоқни оқил, қўрқоқни жасурга айлантириб бўлмайди. Маломатда саломат бор, деганларидек, ижодкор ўзини ўзи маломат қилишни жуда яхши билмоғи керак. Абдулла Қаҳҳорга ўхшаб шафқатсизликни ўзидан бошламоғи лозим. Ана шундагина у ўзини алдамаслиги, ўзига ўзи чап бериб яшамаслиги мумкин.

Тирикликдаги синовлар камлик қилганидек, ҳаёт Абдулла Қаҳҳорни ўлимидан кейин ҳам синовдан ўтказди. Адибнинг юраги уришдан тўхташи ҳамон бир қанча шогирдлар қалбда "жўш урган" меҳр, садоқат, эътиқод ҳам гўё маълум бир муддат тўхтади. Адабий йигин ва анжуманларда унинг номи ва хизматлари камдан-кам тилга олинadиган бўлди. Қаҳҳоршунос сифатида танилган баъзи олимлар тадқиқот мавзуларини бутунлай ўзгартирди... Адибнинг етмиш йиллик юбилейи хўжа-кўрсинга — жуда совуқ бир муносабат билан ўтказилди. Бунинг сабаблари кейинчалик айрим китоб ва мақолаларда изоҳлаб ҳам берилди.

Вақт чопавераркан. Ҳаётда ўзгаришлар бўлавераркан. Ана-мана дегунча Абдулла Қаҳҳор таваллудига 80 йил ҳам тўлди. Ушбу санага бағишлаб ёзилган мақола, хотира ва чиқишларни олдинги таваллуд тўйидагилари билан умуман қиёслаб бўлмасди. Мана, иззат ва эҳтиром. Мана, содиқлик ва ҳақгўйлик. Бундан кимлардир ҳайратланди. Кимлардир ажабланди. "Шунча гап бор экан, нечун шу пайтгача сир сақланди?" дегувчилар ҳам бўлди. Чунки кўп мулохазалар уйдирма-ёлғоннинг юзини пардозлаш учун тўқилган эди. Хўш, Абдулла Қаҳҳорнинг асл қиёфасини сохталаштириш ва ҳақиқатни бузиб-бежаб кўрсатишдан муддао нима эди? Ёзувчи Тоҳир Малик сўзларини эшитинг: "Атоқли адиб Абдулла Қаҳҳорнинг 80 йиллиги муносабати билан айрим одамлар уни

хорлик кўрган, жабр чеккан, таъқиб этилган бир бечорага чиқариб қўйдилар. Уялмай-нетмай, "Абдулла Қаҳҳор ҳақида гапириш мумкин эмас эди", деб даъво қилдилар. Улар ўзларининг кўрқоқлигини, таъмагирлигини яшириш учун шундай гаплар тарқатдилар. Абдулла Қаҳҳор — бечора одам эмас, КУРАШЧИ(!) эди. Ўзининг шахсий фикри бор эди ва бу фикрни ҳимоя қила оларди. У бировнинг фикри билан яшамаган, бировга қуллуқ қилмаган, бирон ниманинг таъмида юрмаган. Уни бечорага чиқариб қўйганлар, аксинча, Абдулла Қаҳҳорни мақтасам, фалончи акамга маъқул келмасачи, ҳозир катта унвонга, катта мукофотга навбатда турибман, яна навбатдан чиқариб ташламасинлар", деб кўрқиб яшашган. Ана энди, "Абдулла Қаҳҳор устозингиз экан, нима учун шунча йил индамадингиз?" деган саволга мана шундай даъволар тўқиб чиқаришди...

Бу сўзлар юқорида ўртага ташлаган саволимизга тўғри ва энг одил жавобдир. Ҳақиқат "таъқиб"да яшаган ижодкор бора-бора одамлар таъқибига парво қилмайдиган бўлади. Ташқи зўравонлик, бедодлик ва найрангбозликлар уни қийнаши мумкин, лекин руҳини сўндиролмайди. Негаки, ҳеч вақт унинг МОҲИЯТИга етиб бориб бўлмайди. Моҳияти теран ШАХСга ачиниш керак эмас — ундан ўрганиш, ибрат олиш лозим. Чунки маҳрумият ва мағлубият унинг қисматида зоҳиран нечоғлиқ кенг қулоч ёзмасин, барибир у ҳақ ва голибдир. Шунинг учун унинг дарди, ғам-ғуссалари ва кўз ёшларидан шодлик, неқбинлик, ишонч чечаклари униб чиқади...

VIII

Ёзувчининг таянадиган тоғи, ишонадиган боғи уни сўзлашга, ўйлаш ва дунёни англашга ўргатган она тилидир. Миллий тилининг гўзаллигини идрок қилолмаган ижодкор бошқа ҳеч бир гўзаллики теран идрок этолмайди. Нафосат туйғуси — тил туйғусидан бошланади. Она тилининг табиатини яхши



Дўрмон боғлари. Устозга илҳос ва ҳавас. 1965 йил.

билган киши ўз миллатининг табиати, миллий завқини ҳам яхши англайди. Тилнинг руҳи — халқнинг руҳи экани буюк боболаримиз томонидан бежиз таъкидланмаган. Ижодкорни саёб фикрлаш, бачкана ҳис-туйғуларни қоғозга кўчиришдан энг аввало тил муҳофаза қилади. Тилга жавобгарлик — сўз, тасвир, услубга жавобгарлик демек. Бир маънода истеъдод — сўзга жон бағишлаш, ўлик сўзни ҳам тирилтиришдир. Истеъдодсизлик эса бунинг акси — ҳатто тирик сўзни ҳам ўлдирдиш.

Абдулла Қаҳҳорни нега бунча эъзозлаймиз? Маҳоратига нечун бунчалик таҳсин ўқиймиз? У сўз билан мўъжиза яратибилган, тил меҳнатини заргарлик санъати даражасида юксалтира олган ёзувчи эди. Абдулла Қаҳҳор ҳикоя ва қиссаларидаги ҳар бир сўз, ҳар бир иборанинг ўрни шу қадар муҳим ва мустаҳ-



Сўнги сурат: шоғирлар билан видолашув эмасми?..

камки, уларни бошқа сўз, бошқа ибора ёхуд жумла билан ўзгартириш деярли имконсиз.

“Мен тажриба учун, — дейди Саид Аҳмад, — устознинг “Ўғри”, “Бемор”, “Анор” ҳикояларидан баъзи сўзларни олиб ташлаб кўрдим. Бўлмади. Ҳикоя бир устуни олиб ташланган айвонга ўхшаб лапанглаб қолди”.

Ахир, ҳар бир саҳифа ўрта ҳисобда 15-16 марта кўчирилса, ҳар сафар жумлаларга сайқал берилса, боз устига, бир саҳифадаги гапни бир жумлага, ўн саҳифа мазмунини биргина саҳифага сифдириш учун қунт ва илҳом ила меҳнат қилинса — сўз нари турсин, тиниш белгисини ҳам қимирлатиб бўлмайди.

Азиз биродар, она тилимизнинг хотираси тўғрисида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Тилимиз хотирасида нималар сақланиб қолгани ва нималар бизгача етиб келганини билишга уринганмисиз? Ўзбек тили дунёдаги хотираси энг бой тиллардан. Унинг хотирасида жуда қадим бир дунё бор — ана шу дунёнинг қайғуси, алами

ва армонлари жойлашиб қолган унда. Бу тилдаги кўп сўзлар курашлар гувоҳи, мағлублик ва ғолиблик, йўқотиш ва айрилиқларнинг хабарчиси эрур. Уларнинг ботионида ғусса ва ҳасрат, мусибат ва надомад пинҳон ётибди. Абдулла Қаҳҳор — мана шундай сўзларнинг сирларини кашф этган ёзувчи. Шунинг учун ҳам унга сўз билан юзма-юз келиш, сўз хотирасидан таралган садоларни тинглаш қийин бўлган. Умуман, у сўзнинг юрагига қулоқ тутгани ҳам, уйғоқ сўз билан иш юритгани ҳам ниҳоятда теран эгаллаган.

Бир донишманд олим “Сўзнинг томирларида қон оқса, юраги уриб турса, кўзи кўриб, қулоғи эшитса — сўз тирикдир”, дейди. Фақат шундай сўзларгина бадиий матнда тириклик руҳини акс эттиради, ўқувчини ҳақиқатга иқрор қилади, ҳаётнинг очилмаган зиддиятлари, бири биридан мураккаб ҳодисотлари сирини очади.

Абдулла Қаҳҳорнинг сўзга муносабати, сўз қўллаш санъати кўпчиликка маълум: у сўзга беҳад ҳасис. Сўзни ҳаддан

зийд танлаб, чертиб-чертиб ишлатади. Ундан бизга мерос қолган асарларнинг аксарияти томирида қон югураётган, кўзи, қулоғи, шуури очик сўзлардан яралгани билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

IX

Маълумки, Абдулла Қаҳҳор маҳорати-нинг илдизлари нафақат миллий адабиётимиз замини, балки мумтоз рус адабиёти намояндalари — Толстой, Тургенев, Гоголь, энг аввало, Чехов ижодий тажрибалари билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Сирасини айтганда, Абдулла Қаҳҳор жаҳон адабиётидаги ютуқларни имкон даражасида ижодий ўзлаштириб, миллий насримизда янги сўзлардан оҳанг. Бу саҳифаларда муҳрланган сўзлар, туйғу ва характерларга такрор-такрор нигоҳ ташлаган сайин инсоннинг сўз воситасида мўъжиза яратиш салоҳиятига бўлган ишонч шунча ортади.

Мен, барча тенгдошларим қатори, Абдулла Қаҳҳор асарларини ўқишни болалиқда — мактаб дарсликларидан бошлаганман. Абдулла Қаҳҳорнинг мени дастлаб жуда қизиқтирган асари “Анор” ҳикояси эди. Шу ҳикоядан кейин биринкетин адибнинг юпқа-қалин китобларини топиб ўқишга киришиб кетганман. Болалик олисларда қолди. Йигитлик шамолдай ўтди-кетди... Лекин мен ҳамон қаҳҳорхонлиқдан тўхтаганим йўқ. Ўқиш иштиёқи ҳам, таассурот ва мушоҳада ҳам энди нисбатан ўзгача. Бултур “Сароб”-ни қайта ўқидим. Қандай ажойиб роман! Йигирма уч ёшли ўспирин йигит шундай йўрқам, шундай бақувват китоб ёзганига ақл бовар қилмайди.

“Сароб”да сирли-сеҳрли бир рух бор. Ана шу рух асар қаҳрамонлари тақдирига бирёқлама қарашга имкон бермайди. Илк ўқишда романинг туб моҳиятини етарли даражада тушунмаганман. Лекин Саидий ҳам, Мунисхон ҳам менга ёққан. Негадир уларни айблашга, душман дейишга тилим бормаган. Бошқа образларга нисбатан Саидий, Мунисхон ва Муродхўжа домла характерлари жуда пишиқ

ишлангандай туюлган. Маълумки, “Сароб” шўро тузуми душманлари — ўзини миллат ҳомийси, миллатчи деб атаган гуруҳга қарши, “буржуа миллатчилигининг синфий моҳиятини фош этиш” мақсадида ёзилган. Адибнинг эътирофи бўйича, у “Сароб”да болалигида қалбини яралаган ўтмиш ҳаётни “қайтаришга бел болаган душманларнинг бошига” қалбидаги “ғазаб ўтини ёғдиришга” тиришган. Аммо нечундир романда ғазаб ўти сезилмайди: унинг саҳифаларидан холислик шуъласи таралиб туради. Салимхон, Мунис, Саидий, Муродхўжа каби образлар, албатта, салбий типлар. Ёзувчи уларнинг ҳаёт тарзи, фикр-қарши, психологияси ва дунёқарашини ич-ичидан инкор этади. Уларнинг наинки маиший ҳаёти, балки маънавий оламига ҳам дадил кириб боради. Ўқувчи мутулаа жараёнида уларнинг хар бири гўл, лақма ва анойи кишилар эмаслигини сезиб, шунга иқрор бўлиб боради. Шўро мафкураси “кўзгу”сида қараладиган бўлса, бу қаҳрамонлар ҳақиқатан ҳам адашган, худбин, маккор ва фаним, бир сўз билан айтганда, зараркунанда кимсалар. Бироқ уларга адолат ва холислик мезони билан баҳо берилса-чи?

Игина қўп суқилса, ари ҳам одамга ёпишади, талайди. Юрт босиб олинса, вайрон этилса, элнинг қони тўкилса, ҳокимият зўравонликка, қарамликка асосланса, одам фанзанди ари қадар қаршилик кўрсатмасинми?! Аричалик ҳам қаҳри йўқми унинг?! Ҳа, Саидий худбин, мешчан ва шухратпараст. У миллатчи ва шўро сиёсатининг душмани. Нима қилиб бўлса ҳам одамларни “большевизм зулмидан дод” дегизишни кўзлайди. Бошқа давр, бошқа бир замон бўлганда, эҳтимолки, унинг қисмати бутунлай ўзгача бўлар, “ички ҳаёти билан ташқи ҳаёти орасидаги кундан-кун ўсиб борган қарма-қаршилиқ” жонига қасд қиларли даражага етмасди. Саидий бадийи ижодда катта бир муваффақиятларга эришмаган бўлса-да, умрининг охирларигача ёзувчизувдан ўзини чеклай олмайди. Агар у дўсти Эҳсоннинг “Сиз ўзбек адабиёти-

ни бутун дунё кўрадиган юксакликка кўтаришда қатнашасиз. Бу фаолиятни сиз шўро ҳукуматини нима мустақамласа, нима социализм қурилишига ёрдам берса, шу “менинг мавзуим” деб бошланг...” деган фикрларини қабул айлаб, амалда шуни кўрсатишга жажд этса, ҳаётда ҳам, ижодда ҳам қандайдир ютуқларни қўлга киритармиди? Шубҳасиз, шундай бўларди. Унда у — Саидий эмас, ихтиёрий равишда шўро босқини ва қиргинларини қўллаб-қувватлаган ижодкорга айланарди.

Романнинг саккизинчи қисмида бир лавҳа бор. Саидий илк бор Салимхонларникига келганида Мунисхон роялда унга бир куй чалиб бермоқчи бўлади ва дейди: “Бу жуда кекса машқ. Ҳарбий машқ... Араблар Ундулусни олганда чалинган машқ. Кишини шундай ғайратлантирадики, буни эшитганда ўлик ҳам тирилиб жангга отланади. Эшитинг, Рахимжон...”

Машқни эшитганда Саидийнинг кўз олдига гижинглаган араб отлари, найза, қалқонлар келиб, қулоғига кураш ва қондан хабар берувчи товушлар эшитилиб кетди”.

Авалло, Мунисхон кишини ғайратлантирувчи, ўлик ҳам тирилиб, курашга отланадиган қадимий бир галаба куйини Саидийга бежиз чалиб бергани йўқ. Иккинчидан, уни тинглаган Саидийнинг кўз олдига гижинглаган араб отлари, найза, қалқонлар гавдаланиб, қулоғига кураш ва қон товушлари эшитилгандай бўлиши мутлақо тасодифий эмас. Бунда қизил байроқ баланд кўтарилган бир юртдаги мағлубиятга ҳам, айни пайтда ҳали сўниб битмаган умид, омонсиз кураш ва жангларда туғилажак галабага ҳам ишорат бор. Саидий ҳуррият эртақларига ишонмайди ва ишонишни ҳам истамайди. У “ўз доирасидаги кишиларнинг ҳаммасини ақлли, ҳаммасининг мия механизмлари бут” ва “тушунадиган одамлар” деб билгани боис бошқа бир “эртақ”нинг қурбони бўлади. Саидий ва атрофдагиларнинг фожиаси — фақат адашиш фожиаси эмас, курашиш фожиаси ҳам.

Муродхўжа хонадонидоғи ўзаро бир суҳбатда келажакка билдирилган ишончга жавобан Саидий: “Адиблик менинг касбим бўлишига ишонаман, домла... Архимед: “Менга таянч нуқтасини топиб берингиз, ричагим билан ерни



Драматурге Абдулла Қаҳҳор Ҳамза номидаги театр жамоасининг фаол аъзосига айланиб қолган эди. 1960 йил.

кўтараман", деган. Мен ҳам ерни кўтараман, домла, менга ҳам таянч нуқтаси керак, бу — шароит", дейди. На турмушда, на сиёсий ҳаракатда, на ижодда "таянч нуқтаси"ни топиш шўрлик Саидийга насиб этмайди. "Норозиликдан кўра келажакда рози бўлиш умидининг" кундан-кунга йўқолиб бориши уни толиқтиради, ақл-идрокини кишанлайди, ичкиликка ғарқ этади, ҳалокат ёқасига судрайди. Саидийни маслаксизлик ёки эътиқодсизликка айблаб бўлмайди. Шу гапни унинг Салимхон, Муродхўжа, Аббосхон ва бошқа даврадошларига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Одам таниш, илм-маданиятни қадрлаш, халқдан кучли шахслар чиқишини орзу этиш, кишидаги заковат ва қобилиятни англаш, тadbиркорлик ва уддабуронликда Муродхўжа домла Салимхондан илгариласа илгарилайдими, ортда қолмайди.

Шўро салтанатини кулатиб, янги бир давлат барпо этиш мақсадида тузилган ташкилот аъзолари йигинида асосий мавзу бир четда қолиб, изҳори ҳасрат бошланганда Муродхўжа домла қатыян норозилик билдириб, бундай дейди: "Ҳаммаларинг ўз дардларингни айтасизлар. Бундай ҳол жами халқнинг бошида бор. Шундан қутулиш йўли тўғрисида гапиринглар-да! Бу ерга наҳот ҳасрат қилгани тўпланган бўлсак! Ҳар қайсимиз буюк бир гоёнинг эгаси. Бу нима майдагаплик!"

"Буюк гоё... буюк гоё..." дейишдан мурод ҳосил бўлмайди. Пана-пастқамларда тўпланиб ҳасрат тўкиш билан, буюк гоёни ҳаётга жорий қилиш ва олий бир натижаларга эришиш орасидаги фарқ ердан осмон қадардир. Хуллас, шўро давлатининг тотли ваъдаларига ишониб, унинг ортидан эргашган омма алданишга маҳкум бўлганидек, наҳот маркази хорижда, дея ўз миллатининг куч-қуввати, миллий руҳи, ижтимоий-сиёсий талаб ва имкониятларини тўғри баҳолай олмасдан, янги давлат қуришга уринган мулкдорлар, зиёлилар, дин ва шариат намояндалари ҳам ожизлик ботқоғига ботган эдилар. Бу ботқоқ

уларни бирин-кетин домига тортарди. Аммо улар ҳам "кишан киймай, бўйин эгмай", гайриинсоний сиёсат оёқлангирган зўравонлик ва кўркувлар домига тушмай яшаши, хатолардан кечиши, фикрий чалғишлардан қутулиши мумкин эди-ку! Уларнинг ҳаёти, тақдирини шўро давлати бир чақага ҳам арзитмаганиро. Аммо ўзининг ўқимишлилиги, хушёр, зийрак ва камтарлик каби фазилатлари билан хотирада яшаб қоладиган Саидий ҳам, ташқи гўзаллиги билангина эмас, фаросати, диди, ички латифлиги билан кишини мафтун айлайдиган Муниسخондек дилбар бир қиз ҳам шу миллатнинг фарзанди эмасми? Муниسخон жонига қасд қилади — тўппонча билан ўзини отади. У нимага ўзини отганини кўплар билмайди. Жумладан, Саидий ҳам. Муниسخон — ишқ ва гўзаллик тантанаси учун туғилган қиз. У ишқсиз ва бахтсиз яшашга кўниқолмайди. Тақдир унга Саидийни нега рўбарў қилганини кейин англайди. Кечикиб бўлса-да, хатосини тушунади. Бахтсизлиги учун оламга лаънат ёғдирмайди. Ўлим олдидан битиб қолдирган хатини "Олам тўла бахт, фақат мен бахтсиз эдим" деб тугатади.

Тақдир драмасини ҳаққоний ёритиш, мураккаб қисматли шахс фожиасини ҳолис тасвирлашда, менимча, адабиётимизда "Сароб" билан беллашадиган асар йўқ. "Сароб"ни ўқиганда кўнгилда бир сергаклик уйғонади. Тарих жафокаш ҳалқимизга нечун бундай бўлиниш, тоқат қилиб бўлмас парчаланишни раво кўрди, деб ўйлайсиз. Кеча айтилмаган бўлса, энди бугун, келинг, салбий деб атаганимиз, душман деб билганимиз "Сароб"даги қахрамонларни оқламасак ҳам, қораламайлик, мақтамасак ҳамки, таҳқирламайлик. Уларни тушунмоққа ҳаракат қилайлик. Мулкидан ажралиш, эркини бой бериб, она тупроғида сигинди бўлиб, кўрқиб, бегона одамдай яшаш қандоқ азоб, қандоқ қулфат бу! Бугунги баъзи мулкдор ва бойларнинг фикр даражаси, мақсад-муддаосини ҳам кўриб турибмиз-ку! Улар юзлаб салимхон ва

мухторхонларни доғда қолдириши, диёнат, инсоф ва савияда улардан юз чандон тубан туришига нима дейсиз!..

Не ёзиқки, мулк даъвоси, бойлик тўплаш психологияси ҳарислик, манманлик, худбинлик, шухратпарастлик, дабдабабозлик ҳирслари билан чамбарчас боғлиқ экан!

Одам ҳаётни билиши учун, энг аввало, ўзининг ҳақиқий аҳволини билиши керак. Ўзининг аҳволини билиш — ўз миллатининг ҳақиқий аҳволини билиш йўлидаги олтин ҳалқадир. “Сароб”ни ўқишдан тугилажак бир ҳикматли хулоса ана шу!

X

Одатда ҳақиқат сустлик ва сокинликни ёқтирмайди. Ҳақиқат кўнглидан чуқур жой олган одам-чи? У албатта сокинлашади. Бу сокинлик, бугун бўлмаса эртага, уни дунё ортидан ҳаллослаётган, билиб-билмай тирикчилик тегирмонидан янчилаётганлардан ажралишга, ҳаёт ҳодисотларига жуда холис ва ҳаққоний қарашга мажбур қилади. Агар ижодкор шундай сокинлик қадрини билмаса, катта билим ва мушоҳада ила уни шакллантира олмаса, шошқалоқлик, ҳавойилик, ўзни кўз-кўз қилиш майлларидан ҳеч қачон қутула олмайди. Бу майллар охир-оқибатда уни худди кўйирчоқдек ўйнатади. Ҳақиқий санъаткорнинг сокинлиги ҳақдан файз етган орифнинг хотиржамлигига бағоят яқин бўлади. Қалбда фикр тўфони кўзгалиб, эҳтирос аланга олса ҳам у жўшмайди — сукут ва сокинлигига содиқ қолаверади. Қадрини билган, камтар ва андишали ҳар бир ижодкорда шу ҳолни кузатиш мумкин. Мен Абдулла Қаҳҳор шахсини кўқларга кўтариб, идеаллаштириш фикридан бутунлай йироқман. У ҳам фаришта эмас, шу заминда яшаб ўтган бир инсон эди. У ҳақиқат юкени кўтариш бутун бир жамиятга оғирлик қилган мураккаб замонларда яшаган. Унда ҳам ўзига хос камчиликлар, чекиниш ва чалғишлар бўлган. Гап шундаки, шулар ҳам Абдулла Қаҳҳорни маънан улғайтириш,

қалбдаги маънавий-рухий теранликни кучайтиришга хизмат қилган. Бир кун келиб адабиётда виждон тимсолига айланишни Абдулла Қаҳҳор, эҳтимол, ҳаёлига ҳам келтирмагандир. Лекин у адабиётимизнинг бедор Виждони бўлиб тарихда қолди.

Абдулла Қаҳҳорнинг адабий-танқидий мақолаларини ўқиб, суҳбатларидаги фикрларнинг маънисини мулоҳаза қилиб кўрган бўлсангиз, демек, адабий танқид нима, ҳақиқий танқидчи ким, унинг фаолияти қандай бўлиши ҳақида тўғри тасаввурга эгасиз.

Танқидчилик билан шуғулланиш ҳавасида юрган кезларимда мен қайси мунаққиднинг асари кўлимга тушса ўқийверганман. Баъзиларини жиддий ҳафсала билан мутолаа қилганман. Айримларини ўқишга қийналганман: ифода гализ, аксарият жумлалар тушунарсиз, илмий атамалар қалаштириб ташланган, муаллифнинг шахси ва ижодий қиёфасини аниқ тасаввур этиш қийин, ночор китоблар ҳам мақталган, таъриф ва тавсифлар далил-исботсиз ва ҳоказо.

Мен ҳам нимадир ёзгим, қай бир китобларга муносабат билдиргим келар, аммо ёзишга қийналардим, бордию ёзсам ҳам қониқмасдим. Шунда Абдулла Қаҳҳорнинг бир неча бор ўқиганим “Ёшлар билан суҳбат” ва олти жилдигининг охиригисидagi ўзимга жуда ёққан мақолаларни кўчириб ёзишга киришдим... Шундан сўнг наинки танқид, балки адабиёт, бадиийлик, истеъдод ва ҳақиқат тўғрисидаги фикрларим ҳам тиниклашди. Шунда мен Абдулла Қаҳҳор танқидчиларнинг ҳам донишманд устози эканини, унинг сабоқларига риоя қилиш, гоёвий-эстетик талабларини бажариш бағоят қийинлигини билдим. Абдулла Қаҳҳор дейдики, “Танқид ёмон асар билан китобхон орасида даллол, ширинкомага виждонини сотадиған юраксиз даллол бўлмаслиги керак”. Қани бунақа танқид? Ёмон асар билан китобхон ўртасида даллоллик қилмаган мунаққид топилдими ўзи? Топилса, неча киши улар? Гапириш ноқулай.

Дид, савия, жасорат бобида танқидчи ва адабиётшунос, ёзувчи ёки шоирдан илдамлаб кетмаса ҳам, кейинда юрмаслиги зарур. Танқидчи аввалбошдан "Ўқувчининг қалбига таъсир қилмаган нарсанинг адабиётга ҳеч алоқаси йўқ" лигини билиши керак. Гўзаллик туйғуси сўнган мунаққид ана шу масалада ўзини фош этади: адабиётга алоқаси йўқ асарларни киприк қоқмасдан мақташга ё мавзунинг долзарблигини дастак қилиб, таҳлил этишга киришиб кетади. Билмайди ва билолмайдики, "Туйғусиз, илхомсиз ёзилган асар чангланмаган гулга ўхшайди — мева тугмайди. Кўнгил рузи бўлган асаргина китобхоннинг кўнглига йўл топади..."

Ўзбек танқидчилигида ноқислик тамали нима дейилса, икки сўз билан жавоб берса бўлади: савия ва журъат. Ҳолбуки, Абдулла Қаҳҳор мунаққиднинг савияси ва журъати масаласида жон куйдириб сўзлаган. Дардсиз ва эхтироссиз ёзилган асарларни мақтайдиган савиясиз танқидчилар ҳақида у бундай деган эди: "Бу тоифа танқидчилар ўқиб бўлмайдиган, бадийий жихатдан гоётада гариб бўлса ҳам рўй-рост "ғоявий хатоси" йўқ китобларни ахтариб юриб, улар тўғрисида мадҳиялар ёзиб ўрганган, шуни касб қилиб олган".

Танқидчида билим, савия, дунёқараш, маслак қанча теран бўлса, у адабиётни қанча кенг ҳис қилса, ҳеч бир масалага тарафкашлик ва ғараз билан ёндашмас, асарни ўшанча холис таҳлил эта олади. Акс ҳолда, таххисда адашган табибга ўхшаб, қилаётган ишида фақат тахмин ва ғалатга асосланади. Бундан на ёзувчи, на адабиёт, на китобхонга фойда тегади. Бадийий-эстетик идроки пачоқ танқидчи-адабиётшунос жавобгарлик ва жонқуярликни жангарилик ёки ботирлик деб тушунади. Қалам ўрнига найза, болта кўтариб ёзувчига ҳамла қилади. Абдулла Қаҳҳор "Сароб"дан бошлаб то охириги асарларигача шундай ташланиш ва адолатсиз танқидларга дуч келган. Бу ҳақда баҳс юритган Озод Шарафиддинов, "Ҳозир адибнинг бутун

умри давомида танқиддан еган даққиларини ўйлар эканман, унинг рўпарадан ҳам, орқаваротдан ҳам қилган ҳужумларини даф этишга кўп кучи сарфланганини тасаввур қилар эканман, бу одамнинг саботига, тоғдай бардошига қойил қоламан", дейди. Бунда Абдулла Қаҳҳорни суяб, муҳофазга айлаган куч, бир томондан, ўзининг ҳақлиги, холислигига ишонч бўлса, иккинчидан, ҳақиқий танқид илмининг вазифаси, ҳуқуқ ва хусусиятларини англаши эди. Шунинг учун у мунаққид истеъдодини ёзувчи истеъдодидан кам деб билмаган.

Ҳозирги пайтда адабий танқиднинг қиёфаси кундан-кунга мавхумлашиб бораётгир. Унинг майдони гавжумлашиб ўрнига тобора сийраклашиб, бўшаб қолмоқда. Адабий танқиднинг бир замонлардаги обрў-эйтибори ва нуфузи йўқ энди. Абдулла Қаҳҳор бошқа ишга ярамай, ўзини танқидчиликка урганларни "ҳар нарсадан чўчиб шақилдоқ чалаверади" ган кўрқоқ қоровулга ўхшатган эди. "Шақилдоқ" бозлиқнинг ўрнини ҳам ҳайбаракаллачиллик, мадҳиягўйлик эгаллади. Лекин аҳвол бундай давом этиши мумкин эмас. Ўзбек танқидчилиги қайта қад ростлашни, неча ўн йиллардан буён мерос бўлиб келаётган самонасозлик, эҳтиёткорлик, даллоллик сингари иллатлардан халос бўлиб, шахдам одим ташлашни истаса, Абдулла Қаҳҳор талаб қилганидек, энг аввало, "адабиётимизга катта адабиёт чўққисидан" қарашга бел боғлаши керак. Ана шунда унинг ўзи ҳам янги чўққиларни забт этиши мумкин.

XI

Абдулла Қаҳҳор асарлари бир мўъжиза эканини кўпчилик эътироф этган. Жумладан, атоқли адиб Шукур Холмирзаев "Ўзбек адабиётида ана шундай мўъжизаларни яратиб, қолдириб кетган инсонга топиниш мумкин", дейди. Мен ақлимни таниганимдан буён Абдулла Қаҳҳор шахсини ҳам, асарларини ҳам яхши кўрганман. Қолаверса, чинакам буюк адибга топинишнинг нимаси айб?



Донишмандлик фасли. 1967 йил.

Лекин ҳозир бошқа бир гапни айтишим лозим деб ўйлайман.

Етмишинчи йилларнинг охирларида Абдулла Қаҳҳорга менинг муносабатим бир оз ўзгарган эди. Бунга Тошкентга келиб яшай бошлаганимдан кейин айрим адабий давра ва суҳбатларда Қаҳҳор ҳақида муросасизлик ила айтилган танқидий мулоҳазаларни эшитишим ҳам сабаб бўлгандир. Энди Қаҳҳорга муҳолиф кайфиятдаги ёш ижодкорларга ҳам дуч келиш мумкин эди. Улардан баъзилари Қаҳҳорни "сочидан тирноғигача шўро ёзувчиси" экани учун қораласа, бошқа бирлари унинг Чўлпон тўғрисида айтган икки жумла гапини дастак қилиб айбнома тўкир эди. Хуллас, Қаҳҳорнинг ҳатто ҳикоянависликдаги ютуқлари ҳам назарга илинмас, унинг энг сара, энг ўқишли ҳикоялари ҳам паст баҳоланарди. Кунлардан бир кун икки-уч яхши ҳикояси билан танилиб қолган

ёзувчи биродарларимиздан бири бундай деган эди: "Абдулла Қаҳҳор ҳикоя яратмайди — тўқийди. Ҳикоя ясайди. Ўтмиш мавзуидаги ҳикоялари эса тарихни айблаш, тарихга қора чаплаш учун қилинган ишлардир..." Охириги, ўтмишга тегишли жумлалар менда ҳам эътироз туғдирмаган. Чунки Қаҳҳорнинг асарларини ўқиб, тарихдан фахрланолмайсиз, тарихга суянолмайсиз, тарихдан руҳий мадад ололмайсиз. Уларнинг деярли барчасида мозий жуда нурсиз, сурурсиз ва қоп-қора бўёқларда – қалбни ғам-ғуссага чулғайдиган манзараларда намоён бўлади.

Абдулла Қаҳҳорнинг ўттизинчи йилларда ёзилган "Бемор", "Ўғри", "Анор", "Миллатчилар" каби ҳикоялари менга ёққан. Уларни ўқиб, "Хайрият, шафқатсиз, адолатсиз, ўша тенгсизлик замонлари барҳам топган. Хайрият, халқимиз ўша кулфат, мусибат, сон-саноксиз бахтсизликлардан халос бўлган", деб ўйлаганман. Аммо бир кун келиб, "Наинки, ҳўкизидан айрилган мусибатдийда бир мўйсафидга ҳеч ким раҳм қилмаса, ахир амалдор ҳам одам-ку!.. Наинки, бемор хотинга гўдакнинг сахарлари қиладиган дуосидан бошқа даво топилмаса; наинки, соғ-саломат йигит бошқоронғи хотинига икки донагина анор олиб беролмаса..." қабилидаги эътирозлар менда ҳам пайдо бўлишини ўйламаганман. Аммо шунда ҳам негадир Қаҳҳорни ўқишдан ўзимни тўхтатолмаганман. Ҳикояларини бўлмаса, қиссаларини, қиссаларини бўлмаса, бошқа асарларини қайта-қайта ўқийверганман. Шунини ҳам айтишим керакки, мен қаҳҳоршунос бўламан, шу соҳада бирор илмий тадқиқот яратаман, деб Абдулла Қаҳҳор ижодиётига боғланиб қолганим йўқ. Аммо Абдулла Қаҳҳор ижодиёти сир-асрорларидан воқиф бўлиш ниятида кўп олимларнинг, хусусан, Озод Шарафидинов, Матёқуб Қўшжонов, Умарали Норматов каби адабиётшуносларнинг тадқиқотлари билан ҳам танишганман.

Абдулла Қаҳҳорни саксонинчи йилларда ўзимча янгитдан кашф қилдим десам хато бўлмас. “Сароб”да Саидийнинг “Муваффақиятли чиққан бир ҳикоядаги типни мамлакатнинг ҳар бурчидан юзлаб, минглаб топиш мумкин” деган фикри бор. Қизиғи шундаки, бундай типлар кўп учрашидан ташқари, уларнинг умри ҳам узоқ бўларкан. Замон, макон, вақт тушунчаларини улар кўпда тан олавермас экан. Мен ана шунда “Ўғри” ҳикоясидаги Қобил бобо биздан анча олис даврларда яшаб, ўтиб кетган бўлса-да, “қобилбобочилик” ўзига хос тарзда давом қилаётганини англадим.

Абдулла Қаҳҳорнинг ўндан ортиқ ҳикоясини битта ном — “Бошсиз одам” номи остида бирлаштириш мумкин... Тўлиқ маънода Фахриддинга монанд, унингдек лақма, иродасиз, мустақил фикрдан маҳрум гўл кимсани, эҳтимол, ҳаётда учратиш қийиндир. Аммо атрофга синчковлик билан кўз ташлаб, мушоҳада этилса-чи? Ҳайронлар қоласиз... Беихтиёр, “бошсиз одам” бунча кўп-а, дейсиз.

Абдулла Қаҳҳор ўтмиш мавзуига бежиз қизиқмаган экан. Мозийнинг замон билан доимо боғланадиган нозик ришта ва ҳалқаларини топиб, фақат тарих бағрида қолиб кетмайдиган ҳаёт ҳақиқатлари ва фожиаларини куйиб-ёниб тасвирлаган экан. Абдулла Қаҳҳор ижодидаги шафқатсиз реализмнинг туб илдири ҳам балки ана шундадир.

Сўнги йилларда айрим ёзувчи, олим жўраларимиз билан Абдулла Қаҳҳор тўғрисида кўп гурунглашиб, фикр алмашдик. Энди ўйласам, “Абдулла Қаҳҳор наинки адабиётнинг, балки юрт ва миллатнинг ҳам виждони” деган моҳиятга мен алоҳида ургу берган эканман. Дарвоқе, марҳум адибимиз Ўлмас Умарбеков ҳам

устозни миллат виждонини тамсил этган ёзувчилардан деб таърифлаган. Ҳа, Абдулла Қаҳҳор босиб ўтган ҳаёт йўли ҳам, ижод йўли ҳам виждон йўли эди. У сўнги нафасигача миллат дарди билан яшади. Шунинг учун ҳам унга оғир бўлган. Мамлакатда тоза фикрлайдиган одамлар камайиб кетгани, шулар ҳам иқтидорини янги ҳақиқат излашга эмас, эскиларини такрорлашга сарф айлаганига қарамай, Абдулла Қаҳҳор доимо озод фикр, янги ҳақиқатлар учун курашган — ёлғизланиш, танқиду таъқибларни писанд қилмасдан курашган. Абдулла Қаҳҳорнинг ижодий нафасидан номардлик, ҳар қандай фирромлик титраган, тубанлик ўзини панага тортган. Унга тиш қайраганлар эса юзларига ниқоб тортишга мажбур бўлган. Унинг борлиги миллатнинг ҳам давлати, ҳам сарвати, ҳам шавкати бўлган. Муболағасиз шундай!

Константин Станиславскийнинг “Санъатдаги ҳаётим” китобида Л. Толстой ҳақида айтилган бундай бир гап бор: “Унинг ҳаётлигида биз “Толстой билан бир замонда яшаш қандай бахт!” дер эдик. Юрагимиз ғам-ғуссага тўлиб-тошганда, ҳаётда қийналганда ёки кишилар кўзимизга йиртқич бўлиб кўринганда “Ясная Полянада Толстой бор-ку!” деган фикр билан ўзимизга тасалли берардик...”

Худди шу каби, Абдулла Қаҳҳор тирклигида ўзбек зиёлиларида ҳам шундай бир қаноат ва тасалли бор эди. Лекин, ишончим комилки, “Бизнинг Абдулла Қаҳҳордек беназир ёзувчимиз бўлган, у ўзининг боқий асарлари ва ўлмас жасорати ила доимо биз билан бирга яшаётти...” деган фурур-ифтихор туйғуси бугун ҳам ижод аҳлининг маҳзун қалбига умид ва жасорат бағишлаб туради.

ЎТГАНЛАР ЁДИ

Ўлмас УМАРБЕКОВ

Mangu dunyo bo'saq'asida

(“Кизимга
мактублар”
асаридан
парчалар)



Умида! Қизим...

28 октябр, 1993 йил. Ўн кун давом этган текшириш, ўрганишлардан сўнг қандайдир аниқлик пайдо бўлди. Даволовчи врач Татьяна Дмитриевна келиб, кўлимни сиқди:

— Касалингиз биз хавотир олганчалик илдиз отмаган экан. Нафас атрофидан бошқа хамма аъзоларингиз соғ. Касал нафас йўлларига ўтмаган. Бир-икки кун ичида консилиум қиламиз. Радиологлар, бош хирург, директор билан маслахатлашамиз. Менимча, сизни аввал даволашимиз, кейин операция қилиб, касалликни олиб ташлашимиз керак.

Истараси иссиқ, нигоҳи самимий шифокорнинг бу сўзларидан қувониб кетдим. Вужудим илиб, кайфиятим кўтарилди. Миннатдорлик билдириб, телефонга югурдим. Текшириш натижаларидан Зухра қисман хабардор бўлса ҳам, ўзимнинг оғзимдан хушxabарни эшитгани маъқул эди.

Қийналиб гапирсам ҳам, Зухра мени англади, шу захоти худди мен каби у ҳам ўзгариб кетди. Ёзининг бошларидан бери биринчи марта унинг овозида севинч оҳанглари пайдо бўлганини сездим. Телефонни ёриб юборгудай бўлиб, хозир етиб бораман, деди. Бошим осмонда эди. Худоба шукр. Демак, бир канча вақт томоғимни радиация нурлари билан даволашади. Тошкентда ўн марта нурланганимда шу ишлар бирмунча камайган эди. Касалим тарихида ёзилган, ким билади, балки бу ерда шуни эътиборга олишдимикан? Консилиумда ҳам шундай қарорга келишса, ўзимни бахтли ҳисоблардим. Тахминан бир ой-бир ярим ойдан сўнг уйга қайтишим мумкин. Қизим, сени кўраман, укаларим, дўст-биродарларимни кўраман. Умида, сени жуда соғиндим. Деярли ҳар кеча кўнғирокдек овозингни эшитгандек бўламан. Кўз олдимда ўзинг пайдо бўлиб, кўзларинг ёниб, “Ада! Келдим.” дейсан-да, ёнимга келиб, юзимдан ўпгандек бўласан. Кўп эмас, атиги икки хафтадан бери Москвада бўлсам ҳам, ҳар куни сенинг ўқишдан қайтаётган пайтинг, ўз калитинг билан дарвоза-эшикни шарак-

Ўлмас Умарбеков — атоқли адиб, драматург ва жамоат арбоби.

Аслида, ҳақиқий адабиёт мухлисларига бу номни таништиришга зарурат йўқ. Зеро, “Ялғиз ҳиди” ҳикоясидан тортиб “Фотима ва Зухра” романигача халқимизнинг маънавий мулкига айланиб улгурган. XX аср ўзбек драматургиясини ҳам, насрини ҳам Ўлмас Умарбеков ижодисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ўлмас Умарбеков олижаноб ва дилбар шахс эди. Шу хусусиятлари, фазилатлари, бошқача айтганда, сийрати ҳам, суврати ҳам ёзган асарларида яққол кўриниб туради.

Бешафқат ажал у зотни 60 ёшга етай деганда орамиздан олиб кетди. Агар ҳаёт бўлганида бу йил муборак 70 ёшга тўлган бўларди...

“Қизимга мактублар” — адибнинг оғир дардни енгишга, у ҳақдаги совуқ ўй-хаёллардан фориғ бўлишга интилган мушкул дамларда ёзган битиклари. Сўнги нафас билан васиятнома тарзида қоғозга муҳрланган ана шу асардан парчалар журналхонлар эътиборига ҳавола қилинмоқда.

латиб очишинг, шахдам қадамлар билан так-туқ, так-туқ қилиб айвонга кўтарилишинг кўз олдидан ўтади. “Ада! Мен келдим!” Қизим, жоним, сени яна кўрадиган бўлдим. Орзум эсон-омон уйга қайтмоқ эди, ниятимга етадиганга ўхшайман. Худо хоҳласа, марҳамат қилса, бир ой-бир ярим ойлардан сўнг тузалиб қайтаман...

Элчихонамиз меҳмонхонасида турган Зухра мен ётган онкология марказига қанот пайдо қилиб учиб келди.

— Ишонардим! Ишонардим! Хали яшайсиз. Хали қизимизнинг тўйини кўрамыз. Ўзингиз бош бўлиб ўтказасиз. Худодан хар куни сизга умр тилардим, мен етимга раҳм-шафқат қилишини сўрардим. Эшитибди илтижоларимни!..

Анчагача бир-биримизга қувонч билан тикилиб, гаплашиб ўтирдик. Гап орасида Зухра менга чой ичирди, овқатлантирди. Кейин Татьяна Дмитриевнадан касалхонага кириш учун доимий рухсатнома ёздириб олгани палатадан чиқди.

Илгари вақт ўтказиш, миямни чулғаб, бир дақиқа ҳам тинчлик бермаётган оғир, совуқ фикрлардан халос бўлиш учун телевизор қўярдим ё радио қулоғини бураб, турли тўлқинлардан турли хабар, қуйларни тинглардим. Ҳозир эса бирдан шунчаки дам олиш учун, бирпас роҳат қилгим келиб телевизор қўйдим. “Реванш” номли кўп сериали фильм кетаётган экан. Элчимиз касалхонага ётган қунининг эртасигаёқ рангли телевизор, радиоприёмник қўйдириб берган эди. Аммо нима кўрмай, нима эшитмай, бугунгача қулоғимга ҳеч нарса кирмас, кўз олдимда турли суратлар, манзаралар, одамлар пайдо бўлиб, яна саробдек тарқаб кетарди. Биринчи марта бугун экранда одамлар нима деяётганини эшитдим, тушундим. Яйраб қулоқ сола бошладим. Фильм бир оила одамларининг турли тақдирлари, ҳаётлари ҳақида эди. Телевизорга махлиё бўлиб, Зухранинг кириб келганини сезмай қолибман. Унинг кўзлари ялтирар, юзларига қон югурган эди. Афтидан, Татьяна Дмитриевна билан яхши гаплар бўлганга ўхшайди.

— Ҳозир ўзи пропусок олиб келади. Хавотир олманг, яхши гап билан келади.

Кўп вақт ўтмади. Татьяна Дмитриевна рухсатнома кўтариб кириб келди.

— Бояги гап, — деди у таклиф қилинган курсига ўтирар экан. — Хотиржам бўлинглар. Консилиумдан сўнг даволашни бошлаймиз.

— Операция оғир бўладими? — деб сўрадим ўзимни тутолмай.

Гап кўпроқ кўрқимизда эмас, операциялар жонимга текканида эди. Шу кунгача мураккаби, энгилми, бешта операцияни бошимдан ўтказдим. Хаммаси бир жойда — томоғимда эди. Энди олтинчиси бўлади. Наркоз берилгандан сўнг одам ҳеч нарса сезмайди. Оғриқ кейин билинади.

— Операциянинг қандай ўтиши бизга тааллуқли, сиз ҳеч нарса билмай ётасиз. Кўкрак қафасигача кириш лозим. Яна қайтараман, бу — бизнинг ташвишимиз.

У хайрлашиб чиқиб кетди. Эр-хотин тинчиган эдик, хали анча-мунча ишлар қилишимиз мумкинлигидан севиниб, кун кеч бўлганини билмай ҳам қолдик. Москвада кун тез қораяди. Бунинг устига, вақт нотинч, ўғрилар, чўнтаккесар киссовурлар, безорилар қўпайиб кетган. Шунинг учун Зухрани кистай бошладим. Яна бирпас ўтирай, деди. Албатта, мен унинг ёнимда эканидан хурсанд эдим. Яна бир соатча гаплашиб ўтирдик. Гапимиз хар галгидек яна менинг касалимга келиб тақалди.

— Худо бизга раҳм қилди! Мана, кўрасиз, ҳамма ташвишларимиз орқада қолиб кетади. Уйнинг тўрига ўтказиб қўяман сизни. Нима истасангиз, шунини қилиб бераман. Умида иккаламизнинг бахтимизга омон бўлсангиз бас. Бизга бошқа ҳеч нарса керакмас. — Зухранинг кўзларида ялтираб ёш кўринди. Бу бир неча йилдан бери чўзилиб келаётган алам, ғам ёшлари эмас, севинч ёшлари эди...



...Аммо севинчимиз узоқ давом этмади. Шентал (*бўлим бошлиғи, профессор — тахририят*) хонасига кирганимизда кайфиятим бузилиб кетди. Кўрдим: Зухра бечора ҳам ғалати бўлиб, бирпасда ранги ўзгариб, қорайиб кетди.

— Икки йўл бор, — деди Шентал. — Биттаси нур билан, кимёвий терапия билан даволаш. Иккинчи йўл — операция. Очиғини айтаман, оғир, узоқ операция. Қўкрак қафасини очиш керак, юқори қовурга суягининг бир бўлагини кесиш керак; уни бошқатдан қўйиб бўлмайти, албатта. Кейин трубкани пастрокка туширамиз. Чунки операция натижасида трахея калта бўлиб қолади. Операция яхши ўтади, деб айтолмайман. Танланг. Бу — ихтиёрий нарса. Шахсан мен операция тарафдориман. Лекин тузалиб кетишингизга кафиллик беролмайман. Бундан ташқари, операциядан сўн сизга жисмоний қийинчилик ҳам туғилиши мумкин. Ўйланг, бугун кечгача жавоб беринг.

Мен бундай бўлишини кутмаган эдим. Албатта, ростини айтишим керак, оёқларимгача бўшашиб кетди. Палатага қандай келганимни билмайман. Демак, операциядан омон чиқмаслигим мумкин. Тўғри, ўлим хар кимнинг бошида бор. Аммо бундай операциядан мажрух чиққанимда ҳам яшашни истамасдим. Мажрух бўлиш, жиндеккина бўлса ҳам чиқиб турган овозимни йўқотиш, томоғимдаги нафас тешигини пастга, кўкрак суяқларининг ўртасига тушириб яшаш — менга оғир. Кейин кўкрак суяқлари кесилган одам юра олиши мумкинми, йўқми — номаълум. Бундай яшашдан кўра ўлим афзал. Яқинда олтмишга кираман. Уч-тўрт ой қолди. Улуг кишилар, танишларим, дўстларим, ҳамкасбларим билан сира ҳам ўзимни тенглаштиргим йўқ. Аммо умрларимизни солиштирганда, мендан анча ёш бўлган ҳолда бу дунёдан ўтиб кетганлар озми?! Пушкин, Лермонтов, Бобур... Чўлпон-чи? Усмон Носир-чи? Дўстларим Ғани Расулов, Абдукарим Абдуазимов, Жума-

ниёз Абдурахимов, Ботир Зокиров, Дамир Шокиров, Ўқтам Усмонов... Рўйхатни яна давом эттирсан бўлади. Лекин хожати йўқ. Уларнинг ҳаммаси узок умр кўришга ҳақли эди. Узок яшасалар, мендан ҳам зиёд ўз юртлари, элларига (мен улуғларни эмас, ўз дўстларим, ҳамкасбларимни назарда тутяпман) хизмат қилишлари мумкин эди. Афсуски, бераҳм ўлим улар ҳали элликка қирмасларидан, атоқли режиссёр Дамирни эса ўттизга қирмасдан олиб кетди. Владимир Висоцкий, Андрей Миронов, Олег Даль ҳам ёш кетдилар бу дунёдан. Мен улардан кўпроқ яшадим, яшаяпман. Пешонамга шу ёшимда ҳаётдан кўз юмиш ёзилган бўлса, майли, шу дақиқани кутиб оламан. Фақат, Умида менсиз эзилди. Ўн тўрт ёшда отасиз қолиши, ўртоқлари олдида... қийналади. Биламан, Зухрага ҳам оғир бўлади. Лекин у иродали, ақлли аёл. Кизининг етим қолганини ҳеч кимга сездирмайди, бадавлат хонадоннинг кизларидек қийинтиради, тарантиради...

* * *

...Қизиқ, қандай қилиб мен шу касалга чалиндим? Нега Кашир катта йўлидаги комбинатдек касалхонада ётибман? Талабалигимдан чекдим. Барча соғлом одамлар, дўст-биродарлар қатори ичдим. Балки шуларданми-кан касалим? Йўқ, шундай десам, тўғри бўлмайди. Асл сабаб асаба, шамоллашга бепарволик қилинганида. Бунини менга хинд врачлари айтишди. Қувайтда бўлганимда, амирнинг врачлари ҳам шу гапни тасдиқлашди. Белгияда ҳам шу фикрни билдиришди.

Биринчи марта томоғимнинг чап томони ютинганимда нини санчгандек оғриётганини Ёзувчилар уюшмасида ишлаётганимда сездим. Сут ичдим, дори-дармон қилдим. Кўпчилик олдида гапираётганимда овозим илгаригидек эркин, баланд чиқмаётганини кўрдим. Поликлиниканинг дор доктори томоғимга ёғ суртиб турди. Наъматак ёғи. Ингаляция қилдим. Фойда бермади. Маданият вазирлигида ҳам бирмунча қийналиб гапириб юрдим. Аммо ҳеч ким, биринчи галда ўзим жиддий қараганим йўқ. Меҳнат таътилида стационарда ётиб даволанишни ниҳоят лозим топдим. Шунда орадан икки йил ўтиб кетган экан.

Стационарга Зухра билан Умида бирга боришди. Ёзнинг охирлари эди. Қабулхонада ҳужжатларимни кўришиб, зудлик билан ёткизишга тайёрлашаётганида мени телефонга чақиришди. Бош врач хонасига кириб, гўшакни олдим. Телефонда Ислом Абдуғаниевич Каримов эди. Хавотир олиб телефон қилаётган экан. Ҳаммасини айтиб бердим.

— Шошмасдан, яхшилаб даволанинг, ишни ҳаёлингиздан кўтаринг, — деди у киши.

Миннатдорлик билдирдим. Лекин барибир долзарб пайтда касалхонага ётаётганимдан ранжидим. Ётмасликнинг эса иложи йўқ эди. Минбарлардан гапиришга қийнала бошлаган — овозим хириллай бошлаётган эди.

Стационар фойда бермади...

* * *

...Зухра кетганидан сўнг, ёлғиз қолиб, унга берган маслахатларимнинг (васият деса ҳам бўлади) қанчалик тўғрилигини ўйлаб кетдим. Учта китобни тайёрлаб қўйганман. Иккитаси келишиб ҳам қўйилган. Танланган киссаларим Фафур Фулом номидаги нашриётда чиқиши керак. Янги романим — “Фотима ва Зухра” “Шарқ юлдузи” журналида босилади. Баъзи бир қисқартишлар билан Омон Мухторов, Тохир Малик янги йилдан чиқаришни айтишган. Роман маъқул бўлибди. Бу — бўлим ходимларининг фикри. Шу романин “Ёзувчи” нашриёти кейин чоп этиши керак. Ҳаммасини гаплашганман. Янги “Оқсоқол” номли пьесам машинкада. Ҳамза театрига бериш керак. Чунки бош ролларини Ёқуб Аҳмедов ва Теша Мўминовларга мўлжаллаганман. Рустам Ҳамидов қўйса, айти муддао. У мени тушунади. Ўзича ўзгартишлар қилмайди. Ташки эффектни ёмон кўради. Уйда ўн бешта янги ҳикоям турибди. Яхши битта тўпلام бўлиши мумкин. Кейин ҳамма қўлёзмаларимни, нусхаларни Азиз Пўлатович Қаюмов раҳбарлигидаги институтга топшириш керак. Ҳар ҳолда, у ерда кўпроқ одам менинг ёзганларим билан танишиши мумкин. Бундан ташқари, оилага қандайдир моддий ёрдам ҳам бўлади.

Зухра диққат билан қулоқ солиб ўтириб, жилмайди:

— Худо хоҳласа, шу ишларнинг ҳаммасини ўзингиз уйга қайтиб бориб бажарасиз. Мен ёрдам берман.

Мен ҳам жилмайдим. Қўлини олиб юзларимга суртдим. Ишқилиб, айтганинг келсин. Албатта, шу ишларни ўзим қилганим маъқул. Бунинг устига, ёзишга тайёр турган режаларим бор. Уларни ҳам қорозга туширсам, анча кўнглим тўлади. Жамоат, давлат ишлари билан бўлиб ижодий мўлжалларимга вақтим етмади. Энди уйда ўтириб, шошмасдан, хотиржам ёзишим мумкин. Ҳикоялар, пьесалар, яна битта роман ёки қисса. Ёмон бўлмайди шулар қороз юзини кўрса.

Кечасини бирмунча тинч ўтказдим. Олти яримларда турдим. Ундан олдин вира-ширада тушимда кўрдимми ё хаёлимдан ўтказдимми, Л. Толстойнинг “Иван Ильичнинг ўлими” асари дилимдан ўтди. Кўз олдимда Иван Ильичнинг сўнги дақиқалари пайдо бўлди. Қаёққадир узун, қоронғи йўлакдан учиб кетяпти. Йўлакнинг охирида ёруғлик доира қизиб турибди. Мен ёнма-ён кетяпман. Хурсандлигим, хафалигимни билмайман. Тинчман, аммо юрагим шувиллаб кетяпти... Чўчимасдан уйғондим. Ювиниб, соқол-мўйловимни олиб, озгина кофе қайнатиб ичдим...

* * *

...Умида! Энди буёғини эшит...

Эрталаб радиология ва нурланиш бўлимига бордим. Мени кайтадан рентгенга солишди, компьютерли томографда кўришди. Кўкрагим, бўйнимга кўк бўёқдан янги белгилар қўйишди. Бу белгилар аввалгиларидан пастроқда, кўкрагимнинг кўпроқ қисмини эгаллаган эди. Демак, мен тўғри

қарор қилибман. Агар операцияга рози бўлганимда, шу белгилар қўйилган жойлар арраланарди, кесиларди. Оқибати нима билан тугарди — айтиш қийин. Балки ростмана одамларга ўхшамай, томоғимдан нафас олаётган анчайин мураккаб ахволим яна ўн, балки юз чандон оеврлашармиди! Қаддимни ростлаб юролмай қолармиди! Бунга бугунги белгилардан сўнг тўла ишондим...

* * *

...Москвага жўнаётган кунимиз Умида билан хайрлашувим кўз олдимдан кетмайди. Эрта туриб кийинаётганимда у олдимга келди. Бўйнимдан кучоқлаб, юзини юзимга қўйди. Сезиб турибман, мактабга боргиси йўқ. Икки-уч кундан бери у лицейга ўтган эди, ўқишдан қолиши керак эмас. Шунинг учун қаттиқ бағримга босдим, ўқишдан қолишига, самолётгача мени укам, синглим билан бирга кузатиб қўйишига зарурат йўқ. Кейин у хам эзилади, мен хам. Оддийгина хайрлашган маъқул.

— Нима олиб келай Москвадан? — деб сўрадим уни қўйиб юбориб. Шу билан, шундай хайрлашганим кифоя, дегандек бўлдим. У ақлли қиз — тушунди. Жилмайиб:

— Хеч нарса. Тўзалиб кайтсангиз бўлди, ада! — деди.

— Албатта қайтаман.

Шундай деб елкасига бир-икки қоқиб қўйдим. У охишта юриб, ўз хонасига ўтди. Портфелини олиб, айвондан тушаётганида орқасига қайтди:

— Хайр, ада! Мендан хавотир олманг! Соғайиб келинг!

Мен қўлимни силжитдим.

Охирги кўришганимиз шу. Охирги деяпман-у, уни яна кўришимга, хали кўп у билан бирга бўлишимга ишонаман. Ўз оёғим билан уйга кириб бораман, бағримга босиб, иссиқ пешонасидан ўпаман. Зухра телефонда у билан гаплашиб турибди. Ҳар гал гаплашиб келганида ундан салом айтади. Ўқишлари яхши эмиш. Инглиз тилидан, математика, физикадан беш баҳо олаётган эмиш.

Умида, жоним қизим! Яхшиям, Худо бизга сени берди. Опанг каби мен учун хам энг азиз, энг қимматли, энг ширин ва шакар одамсан. Сенинг бахтли бўлишингни қанчалик исташимни билсанг эди! Омон бўл, қизим. Барча орзуларингга ет. Мен ҳар куни Худодан опанг билан сенинг бахтингни сўрайман. Узок умр кўришингни, ниятларингга етишингни сўрайман. Ҳар қандай бало-қазолардан сени асрашини, сендан, опанг, аммаларинг, Акмал акангдан марҳаматини аямаслигини сўрайман. Арзандам, ёлғизим, агар баъзида сени уришган бўлсам, кечир. Фақат яхши ниятда шундай қилганман. Сени яхши кўришимни, ҳеч кимга ишонмаслигимни яхши биласан. Қизим, агар тақдир тақозоси билан энди кўришмай қолсак, опангни эҳтиёт қил. Бечора опанг мен билан кўп азоб чеқди. Сен уни ҳурмат қил. Ёлғизлатиб қўйма. Қаттиқ гапирма, яхши гапингни

аяма. Иложи бўлса, доим бирга тур. Кизим, хаётига гард юкмасин, бахтли бўл. Омон бўл, фариштам, арзандам!..

* * *

...Каватимиздаги битта санитария хонасидан чорси тахта тошиб олганман. Силлик, ярим квадрат метр келади. Афтидан биронта шкафнинг эшиги бўлса керак. Стол йўқлиги сабабли кроватга уни қўйиб, устида ёзаман. Қулай деб бўлмайди. Лекин ишласа бўлади.

Ковозларни олдимга қўйиб, қўлимга қалам олдим. Фикрларим равшан, кўнглим тинч. Шундан бўлса керак, энг аввало кизимни ўйлаб кетдим. Кеча туғилган кунига биринчи марта ҳеч нарса совға қилмадим. Опаси Москвадан жўнатган нарсалар ўз йўлига. Мен ўз қўлим билан унга бирон нарса олиб беришим керак эди. Дарвоқе, эсимга тушди, Москвага жўнаётганимда унга янги автомат ручка ва шундай автомат қалам бердим. Мабодо, туғилган кунингача қайтмасам, дедим. Оғзи қулогига етиб жилмайди. Ўзингиз ишлатинг, деди. Мен жавоб бермай бошидан ўпдим.

Шуларни ўйлаб кетиб, унинг болалигида берган бир саволи эсимга тушди. Ада, бувам, бувимлар ҳақида, ўзингизнинг болалигингиз, опамлар ҳақида гапириб беринг, ҳеч нарса билмайман, деб сўраган эди у. Ўшанда хўп, деб, кулиб қўяқолган эдим. Шунчалик уйда кам бўлардим, ўтмишни эслашга вақт бормиди у пайтлари? Мана энди, назаримда, шундай вақт келди. Албатта, кизимни ёнимга ўтқазиб гапириб бериш имкониятидан ҳеч хаёлга келмаган касаллик оқибатида маҳрумман — овозим йўқ. Даволанишдан бўш вақтларим фақат ёзишим мумкин. Аммо кимёвий дори, нурланиш бошни айлантириб, кўнглини ағдарар экан, лоҳас қилиб, анчагина бўшаштириб қўяр экан. Ўзимга келган дақиқаларда, даволаниш бўлмаган кунлари ўтмишдан эсимга тушганларини, майли, ёзай. Шу мендан кизимга эсдалик бўлсин. Бобоси, бувисининг хаётлари билан, опаси ва менинг ёшлигим билан оз бўлса ҳам танишсин. Бафуржа ёзишга қўзим етмаяпти. Сезишимча, вақтим кам, кейин узок йилларни қайта эслашга шароит йўқ. Аммо қўлимдан келганича уриниб кўраман. Аммо ёзганларимни ҳозир жўнатмайман. Тузалиб кетсам, ўзим олиб бориб қўлига бераман. Тузалмасам... опаси, Зухра олиб кетади...

Умида, кизим. Сени ўйлаб ёзаяман...

* * *

Кизим...

Бугун Москвага келганимга бир ойу бир ҳафта бўлди. Шанба, 20 ноябрь. Онкология марказида эса икки куни кам бир ойдан бери ётибман. Даволаниш асосан бешинчи ноябрдан бошланди. Ярим ой кузатиш, текшириш, ўрганишга, кейин даволаш йўлини танлашга кетди. Охирги қарорни менинг ўзимга хавола қилишди. Нурланиш, кимёвий терапияни танладим. Танлаганим тўғрига ўхшайди. Кўпчилик шундай

деяпти. Ўн кун ичида шишлар юмшагандек, стома асл холига келаётгандек ёки бир оз кенгайгандек кўринаяпти. Худонинг хохиши билан, ажаб эмас, тузалиб кетсам! Ҳар кунни унга мурожаат қилиб, шуни сўрайман. Худонинг қудратига тенг қудрат йўқ. Шифо бериб юборса, ўзимни энг бахтли одамлардан ҳисоблайман. Қолган умримни фақат одамларга яхшилик қилишга, қўлимдан келганича муҳтожларга — нима соҳада бўлмасин, ёрдам беришга бағишлайман. Вақтим етса, ёзаман. Ўйлаб қўйган режалар кўп. Энди кўпроқ наср билан шуғулланаман. Ўзи энг севган ёзувим наср эди. Яна шунга қайтаман. Пьесаларнинг муҳокамагарига қатнашиб, ўз фикримни исботлаш, ҳақлигини тушунтириш энди қўлимдан келмайди, оғирлик қилади. Лекин дилимда яна иккита-учта сахна асарининг асослари турибди. Кимлар ўйнашини ҳам кўриб турибман. Хай, бўлди, шошилиш керак эмас. Ҳозирги менинг энг катта, улуг вазирам шу даргоҳдан тузалиб, ўз оёғим билан уйга кириб бориш.

Зухра деярли эрталабдан кечгача ёнимда. Бечора. Ниҳоятда эзилиб кетди. Ҳозир ҳам — соғайиш нишонлари кўрина бошлаганда, даволашнининг тўғри йўли танланганда ҳам ўзига келганича йўқ. Кейинги тўрт-беш кундан бери “Бугун яхши ухладим”, деб келади. Лекин бунчалик эмас. Ҳамон ўй, ташвиш уйқусини ўғирлаб, тинчлик бермаётгани салкиган юзи, кўзларидан билиниб турибди. Ўзимча овутаман, биронта яхши гап билан кўнглини кўтаришга интиламан.

Тахминан кунора уй билан гаплашиб турибди. Худога шукр, уй тинч. Хамида, Мавжуда бизникида. Умида уларнинг қармоғида. Емоқ-ичмоқдан деярли ташвишлари йўқ эмиш. Ё бизни шундай деб тинчитишаётганмикин? Йўқ, ҳар ҳолда ҳали Тошкентда куз. Кузда жуда ҳам катта моддий қийинчиликлар бўлмайди. Қишда эса, Худо хоҳласа, уйда бўламыз. Шу кун насиб этармикин? Қизимни, Умидани яна бир бор кўрармикин?

Кўришим керак. Кўраман. Худо, марҳаматини аямай, шифо беради, дилим сезиб турибди. Парвардигори олам, сен борсан, мутлаксан, мангусан. Ниятимга етказ. Омин, Оллоҳу Акбар!

Юқоридаги яхши гаплар, яхши умидлар билан яна қўлимга қалам олдим. Қизимнинг илтимосини имкониятим етганича бажаришга ҳаракат қиламан.

* * *

...Умида, қизим, мен ҳам ўзимни бахтли одамлардан ҳисоблайман. Менинг бахтимга сен борсан. Менинг бахтимга опанг бор. Билмадим, агар опанг бўлмаганида бу мушқул дард азобларига чидалмай, лозим харажатларни қилолмай аллақачон оламдан ўтиб кетардимиз? Албатта, пешонага ёзилгани, тақдирдаги бўлади. Аввало худога минг қатла шукр, унинг марҳамати билан аста-секин тузалиб келаётганга ўхшайман. Опангнинг ёнимдалигидан бошим осмонда, у доим менга далда, мададкор. Ша-

фқатли Худо уни менга учраштирганидан, бир ёстикқа у билан бош қўйиб, бирга яшаб келаётганимиз билан бахтлиман.

Биласан, Москвага келиб даволанишимнинг асосий сабабчиси, ташкилотчиси опанг. Яхши ҳам келдим. Ҳозир анча қўнглим тинч. Аммо дилимни бир афсус кемиряпти. Сенинг хозир авжи ўйнаб-куладиган вақтинг, опанг ҳам ишдан қўнгли равшан, роҳат қилиб яшайдиган, турли сафарларга чиқиб, санаторийларга бориб дам оладиган, соғлиғини қувватлайдиган бир ёшда. Ана шундай бир пайтда мен бетоб бўлиб қолдим. Уч йилдан бери менинг дардим билан яшайсизлар. Опанг бечора эзилиб кетди. Мен ўзимнинг бундай қаришимни, сизларни ўз ташвиш-ғамларингиз, орзу-умидларингиз билан ёлғиз ташлаб қўйишимни қутмаган эдим. Хали ҳам Худога шукр қиламан, эсим жойида, қўл-оёғим бут... Мен ётган палата марказнинг ўнинчи каватида. Катта деразаси кўчага қараган. Азонда, хали чироқлар ўчмасдан шаҳарда ҳаёт бошланганини шу деразадан томоша қилиб туриб, ният қиламан. Худо, ўзинг менга шифо бер, дейман, кизимнинг, хотиним, укаларимнинг бахтига тузалиб, ўз оёғим билан она юртимга кириб борай, дейман. Агар умр берсанг, қўз юмгунимча ҳаётимни тоат-ибодатда, одамларга яхшилик қилиб ўтказаман, дейман. Зора шундай бўлса! Худонинг марҳамати улуг, у ҳамма нарсага қодир. Ажаб эмас, у менинг илтижоларимга қулоқ солса! Ўзим бош бўлиб тўйингни ўтказсам, мустақил ҳаёт, мустақил хизмат бошлаганингни кўрсам!.. Шунда тинч бўлардим.

Биламан, сен ақлли қизсан, опангга ўхшайсан кўп жиҳатларинг билан. Турмушинг яхши бўлиши, одамлар билан тил топишиб, обрўйингни туширмасдан ишлашингга ишонаман. Лекин, барибир, орзуга айб йўқ, дейишади. Ҳаётингнинг бир бўлагини кўриб қолсам, армоним бўлмасди. Барибир, Худога шукр қиламан. Шу кунларга етганимдан, шундай юрганымдан мингдан-мигг ризиман...

* * *

...Қоронғи тушганда опанг пансионатдаги ўз хонасига кетди. Мен эса, яна сенга шу хатларни ёзишга ўтирдим.

Назаримда, Москвада мени даволай бошлаганларидан бери, анчагина дилим тинчиб, қўлимга қалам оладиган ҳолатга келганимдан бери сенга атаб ёзмоқчи бўлганларим ниҳоясига етиб қолди. Ҳозирча кифоя. Худо хоҳласа, уйга қайтсам, эсимга тушган воқеаларни ёзиб бераман. Хатларимнинг сўнгида устоз Абдулла Қаххорга ўхшаб, сенга, кизим, берадиган иккита маслаҳатим бор. Биринчиси:

— Бу дунёда опангчалик сенга меҳрибон, яқин, азиз, сендан жонини ҳам аямайдиган одам йўқ. Бирга бўл. Ёлғизлатиб қўйма. Асра.

Иккинчи маслаҳатим:

— Давр ўзгариб кетди, кадриятлар ўзгарди. Лекин ҳамма даврда ҳалол меҳнат, поклик, одамийлик қадрланган. Шу ёдингда бўлсин.

Ёлғизим, суюқлигим, хайр, омон бўл, бахтли бўл.

ЎТГАНЛАР ЁДИ

Муҳаммад ЮСУФ

“Eslab qo'ying Muhammadni ham...”



Дунёда шоир кўп, шоирман деб юрган ҳам бисёр.

Мухаммад Юсуф чин шоир эди, шундайлигича қолди. У ижодий ҳаёти мобайнида бир шоирга берилмиш жамики қувончу изтироб, меҳнату заҳмат, бахту фароғат бўлса — ҳамма-ҳаммасини шеърига, шеърларига сингдирди, ўзининг, оиласи, гулдай қизларининг бор орому ҳаловатини ҳам шеърга алмашди.

Бир вақтлар шарқироқ сойдек ҳайқириб юрган шоирлар қаторига сокингина бир ирмоқ, жайдаригина бир ўзбаки жилға келиб қўшилганини биров сезиб, биров сезмай қолган эди. Қалди-роқлар гулдираб, булуту чақинлар, ёмғиру жалалар алғов-далғов қилиб ётган осмонда ой шундай пайдо бўлади, қуёш шундай билинмайгина чиқади. Кейин... ҳаммаёқ нурафшон, мунаввар бўлади. —

У хокисор, меҳнаткаш элини, улуг Ватанини ўзига хос, ҳаммага тушунарлигича қилиб қуйлади. Кўнглида борини шабнамга чўмган майсалар янглиғ тоза, беғараз ва иддаосиз айтиб ўтди.

Шоирлар орасида мудом «Мен ортиқча эмасманми?» дегандай кимтиниб, ийманиб, «Менинг шеърим ҳам бир нимага арзирмикан?» деган каби шеърлари олдида ҳам тортингандай тутарди ўзини.

Ҳақиқий шеърят ҳамиша фидойиликни талаб қилади, беаёв қурбонлик сўрайди. Шеър деб яшамокни, ўзни сарфламокни у ҳаёти, шеърлари, китоблари ила кўрсатиб кетди. Ҳамиша камгап, камсуқум юргувчи бир шоир сўзбозлару сўзфурушлар дунёсига чин ўзбек шоирининг чин ўзбекона, содда шеъри қандоқ бўлишини намойиш этиб ўтди.

Элнинг дилкаш, дардкаш шоири Мухаммад Юсуф ҳаёт бўлганида бугун элликка кирарди. У озод, дилбар Ватанини бир фарзанд янглиғ сидқидилдан, кўнглини осмонлардай кенг очиб тараннум этди. «Эй дўстларим, дунёда ортда қолган из яхши» деган шоирдан элу элдошлари қалбида ёрқин хотира қолди.

Ушбу шеърый парчалар унутилмас дўстимнинг турли йилларда ёзилган шеърларидан саралаб олинди. Уларда шоир қалбининг беором зарблари ҳамон эшитилиб турибди...

Сирожиддин САЙИИД

* * *

...Юртим, кўнглингдек кенг осмонларинг бор,
Юлдузни йиғлатган дostonларинг бор.
Осмонларингдан ҳам дийдорингга зор
Жайрондек термулган чўлпонларинг бор.

Қўлинг қадоғига босай юзимни,
Онамсан-ку, оғир олма сўзимни.
Қайинларга айтиб "Қора кўзим"ни,
Сибирларда қолган усмонларинг бор...

* * *

...Осмон — дилинг орзулари турнақатор,
Отамерос эркинг ўзи бир ифтихор.
Остонангдан офтоб чиқиб, офтоб ботар
Кунларимга қайтай десанг — халқ бўл, элим...

* * *

Одам билан улғаяр макон,
Дунёларга дoston бўлади.
Эрки элнинг гўдағи — султон,
Султони мард инсон бўлади.
Даҳри дун ҳаммадан қолади,
Биздан озод Ватан қолади!..

* * *

...Билдимки, баридан улугим ўзинг,
Билдимки, яқини шу тупроқ менга.
Баҳорда Бахмалда тугилган кўзинг
Араб оҳусидан азизроқ менга.
Сен билан ўтган ҳар кун байрам-базм,
Сенсиз бир он қолсам ваҳмим келади.
Сени билганларга қиламан таъзим,
Сени билмасларга раҳмим келади.

* * *

...Лутф қутиб мендай бир йўқдан бинодан,
Йўлимга термулиб ўтди дунёдан,
Отамга етолмай қолдим дуодан...
Қабрига ёққан оқ мунчоқларим бор...

* * *

Тошкўчанга сочдим, эй ёруғ олам,
Мана, чегарасиз муҳаббатимни.
Тун бўйи ўзимга йиғлади онам,
Не қилиб қўйдинг деб... Муҳаммадимни.

...Ёлғиз қушдек гоҳи кўкка учдим шан,
Отдилар, тегмади камон ҳам, тош ҳам.
Она, ойнинг юзи тириналган экан,
Она, йиғлар экан ҳатто кўёш ҳам...

* * *

...Кўҳна дунё, бу қизларинг бунча гўзал,
Қараб турсам, кўкларда ой-кунча гўзал.
Қанча гўзал бўлса, алдар шунча гўзал!
Юрагимни йўлбарсларга едираман.

* * *

...Ҳийин дедик бу ёруғ олам,
Ҳийин қилдик муҳаббатни ҳам.
Қизлар, ўлан айтиб гоҳида
Эслаб кўйинг Муҳаммадни ҳам.

* * *

...Момолар ҳақ:
Севги — эртақ.
Ким муродга суйиб етди?
Сен уйинга бор, келинчак,
Менинг уйим куйиб кетди.

* * *

...Муҳаммадга ишонган, эй мўминлар,
Ўлсам, сўзим эслаб, ўйга чўминлар.
Капалакнинг қанотига кўминлар,
Капалаклар одамлардан меҳрибон.

* * *

...Мен отамдан қолган эркин садо-сасман,
Қонимга ёт наволарга қайрилмасман...

* * *

...Нима қилсам, шеър ишқида қилдим мен...

* * *

...Киприқдан ҳам қисқақадир
Молу дунё йўллари.
Ибрат бўлсин, Искандар
Очиқ кетган қўллари!..
...Ўз элингни қақшатсанг,
Хор бўласан ўзинг ҳам.
Бир кун шу эл меҳрига
Зор бўласан ўзинг ҳам!..

* * *

...Қўшиқларим бўлиб овоза,
Юртда машхур эмишман тоза!
Барча ёзган шеърим бир коса
Сумалакка алмашаман мен.

* * *

...Математика — ой бўлади, йил бўлади,
Танкни танкка кўпайтирса кул бўлади...
Дунё қачон бўстон бўлар, гул бўлади?
Адабиёт ўйлайвериб сил бўлади...
...Қовургамнинг тагида бир қумри йиғлар...

* * *

...Бегонамас бу кўргулик,
Бошга тушган.
Менинг ҳам қоқ юрагимга
Тош отишган...

* * *

Ҳар кимнинг ҳам сочларига оқ тушсин,
Ажин тушсин, юзларига доғ тушсин.
Ҳар кимнинг ҳам қувват кетиб белидан,
Қўлларига асо — бир таёқ тушсин.
Иймони соф, юзга кириб ёруғ юз,
Тўйлар кўриб елкасидан тоғ тушсин.
Ва жисмига сўнги сафар олдидан
Ўз боласин қўлидан тупроқ тушсин...

* * *

...Эй Муҳаммад, ола ога-ининг бор,
Бирда яхши, бирда ёмон қунинг бор.
Бир кун бошинг ботар бўлса болишига,
Қизларингдан яқин яна киминг бор?!
Совчилари эшигида зор бўлсин —
Нозималар, Мадиналар бор бўлсин!..

* * *

...Имон йўқ гўшада эҳром қайдадир,
Қалбга таскин қайда, ором қайдадир?..

* * *

...Йигит йилларимга томган, эй шабнам,
Ҳаёт қандай аччиқ, хаёл эса ширин!..

* * *

...Мен нетиб шоир ўлай
 Бир қалам ўйнатмасам.
 Жон қадар бир сўз сўраб,
 Бир калом шеър айтмасам,
 Дилни минг қўйга солиб,
 Жонни минг тебратмасам...

* * *

...Кимда гам кўп бўлса — у менинг онам,
 Хурсанд яшаш қийин, Хурсаной она!..

* * *

Мендан нима қолар:
 Икки мисра шеър,
 Икки сандиқ китоб,
 Бир уюм тупроқ.
 Одамлар ортимдан
 Нима деса дер,
 Мен сени ўйлайман
 Ўзимдан кўпроқ —
 Лола, лолажоним,
 Лолақизгалдоқ!
 ...Бироқ, кўнглим сезар,
 Мендан кейин ҳам
 Бир кун бу ҳовлига
 Одам тўлади.
 Ҳали тўйлар қилиб
 Чарчайсан, эркам,
 Менинг қизларим
 Энг бахтли бўлади!
 Келинлар қўйлаги
 Рухимдай оппоқ,
 Лола, лолажоним,
 Лолақизгалдоқ...

* * *

...Олдинга мен боролмасам, ўт гуноҳим,
 Бир йўқлаб қўй, мен дунёдан ўтган чоғим.
 Қабрим узра ҳилпираб тур, қизгалдоғим,
 Муҳаммаддан бўлак дўсти девонанг йўқ.

Феруза ОБИДЖОНОВА

GO'ZALLIK QUTBLARI

“Аллох — гўзал ва У гўзалликни севади”. Ҳадиси шарифдаги бу ҳикмат Куръон оятларидаги “чиройли ахлоқ”, “чиройли ҳаёт”, “чиройли сабр” каби сўзлар билан муштарак. Имом Ғаззолий таъбири билан айтганда, яратилган Яратувчидан экан, демак, инсон ҳам гўзалликка интилади (Қаранг. *Газали Абу Хамид. Воскрешение наук о вере. М. “Наука”, 1980, 251-бет*). Инсон авваламбор муносиб яшашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Кийим, уй, рўзғор жиҳозлари, ҳатто таом ҳам ўз дидига мос бўлишига интилади. Мана шундай ҳаёт учун у тиним билмайди ва ўз меҳнати самарасидан руҳланиб яшайди. Айни чоқда, меҳнат инсонни толиқтиради ҳам. Одам фақат ётиб ухлаш ва овқатланиш билангина ҳордигини чиқаролмайди.

Инсон ўзини руҳлантирадиган асосий омилни бадий ижодда, санъатда топади. Зеро, инсонга хос муносиб ҳаёт кечириш орзуси, унинг гўзалликка майли санъат билан йўғрилганда яна бир поғонага юксалади. У барча орзу-умидлари сарчашмаларининг моҳиятини санъатда кўради. Зотан, бадий асар инсон руҳиятини ўзгартириш қудратига эга. Шундай экан, санъат асари яратувчисининг руҳий ҳолатидаги эврилишларни қандай англаш ва таърифлаш мумкин? Унинг руҳияти бошқаларникидан нимаси билан фарқ қилади? Санъаткорлик истеъдодми ёки қобилият? Нима учун санъат асарлари бошқаларга таъсир этиш хусусиятига эга? Ижод нима учун кучли руҳий жараён? Ижод махсули қай тарзда вужудга келади? Унинг яратилишига нима туртки бўлади? Айнан санъаткор бўлишга кишини нима ундайди? Инсон азалдан бу каби саволларга жавоб излаб келади.



Гап шундаки, гўзал санъат намуналарини яратиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Айтайлик, яқин 10-15 йил ичида жаҳон санъатида мумтозлик даражасидаги бирон бир янги асар барчани хайратда қолдирганини эслай оласими? Ишланаётган кинофильмлар, ёзилаётган романлар ва куйланаётган кўшиқларнинг аксарияти одамларни кундалик муаммолардан бир оз чал-ғитиш, уларга андак ором бериш учун хизмат қилишга мўлжалланади. Бундай асарларни эса инсон руҳига инқилобий таъсир кўрсатади, деб бўлмайди. Ҳолбуки, инсон руҳиятида фориглиши (катарсис) каби ҳолатларнинг рўй бериши қаммайиб борса, виждон, иймон, муҳаббат, ачиниш, нафрат каби туйғулар сусая бошласа, инсон "тирикчилик учун кураш" билан оворна маъжудотга айланган қолади. Ҳақиқий санъаткор учун бу ёт ҳолат. У замон талаби билан чекланмай, инсоннинг шахс сифатидаги моҳиятидан келиб чиқиб, ботиний талаб билан ижод қилиши лозим.

Мумтоз адибимиз Асқад Мухтор одамзод ҳаётида санъат ва санъаткорнинг ўрни нақадар муҳим эканини мана бундай таърифлайди: "Адабиёт фан-техника инқилоби даврида ҳам инсон билан иш кўриши керак. Экзюпери мақтаган самолётлар ҳозир ҳеч нарсага ярамай қолди. Лекин унинг Митти Шаҳзодаси ҳали узоқ яшайди". Бошқа бир ўринда эса у бундай деб ёзади: "Бизнинг дахшатли цивилизациямиздан ташқари ҳамма замонларда шоир

ва шеърӣ сўзнинг нечүқдир ғайритабиий бир илоҳий куч билан боғлиқлигини тан олганлар. Шеллингнинг ёзишича, шеърӣ сўз туғдирган идеал дунёнинг бизга объектив дунё бўлиб кўриниши инсоннинг Илоҳ ҳақидаги абадий тушунчаси билан боғлиқ. Файласуф Новалис айтидики, "Шоир ва авлиё азалдан бир бўлган, лекин чинакам шоир ҳали ҳам авлиё ва чинакам авлиё ҳали ҳам шоирдир". Навоийнинг шеърӣ сўз ҳақидаги сатрларига қўлоқ солинг:

*Чун бу насим эсди азал тоғидин,
Мунча гул очилди жаҳон бўғидин.*

Демак, ижодкорнинг кўнгли — руҳи масаласи ниҳоятда муҳим экан, уни ўрганиш доимо долзарб масала бўлиб қолаверади.

Ҳозирги вақтда ижодкор руҳи, ижод муаммолари турли усуллар билан тадқиқ этилмоқда. Хусусан, ижодкор ва ижодий жараёни психоанализ нуқтаи назаридан ўрганиш энг замонавий, энг янги усуллардан биридир. Санъат асарини яратиш пайтидаги руҳий жараёнларни ўрганиш кўпроқ руҳий таҳлил эстетикаси зиммасига тушмоқда.

Эстетикада руҳий таҳлил ёндашуви бизда янгилик бўлиб, бу соҳада деярли тадқиқотлар ўтказилмаган. Бунинг сабабларидан бири шундаки, Шарқ мумтоз фалсафаси каби, Ғарб фалсафасининг кўпглаб янги йўналишларида ҳам руҳий таҳлил тақиқланган эди.

Ёш тадқиқотчи Феруза Обиджонованинг мақоласи XX аср фанида муҳим ўрин эгаллаб келаётган, Ғарб тафаккури ривожига катта таъсир кўрсатган Зигмунд Фрейд таълимотининг айрим жиҳатлари таҳлилига бағишланган. Бу таълимот бир вақтлар шўролар мафкураси томонидан рад этилган, унга тақиқ муҳри босилган эди.

Фрейд таълимоти ва унинг асосий усули — психоанализга оид мақолалар бизнинг матбуотимизда эндигина чоп этила бошлади. Бу таълимот тушунчаларининг ўзбекча атамалар тизими ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмагани шу билан изоҳланади.

Тушунча ва концепциялар таҳлили ҳар қайси соҳа мутахассисларининг ўрганиш объекти бўлгани ҳолда, атамалар қай даражада ўнғай ва мазмунга мувофиқ бўлиши, қай даражада тил қонуниятларига бўйсунуши муайян соҳа чегарасидан четга чиқадиган масаладир. Шуни назарда тутиб, биз Фрейд таълимотига доир айрим тушунчаларга изоҳ беришни ва тавсия тариқасида бир неча атама таклиф этишни лозим топдик.



Мустақиллик йилларида бизда Фарб фалсафасига қизиқиш кучайди. Шарқ мумтоз фалсафасида асосий эътибор жамиятга эмас, кўпроқ шахсга қаратилган, инсон шахсияти, рухияти масалалари асосий ўринни эгаллаган. Шўро даврида эса асо-

сий эътибор шахсга эмас, жамиятга қаратилди. Фарб интеллектуал тафаккури Шарқ дурдоналари Жалолиддин Румий асосида ҳозирги замон фалсафасининг асосий оқимларини ривожлантириш йўлидан борди. Масалан, рухшунос олим Карл Густав Юнг асарларида Жалолиддин Румий фалсафий таълимотининг таъсири яққол кўринади. Чунончи, у ҳам Румий сингари аввал асосий хулосани баён этиб, сўнг уни батафсил изоҳлашга ўтади.

Юнг "Замонавий одамнинг руҳий муаммоси" мақоласида бу ҳақда ёзади: "Биз ҳали англаб етмаган шундай ҳақиқат мавжудки, биз Шарқнинг моддий оламини ўзимизнинг қудратли техникамиз билан алғов-далғов қилаётган бир пайтда Шарқ ўзининг юксак руҳий тажрибаси ва санъати билан бизнинг руҳий оламинимизни жунбушга келтирмоқда. Биз зоҳиран Шарқ устидан баланд келаётган вақтимизда, у

бизни ботинан мустаҳкам қамраб олаётгани ҳамон онгимизга етиб бормаяпти..." (Юнг К. *Сознание и бессознательное*. СПб. — М., 1997, 494-бет).

Сўнгги йилларда мамлакатимизда руҳий таҳлил эстетикаси борасида тадқиқотлар йўлга қўйила бошлади. Шу ўринда яна Асқад Мухторнинг куйидаги фикрларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ: "Танқидчи ва адабиётшунослар асосан асар ҳақида гапирадilar. Ёзувчи ҳақида эса... Ваҳоланки, асар ёзувчидан униб чиқади... Асар — ёзувчининг тақдири: керак бўлганда ёзувчи қурбон бўлишга ҳам тайёр. Унинг бу ғайритабиий садоқати, ёзмасдан туролмаслиги, руҳиятга, фалсафага, мушоҳадага мойиллиги, шахси, феъли, услуби, қарашлари, дарди, қийналишлари ҳеч кимни қизиқтирмайди. (Мухтор А. *Уйку қочганда*. Т., "Маънавият", 1997, 26-бет).

Руҳий таҳлил эстетикаси айнан ана шу — бошқалар қизиқмаган томонлари муҳим муаммо сифатида олиб қарайди. У бадий ижодни асосан англамаган ҳолат маҳсули сифатида талқин этади. Тўғри, ижоддаги бу ҳолат маълум маънода антиқ дунё файласуфлари меросида ҳам учрайди. Масалан, Афлотун бадий ижод жараёнини ижодкорнинг илоҳиёт билан мангуликка ишқ жазаваси воситасидаги туташиши, деб талқин этади. Кейинчалик Кант, Шеллинг, Ҳегель "илоҳий ақл", "мутлақ рух" каби ибораларини муомалага киритган. Улар ижодкорни ихтиёригина эмас, "интуиция", "англамаган ҳолат"лар бошқаради, деган ғояни илгари сурган.

Фрейд таълимотида онг (сознание) тушунчаси асосий ўрин тутати. Шунинг учун биринчи навбатда бу тушунчанинг фалсафадаги ва психологиядаги маъноларини фарқлаш лозим. Фалсафада "онг" концептуал тушунча бўлиб, у "материя"га нисбатан қаралиб, тафаккур ва инъикос билан боғланан, психологияда "онг" яқна шахс асаб тизимидаги жараёнлар билан боғланиб, "онгдан ташқари" ҳолатларга нисбатан олиб қаралади. Албатта, фалсафа билан психология бир қанча муштарак жиҳатларга эга. Лекин психология "онг" тушунчаси фалсафий "онг" тушунчасига қараганда кенгроқ маънога эга.

Психологияда баъзан "онг" ўрнига "руҳ" атамаси ҳам қўлланади. Лекин буни ҳам мақбул деб бўлмайди, зотан, инсон руҳи йил сайин аниқ тадқиқот услублари билан бойиб бораётган психология каби ижтимоий фанлар тадқиқот доирасидан кенгроқ фалсафий категориядир. Шу нуқтаи назардан, психологияни "руҳшунослик" деб аташ ҳам мунозарали, зеро, аслида руҳшунослик бу — дин. (Тиббиётда қўлланидиган "ру-

Бу гоя таъсирида ижод жараёни гайриоддий "мажнунлик" ҳолатида рўй берувчи ҳодиса, деган тасаввур кенг ёйилди. Жумладан, бундай ёндашув Артур Шопенхауэр ва Фридрих Ницше каби файласуфлар қарашларида ёрқин намоён бўлди.

Ижод ва ижодкор турли ҳолатига янгича ёндашув, айниқса, Зигмунд Фрейд ва унинг издошлари эстетикасида юксак даражага кўтарилди.

* * *

Фрейд таълимотида инсон руҳий ҳолатида уч босқич ажратиб кўрсатилади: англамли, англаймоқчи, англамсизли. Англамсиз ва англашмили ҳолатлар англамидан назорат (цензура) деган ўрта босқич орқали ажралиб туради. Назорат икки хил вазифани бажаради: биринчиси, шахс ўзига ва жамият олдида ошкор этишни мақбул кўрмайдиган хис-туйғулар, фикрларни англамсиз ҳолатга сиқиб чиқаради; иккинчиси, англамли ҳолатда ўзини намоён этишга интилган англамсиз ҳолатга қарши курашади.

Болалик давридан ўтган инсон ўзи яшаб турган жамиятнинг ахлоқий ҳамда эстетик мезонлари билан ҳисоблашишга мажбур, шу боис ана шу мезонларга — муайян ақидаларга зид бўлган майллар онгинг чуқур қатламлари томон сиқиб чиқарилиши керак.

Бу масалаларни Фрейд "Шоир ва хаёлот" ҳамда "Рухий таҳлилга кириш. Маърузалар" асарларида изоҳлаб беради. Фрейд наздида, хаёлот манбаи англамсизли

ҳолатда мавжуд, айни пайтда бу ҳолат — инсон руҳий қувватининг макони. Зеро, инсон болаликданоқ ташқи олам томонидан чекловлар ва ижтимоий тақиқлар билан ҳисоблашишга мажбур бўлар экан, истаклари туйғайли вужудга келадиган зиддиклардан қутулиш йўли — бу хаёлот. Санъат эса ана шу хаёлот асосида вужудга келади.

Хаёлотнинг зўрайиши невроз ва психоз каби руҳий касалликларга пойдевор яратади. Шундай қилиб, ижод жараёнининг аввал бошидан санъаткор рўбарў келадиган турли патологик ҳасталиклар уруғи экилган бўлади. "Санъаткор — деб ёзади Фрейд, — авваламбор воқеликдан чекинувчи инсондир. Зеро, у ўз хоҳиш-истакларини жамият талаби билан бошқаларига алмаштиради. Шу билан бирга, санъаткор шахс ўз хоҳиш-истакларини қондиришдан воз кечишга ҳам рози бўла олмайди, кўпинча бунга кучи етмайди. Шунинг учун ўзининг худбин, шухратпарастликка ундовчи ўйларига хаёлот доирасида кенг йўл очиб беради" (З.Фрейд. Введение в психоанализ. Лекции. М., "Наука", 1989. 240-бет).

Бу, албатта, унинг руҳига салбий таъсир кўрсатади. Оғриқдан инграш билан қутилмоқчи бўлган бемор каби, шахс ҳам ўзидаги "юк"ни чиқариб, ором олишга интилади. Мисол учун, "Искандарнинг шоҳи" эртагини олайлик: подшоҳнинг сочини олаётган сартарошнинг кўзи бошдан ўсиб чикқан иккита шоҳга тушади. Буни пайқаган подшоҳ сартарошдан сирини очиб қўймаслик ҳақида қасам ичиш-

ҳий ҳасталик" ибораси эса моҳиятан "психик ҳасталик"дир.) Ф.Обиджонова мақоласида "онг" тушунчаси психологик мазмунда эканини назарда тутиш лозим.

Фрейднинг психология ва психиатрия тарихидаги асосий хизмати "онг" билан боғлиқ, лекин ундан фарқланувчи "қуйи онг"га (тўғрироғи — "ички онг") оид гояларни илмий амалиётга киритганидир. Шу мақсадда у "bewubit" ("сознание"), "vorgbewubit" ("предсознание") ва "abewubit" ("подсознание") тушунчаларини киритади, ҳатто улардан ясалган сифатларни фарқлаш учун худди шу атамаларни кичик ҳарфлар билан ёзади: "bewubit" ("сознательное"), "vorgbewubit" ("предсознательное") ва "abewubit" ("подсознательное", баъзан "бессознательное").

Ўзбек тилида бу тушунчаларни ифодалаш учун турли атамалар қўллана бошлади: англалмаган онг (ҳатто онглалмаган), онголди, онгости ва ҳоказо. Кўпинча отни сифатдан фарқлаш учун "ҳолат" сўзи ҳам қўшилади: англаман ҳолат, англалмаган ҳолат ва бошқалар.

ни талаб қилади. Акс ҳолда, сартарош бутун оиласи билан ўлимга маҳкум бўлади. Халқ орасида катта ҳурматга эга бўлган подшоҳнинг асл қиёфаси ҳақидаги ўйлар сартарошни қийнай бошлайди. Вақт ўтган сайин унинг дарди оғирлашиб, охири дарё бўйига бориб, кўнглидаги гапни оқиб турган сувга айтади. Шу атрофда пода боқиб юрган чўпон сув бўйидаги қамишдан най ясайди. Чўпон найни чала бошлагач, ундан куй эмас, "Искандарнинг шохи бор" деган хониш чиқади.

Гуруҳий ва бошқа ижтимоий чекловлар қаршида якка инсон кўпинча ожизлик қилади. Шунда унинг "мен"и галабанинг бошқа йўлларини қидиради. Бундай ҳолат Абдулҳамид Чўлпоннинг "Бинафша" шеърида яққол кўринади.

Шоир баҳор ҳақида, баҳорнинг элчиси бинафша ҳақида шеър ёзмоқчи, лекин у табиат кўйида очилиб ётган бинафшани эмас, кўчада сотилаётган бинафша тўғрисида ёзишни афзал кўради. Бу шоирнинг онгли ёндашувидан кўра англамсиз истаклари, эҳтирослари билан боғлиқ жараён. Шоир ўз Ватани Туркистон мустамлака исканжасида ётганини очиқ айтиш имконидан маҳрум. Шу боис унинг онгидаги назорат бу истакни англамсиз қатламга ўтказиб юборган. Лекин Чўлпон ватанпарвар сифатида миллатининг ҳақиқий аҳволини куйлашдан қайтмоқчи эмас. Бу неврозга сабаб бўладиган ҳолатдан Чўлпонни икки йўл — ё ўз фикрини очиқ айтиб ҳалок бўлиш, ёки уни ичига ютиб, руҳий азоб-изтиробдан яратиш имкони қутқаради.

"Бинафша" шеърида, сиртдан қараганда, баҳор гулини, моҳиятан эса сиёсат бозорида сотилган сўлгин Туркистонни кўрамиз. Хуллас, шеърнинг туғилиш жараёнида англамсиз ҳолат қудрати намён бўлади.

Фрейднинг таъкидлашича, санъаткор руҳий хаста эмас, у хаёлотнинг ўзида тўхтаб қолмайди. Айнан ана шундай "тўхтаб қолиш" руҳий хасталикка олиб бориши мумкин. Ижодкор, оддий хаёлпарастдан фарқи ўларок, хаёлотини яширмайди, балки муайян шаклларда — бадиий ижод тарзида юзага чиқаради. Оддий инсон жамиятда ўз ўрнини эгаллаш учун истакларидан воз кечиш эвазига руҳ эркинлигини бўғишга мажбур бўлса, ижодкор руҳ эркинлиги қудратини энгишга кучи етмаса-да, туйғуларини англамсизлидан англамлига чиқармаган ҳолда, бадиий ижодга ўтказиб юборади ва шу билан асаб касаллигидан қутулиб қолади. Пировард натижада хаёлот ва унинг маҳсули — кучли майллар (шухратпарастлик, бойликка интилиш, севги каби) санъат асарига айланади.

Тасаввур — санъаткорнинг ҳаётни англаш ва уни ифода этиш курали сифатида бадиий ижоднинг барча босқичлари — ибтидосидан то интихосигача ижодкорга ҳамроҳ бўлади. Айнан бадиий тасаввур тўғрисида санъат асари воқеликнинг қуруқ нусхаси эмас, балки ижодкор руҳияти

Бундан ташқари, фанда "сверхсознание" ибораси ҳам учрайдики, натижада "онг-олди" сўзи масалани янада чигаллаштиради.

Бу тушунча учун "англамли", "англашимли" ва "англамсиз" атамаларини таклиф этмоқчимиз. Ўзбек тилида сифат ва сифатдошнинг отлашуви кенг тарқалган. Шунинг учун бу уч сўз от тарзида ҳам, сифат тарзида ҳам (ўзидан кейин келадиган отга боғланиб) қўлланиши ёки от бўлиб келганда зарур ҳолларда бош ҳарф билан ёзилиши мумкин.

Фрейд таълимотига кўра, англамли бу — онгнинг сўз, эҳтирос ва бошқа воситаларида юзага чиқишга тайёр ҳолатидир. Англашимли эса — онгнинг ана шу тарзда юзага чиқиши ёки ифодаланиши мумкин бўлган, лекин ҳали "пишиб етилмаган" қатлами. Ниҳоят, англамсиз — онгнинг юзага чиқмайдиган ёки чиқиши тақиқланган қатлами.

“қозон”ида пишган маҳсулот тарзида ву- жудга келади. Бу ҳақда Асқад Мухтор бун- дай дейди: “Тасаввур ҳам бир инстинкт. Лекин бу — олий савқи табиий. У идрок- дан ташқарида ногоҳ пайдо бўлиб, нима- нидир қамрашга интилади-ю, унинг нима экани номаълум, номи ҳали онгда йўқ. У ҳали хира бир ички сезим. Аммо мавжуд- лиги аниқ, уни фақат кўчма маънода, об- разли ё рамзий тарзда белгилаш мумкин.

Ҳайвоний инстинкт хавф-хатарни ол- диндан пайқагандай, ижодий тасаввур ҳам узокдаги фикрни, гўё бир ўзгарувчан бу- лут парчаси каби, кўнгил кўзгусида кўриб, гоҳ чақмоқ сингари ўтли чизиклар, гоҳ қандайдир этюдлар, қиёфалар, компози- циялар, тақдирлар тарзида шакллантира бошлайди. Бироқ, идрок тасаввурни тўла қабул қилмаслиги ҳам мумкин. Олий ин- стинкт сезими кўпинча ҳалиги ўзгарувчан булут парчасидай тарқаб ҳам кетади.

Тубан инстинкт такрорланиб пайдо бўлади. Олий инстинкт эса балқиб-нурла- ниб юзага чиқади. Иккаласи ҳам кучли, жасоратли бўлиши мумкин. Аммо, иккин- чисигина баъзан катта ғоя, доҳиёна ҳақиқатга эврилади” (Мухтор А. *Уйку қоч- ганда. Т., “Маънавият”, 1997 йил, 26-бет*). Бундан ташқари, хаёлот ёрдамида инсон ўз фаолиятининг мақсади ва натижасини кўради ёхуд орзусини рўёбга чиққандек тасаввур этади.

Фрейднинг таъкидлашича, руҳий таҳлил бадий ижод уйғотувчисининг сабаблари- ни ҳамда асосий мақсадларини очиб бера олади. Зеро, инсондаги барча руҳий жа-

раёнлар — англамаган ҳолатдир. “Ихти- ёрий майлларни тушуниш, — деб ёзади у, — санъаткорнинг қай тарзда импульсга (истак кўзгатувчи, ундовчи сабабга) му- носабатда бўлишини ҳамда қандай услуб- лар билан ўз таъсирини ниқоблаш маса- лаларини аниқлаб беради (М.Н.Афаси- жев. *Фрейдизм и буржуазное искусство, 39-бет*).

Фрейд руҳий таҳлил услубининг ин- кор этиладиган жиҳатлари ҳам бор. Ма- салан, у ижодкорнинг ижод қилиш сабаб- ларидан бири нафс эканини айтади. Агар ижоднинг мақсади Фрейд назарда тутган ҳолат ва истакларни қониқтириш бўлганда эди, унда санъаткор бошқа иш билан шуғулланиш орқали ижоддан осонгина ўз кеча оларди. Лекин бунда ҳодиса санъат тарихида камдан-кам уч- райди. Асл санъаткор, аксинча, ижод қилиш учун ҳар қандай қурбонликка тай- ёр туради. Чунки инсон ўз хоҳиш-иста- гига эришганидан сўнг баъзи орзулари ўтмишга айланади, унинг учун аввалги қийматини йўқотади ва яна бошқа ор- зулар кетидан интилади. Санъаткор эса бундан мустасно: ўз асарини асраб- авайлайди. Асар дунёга келганидан сўнггина у санъаткор учун асл қимматга эга бўлади. Тўғри, Фрейд психотаҳлили айнан санъатни ўрганиш мақсадида яра- тилмаган. Лекин унинг бадий ижод му- аммоларига доир кўпгина фикрлари, ру- ҳий таҳлилнинг умумуслубий концепция- лари санъат тараққиёти муаммоларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, Фрейд таълимоти сертармоқ фан соҳасига айланиб кетган. Унинг кўп ғоялари А.Адлер каби ижтимоий психология вакилларининг кескин танқидига учраган, баъзи фикрлари эса хато экани исботланган. Шунга қарамасдан, машҳур олимнинг бир хизматини — онгнинг англамли сатҳи орқали англашимли ва англам- сиз қатламларига кириб бориш, бу жараёнларни ўрганиш, инсонга боғлиқ бўлмаган объектив қонуниятларни очиш мумкинлигини асослаб берганини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Яна бир гап. З.Фрейднинг асосий услуги фанда “психоанализ” номи билан маъ- лум. Бизнингча, бу атамани шу тарзда қўллаш, уни “руҳий таҳлил” деб ўгиришни, юқорида таъкидланганидек, маъқул деб бўлмайди.

Таҳририят

TANHOĻIK AZOVI

ёхуд биз билган ва билмаган робинзонлар

Муртазо ҚАРШИБОЙ таржимаси

Оилавий робинзонлар

Кўрдингизми, робинзонлар ҳозирги замонда ҳам бор экан. Таъкидлаш керакки, дейлик, улар бугунги кунда XVII асрдагидан сира кам эмас. Денгиз ханузгача тасодифларга тўла, шафқатсиз ва айёр, тизгинсиз бир ҳодиса сифатида қолмоқда.

Француз Анри Бурдан қисқа ва аниқ қилиб “романтиклар” деб аталадиган тиниб-тинчимас одамлар тоифасига мансуб эди. Бу инсон бутун умри давомида ҳайратланиш ва завқланиш қобилятини йўқотмай яшади. Бу, албатта, ҳар қандай одамнинг ҳам ҳавасини келтиради. Саргузаштларга бўлган қизиқиш ва иштиёқ

уни асло тарк этмайди. Барча романтиклар каби, Бурдан ҳам ҳеч қачон бир жойда тинч ўтиролмасди. Моҳир учувчи сифатида у турли вақтларда Жанубий Америка, Вьетнам, Канада, Лаос, Африка, Ўрта Шарқ ва албатта Францияда яшайди ҳамда ишлайди. Бундан ташқари, Бурдан яхта спортига муккасидан кетган эди. У Ўрта Ер денгизини бошдан-адоқ кезиб чиққан, Жанубий Хитой денгизи ва Сиам кўрфазини беш кўлдек билар эди.

Анрининг хотини Жозе ҳам ўзига ўхшаган эди. Бир қарашда, нозик-нимжон бўлиб кўринса-да, фавқулудда гайрат-шижоатли,

мард ва жасур аёл эди. У барча денгиз саёхатларида эрининг доимий ҳамроҳи эди. Лом-мим демасдан, ҳамма қийинчилик ва машаққатларни эри билан бирга тортарди. Эр-хотин Бурданларнинг кўнглига туғиб қўйган бир орзуси бор эди. У ҳам бўлса, яхтада сузиб, дунёни айланиб чиқиш.

1966 йили тиниб-тинчимас Анри ва Жозе Сингапурга бориб қолади. У ерда Анри бирор мuddат йўловчи самолёт учувчиси бўлиб ишлайди. Айнан ўша ерда эр-хотиннинг аллақачондан буён амалга ошмай келаётган орзусини рўёбга чиқариш учун кулай имконият лайдю бўлади. Улар йиғиб юрган пулига 15 метрлик яхта ясашга буюртма беради. Улар яхтани Жозенинг шарафига "Синга Бетина", яъни "Шерхон" деб атайди. Барча зарур нарсаларни ғамлаб, Малайзиянинг жанубий қирғоқлари бўйлаб амалга оширилган синов сузишларидан сўнг, 1966 йил 20 октябрда дунё бўйлаб денгиз саёҳатига йўл олишади.

Эр-хотин Бурданлар ҳаммани ҳайратга соладиган биринчиликка интилмайди, энг қисқа мuddат мобайнида ер юзини айланиб чиқишни мақсад ҳам қилиб қўймайди. Улар иложи борича кўпроқ нарсани кўриш учун имкон қадар секин сузмоқчи бўлади. Шунинг учун дархол шарқ ёки ғарбга интилиш ўрнига улар жануб тарафга қараб йўл олади. Чунки улар Калимантан ва Сулавеси ороллари қирғоқлари бўйлаб ўтиш, кейин Австралия, Янги Гвинея ва Океания ороллари, Япония, Жанубий Америка ва бошқа ўлкаларда бўлишни ният қилган эди.

Таъкидлаш керакки, аввал-бошданок денгиз саёҳатчиларининг иши сурункасига юришмай қолади. Уларни аввалданок шум тақдир таъқиб этган бўлса керак, деган ҳаёлга бориш ҳам ҳеч гап эмас. Ўзингиз ўйлаб кўринг: дастлаб яхтанинг тубидаги ёриқни зўрға тузатишади-ю, мачта синиб кетади; мачтани алмаштириб улгурмасданок муҳаррик (мотор) ишламай қолади; сўнгра бошқарув арқони узилиб кетади. Шу тариқа фалокат устига фалокат давом этаверади. Албатта, жиддийроқ қараганда, бу омадсизликларга шум тақдирнинг мутлақо алоқаси йўқ.

Омадсизликнинг сабаби бошқа нарсанда — шошиб-пишиб, қўл учида қилинган яхтада, саёзлик ва сувости қояларининг кўплиги, ёмғир ва пўртаналарнинг кети узилмаётгани туфайли сузиш оғир кечаётганида эди.

Бу омадсизликнинг охири шу билан тугайдикки, 1967 йил 27 январда Австралиядаги Дарвин оролларида 80 мил нарида, Батерст ороли яқинида денгиз саёҳати ишқибозлари тузоққа тушади. Тушганда ҳам аҳмоқона бир тарзда тушади. Бу ҳодиса қуйидагича бўлган эди. Оролнинг шимолий тарафидаги узоқдан кўзга ташланган қумлоқ соҳилда озгина ҳордик чиқариш ва шу баҳонада яхтани ҳам таъмирлаб олиш ниятида улар "Синга Бетина"ни қирғоққа қараб ҳайдайди. Денгиз кўпириб, тўлқинланиб ётгани боис улар тўппа-тўғри сувости қояларига қараб боришаётганини сезмай қолади. Фақат бахтли тасодиф туфайли, айтиш мумкинки, қандайдир мўъжиза юз бериб, улар ўта хавфли қоя ёнидан эсон-омон ўтиб кетади. Тўғри, бир марта яхта қандайдир зарбадан чайқалиб кетгандай бўлади, лекин саёҳатчилар бунга жиддий эътибор бермайди. Соҳилдан 200 метрлар бериди "Синга Бетина"ни қантариб қўядилар. Денгизда тўлқинлар тиниб, сув орта чекинганидан кейин Анри ва Жозе орғаҳон қандай аламли тузоққа тушиб қолганини англайди. Улар ҳозиргина бир илож қилиб ўтиб олган сувости қояси улкан пойдевори билан бутун соҳилни чирмаб, икки тарафдан қирғоққа қадалиб турарди. Тўлқинлар тинчиб, сув орта чекиниб пайсагидан сўнг тубигага кўриниб қолган бу ўзига хос қўлдан бировнинг ёрдамисиз чиқиб кетиш ҳақида ўйлаб ўтиришнинг ҳам фойдаси йўқ эди. Бунинг устига, шимол муссонлари (муссон — қишда денгиз томон, ёзда денгиздан қуруқлик томон эсадиган шамол) мавсуми бошланган, шамол денгиздан соҳилга қараб тинимсиз эсиб турар, муҳаррик ишдан чиққан эди.

Лекин эр-хотин саёҳатчилар бундан қўл ҳам ташвишга тушмайди. Нима бўлибди, яна бир саргузашт бошланади-да! Саёҳат шуниси билан қизик-да! Улар маҳаллий

аҳоли ёрдамида тез орада бу қуршовдан чиқиб кетишга ишонарди. Ҳозирча дами оқиб, кейин яхтани тузатишга қарор қилишади. Яхшиям, улар барча зарур нарсалар — озиқ-овқат, кийим-кечак, узоқдан ишора берадиган мушак, шунингдек, китоблар ва пластинка қўйилмадиган электрофонни қирғоққа олиб келиб олган эди. Бу ишни ўз вақтида қилишган экан. Чунки шамол ва тўлқинлар, сувнинг кўтарилиши ва пасайиши “Синга Бетина”ни яримигача чўкиб кетган вайронага айланган, унинг 250 килограммлик чамбараги эса аллақачон ҳалқадан узилиб, денгизга чўкиб кетган эди.

Анри ва Жозе кема елканидан ўтовга ўхшаш бир бошпана ясайди. Бу ўтов уларни қуёшдан сақлар, лекин ёмғир ва кечки совуқдан асло ҳимоя қила олмас эди. Шу тарихи улар, кема ҳалокатига учраган денгизчилар каби, ҳаёт кечира бошлайди. Ҳар нарсани ҳам кўнгилга олавермайдиган қувноқ ва ўз қучига ишонган одамлар бўлгани учун улар бу фалокатни уйда қулгили бир тарзда яқин қариндошларга айтиб бериш мумкин бўлган кичик бир саргузашт деб ҳисоблар эди. Маҳаллий аҳоли билан тил топишиб олишса бас, бу кўнгилсизлик ортда қолади.

Бироқ орадан бир кун, икки кун, беш кун, ўн кун ўтгач, эр-хотин Бурданлар қалбига шубҳа мўралай бошлайди: бу оролда ўзи маҳаллий аҳоли бормикан? Соҳилда, ҳар қалай, уларнинг борлигидан далолат берадиган ҳеч қандай асоратни ҳозиргача қўришгани йўқ. Шунда улар кимдир келиб бизни топиб олади деб қўл қовуштириб ўтирмасдан, ўзлари одамларни излаб йўлга чиқади. Улар кўним топган жойда биронта ҳам мевали дарaxтнинг йўқлиги, саёзликда балиқлар урчимаслиги, озиқ-овқати эса унчалик кўп эмаслиги ҳам шунга тақозо этарди. Табиийки, унчалик ёқимли бўлмаган бу жойларда узоқ муддат туриб қолишни хаёлга ҳам келтириб бўлмасди.

Мана, икки оқсоқ — пўртана вақтида, яхтада сузиб келаётган пайтдаёқ оёқлари шилиниб кетган, энди юрганда яралари ачишиб оғрир эди — орол бўйлаб олис йўлга чиқади. Бу ерларда юриш ма-

шаққатли ва хавфли эди. Орол мудраб ётган қалин ўрмон билан қопланган, уни кўпгина жилғалар кесиб ўтар, денгиз суви кўтарилган ва пасайган пайтда улар ўтиб бўлмайдиган асов дарёга айланар эди. Бу ҳам етмагандай, тинимсиз ёмғир ёғиб турарди.

Оролда одамлар йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, эр-хотин унинг жанубий чеккасига ўтиб олишга қарор қилади — эҳтимол, у ерда инсон зоти учраб қолар. Бундан ташқари, Анрининг тахминига кўра, қаердадир оролнинг жанубида машъалмаёқ бўлиши лозим, чунки Кларенс бўғозидан кемалар қатнар экан.

23 февраль кун эр-хотин яна қароргоҳни ташлаб, оролнинг ичига йўл олади. Манго (ангох) дарaxтдан иборат бутазорлар яна уларнинг йўлида қалин девордек пайдо бўлади, ортида эса катта дарё ва ниҳоят, илону бошқа бало-қазоларга тўлиб ётган бепоён ботқоқлик ва балчиқзорлар кўзга ташланади. Ботқоқликдан ўтишда эр-хотин кўпинча белигача, баъзан ҳатто бўйнигача ботиб кетарди. Икки кеча-кундузлик ана шундай бениҳоя машаққатли ва самарасиз тентиращдан сўнг қароргоҳга қайтиб келишар экан, Жозенинг дарёга чўкиб кетишига бир баҳа қолган эди. У гирдобга тушиб қолади. Ўша пайтда, аксига олгандек, ярасига боғлаб қўйилган доқа ечилиб, оёқларига ўралиб қолади. Анри жонини жабборга бериб, кўп азоб-укубат билан хотинини қутқариб олади.

Улар озиқ-овқатни тежашга ҳарчанд уринмасин, робинзончиликнинг — бу робинзончилик эканига шубҳа йўқ эди — иккинчи ойда егулик соб бўлади. Озиқ-боп малоскаларни излашга тўғри келади. Бу жойларда негадир ҳатто қисқичбақалар ҳам урчиммагани учун шафқатсиз очлик азоби шу пайтгача пашшага ҳам озбор бермаган Анрини ов қилишга мажбур этади. Лекин ундан, қутилганидек, рисоладагидек овчи чиқмайди.

Нима, энди шу лаънати жойда очликдан итдек ўлиб кетаверамизми, деган кўркүв Анрини бор қучини жамлаб, оролнинг жанубий соҳилига ўтиш чорасини топиш учун яна бир бор йўлга чиқишга

мажбур этади. Аммо бу ҳаракат туфайли сал бўлмаса жонидан ажралиб қолай дейди — аллақайси ҳовузга чўкиб кетишига озгина қолади. У тинкаи мадори қуриб, қароргоҳга қайтиб келади. Шундан сўнги-на жанубий соҳилга ўтиб олиш ҳақидаги хаёлини калладан чиқариб ташлашга тўғри келди.

Энди охириги имконият — сол яшаш ва оролни айланиб ўтиб, кема йўлларига етиб олиш учун унга миниб, денгизга чиқиш лозим эди. 17 март куни Анрининг овда биринчи ва охириги марта омади келади: у кичкина милтиғи билан аллақаёқдан адашиб келиб қолган кенгуру боласини отиб олади. Унинг гўшти икки кунга этади.

Бир оз кучга тўлиб олгач, Анри сол яшашга киришади. Афсуски, ҳаддан зиёд қаттиқ иккита манго дарахти сувга чўкиб кетади. Уларни йиқитиш ва тозалашга бир неча кун кетган эди. Охири “Синга Бетина”нинг мачтасини бузиб, тахталарини суғуриб олишга тўғри келади. Бир неча кундан кейин кўпол, нобопгина сол тайёр бўлади. Унинг елкан ўрнатиладиган мачтаси, бошқарадиган эшқаги бор эди.

Оролдан сузиб кетиш арафасида очилиб қолган сувости қоясидан Анри бир нечта йирик устрица (*устрица — денгиз малюскаси*) топиб олади. Улар билан бир амаллаб қоринни алдашади. Эртаси куни энг зарур нарсаларни солга юклаб, қирғоқда ҳар эҳтимолга қарши шиша идишга жойланган хайрлашув мактубини қолдириб, эр-хотин Бурданлар сувнинг пасайиши бошланиши билан денгизга қараб йўл олади. Улар кундузи соҳил ёқалаб жанубга сузиш, кечаси эса оролга ақинлашиб тўхташни, у ерда тунаш ва бирон бир егулик топишни мўлжал қилган эди.

Амалда ҳаммаси бошқача бўлиб чиқади. Иккинчи куниеъ шамол ва сувнинг пасайиши туфайли орқага қайтаётган тўлқинлар солни денгиз баррига суриб кетади. Солда бор-йўғи 20 литр чучук сув қолгани, бир тишлам ҳам егулик бўлмаганини, кемалар тинимсиз қатнаб турадиган асосий йўлгача қарийб 100 мил масофа борлигини инobatга олганда, эр-хо-

тин Бурданларни очлик ва мадорсизлик аяган тақдирда ҳам, пўртаналар аямаслиги, уларни дастлабки довулдаёқ муқаррар ўлим кутаётгани яққол кўриниб турарди. Бу ҳам етмаганидек, сол ҳозирданоқ аста-секин, аммо тўхтовсиз сувга ботиб борарди. Икки кун ўтгач, унинг устида фақат ёғоч қути турарди. Қутининг устида икковлон бир илож қилиб ўтирса бўларди. Учинчи куни қути ҳам сув остида қолади. Оёқларидаги яралар денгизнинг шўр сувида баттар ачишиб, азоб берарди.

Денгизда ҳали ҳам бирорта кема кўринмасди. Фақат тўртинчи куннинг адоғида Анри ва Жозе ҳамма нарсадан умидини узиб, тақдирга тан бериб, бир-биридан рози-ризолик тилаб, видолашиб турганида, уфқда шхуна — кичик елканли кема пайдо бўлади. Лекин шу пайтда узоқдан ишора берувчи аксарият мушаклар зах тортиб, отилмайдиган бўлиб қолгани маълум бўлади. Яхшиям, иккитаси унча намланмаган экан. Шом қоронғисига қарамай, узоқлашиб бораётган кемадагилар ноғохон денгиз тепасида пайдо бўлган қирмизи ранг тутунни пайқаб қолади. Шу тариқа эр-хотин саёҳатчилар қутқариб олинади.

Ўз ихтиёри билан робинзон бўлганлар

Шу пайтгача фақат ғайриихтиёрий равишда, яъни ўзига боғлиқ бўлмаган сабаблар билан кимсасиз оролга тушиб қолган робинзонлар ҳақида ҳикоя қилдик. Аммо дунёда ўз ихтиёри билан танҳоликка интилган ва ҳатто жону дили билан ўзини кимсасиз оролда яшашга маҳқум қилган робинзонлар ҳам бўлгани маълум. Таъкидлаш керакки, бундай робинзонлар айниқса бизнинг давримизда анчагина кўпайди.

Биринчи кўнгилли Робинзон, чамаси, португалиялик дворянин Фернандо Лопес бўлган. У тақдир тақозоси билан (балки бойлик кетидан қувгандир) бир пайтлар Португалиянинг мустамлакаси бўлган Ҳиндистоннинг ғарбий қирғоқларидаги Гоа оролига бориб қолади.

Бир куни дон Фернандо одамнинг ақлу ҳушини оладиган бир нечта тилла буюмга кўнгли сушт кетиб, ўзи билмаган ҳолда, Португалия манфаатларига зид иш қилиб қўйди. Ўзингиздан қолар гап йўқ, хиёнат ҳеч қачон кечирилмайди. Одатда хиёнатчиларни қатл этганлар. Бироқ Лопес ўлимга маҳкум этилмайди. Лекин бешафқат жазоланади: шаҳар майдонда халойиқнинг кўз олдида жаллод аввал унинг ўнг қўли ва чап қўлининг ўртанчи бармоғини чопиб ташлайди. Шундан сўнг бурни ва қулоқларини ҳам кесади. Бундай жазо ўлим билан, ўлим бўлганда ҳам азобли ўлим билан баробар эди. Қонга беланган Лопес кўпга бормасдан жон таслим қилишига одамларнинг кўзи етиб қолган эди.

Бироқ дон Фернандо қандайдир мўъжиза туфайли тирик қолади. Бу жабрдийда ўзини лаънатлаган одамларнинг кўзига бошқа ёмон кўринмаслик учун Португалияга қайтиб кетишга қарор қилади. Ёки қайтиб кетаман деб шунчаки бахона ўйлаб топди. Нима бўлганда ҳам, 1517 йили Лопес Ватанига қайтиб кетаётган кема ичимлик сув ғамлаб олиш учун Муқаддас Елена оролига келиб тўхтади. Дон Фернандо қирғоққа тушиб, ўрмон ичида ғойиб бўлади ва кема жойидан кўзгалмагунча яшириниб ўтираверади. Гап нимада эканини дарҳол пайқаган денгизчилар бу майиб одамга раҳми келиб, дастлабки кунлари егулик тополмай оч қолмасин, деган ниятда жиндак қоқланган гўшт, қуритилган балиқ, туз ҳамда кийим-кечак қолдириб кетади. Улар қирғоқда гулхан ёқади. Ундан Лопес чўғ олиб, доимий оловга эга бўлиши мумкин эди. Денгизчилар хат ёзиб қолдириб, зарурат туғилганда орол яқинидан ўтадиган кемаларга ишорат бериш ва улардан ёрдам сўраш лозимлигини эслатишади.

Фернандо Лопеснинг қарийб 30 йиллик робинзончилиги шу тарзда бошланади. У шундай аёғор ҳолида хотини ва болалари кўзига кўринмасликни маъқул топган эди.

Озиқ-овқат масаласида Лопеснинг ҳеч бир муҳтожлиги йўқ эди. Ўша даврда

оролнинг аксарият ҳудудини қоплаб олган ўрмонда ёнғоқ мўл бўлади. Уларни ейиш албатта фойдали. Қирғоққа ўрма-лаб чиққан тошбақалар унинг ўлжасига айланарди. Баъзида эчки ёки тўнғиз тутиб оларди. Қирғоқ бўйидаги сувда балиқ ҳам сероб. Офтобдан, шамол ва ёмғирдан сақлайдиган доимий бошпанага эга бўлиш учун Лопес Ибодатхона водийси деб аталадиган сайхонликда ертўла кавлаб олади.

Қисқаси, дон Фернандо зоҳидларга хос хотиржам ва эҳтимол, ҳатто бахтли ҳаёт кечиради. Уни бу ерда ҳеч ким безовта қилмас, ҳеч ким бўлар-бўлмас нарсаларни сўраб жигига тегмас, ҳеч ким унга ачиниб ёки жирканиб қарамас эди.

Робинзоннинг Муқаддас Елена оролида бир маромда кечаётган ҳаётини фақат бир йилдан кейин португалияликларнинг кемаси келиб бузади. Кема мени Гоага қайтариб олиб кетмоқчи, у ерда қамоққа ташламоқчи, деб ўйлаган Лопес ўрмон ичкарисига қочиб кетади ва баланд қоя устида ҳамюртлари кема елканини кўтармагунча уларнинг хатти-харакатини кузатиб туради. Шундан сўнггина у қўналғасига қайтади. Қайтиб келгач, қувончдан ҳайратга тушади: денгизчилар унинг бошпанасини топиб, озиқ-овқат, хат қолдириб кетган экан. Хатда оролга келиб тўхтаган кемаларни кўриб, яширинмаслик, аксинча, агар зарурат бўлса, улардан ёрдам сўраш қаттиқ тайинланган эди. Денгизчиларнинг меҳрибончилик билан ёзилган хатларига қарамай, Лопес яна узоқ вақтгача одамлардан қочиб юради. Уфқда елкан қорасини кўриши билан ўрмон ичкарисидоги пис-тирмасига ошиқади. Бу муддат давомида Лопеснинг ертўласига кўплаб португалиялик денгизчилар келиб кетади. Улар озиқ-овқат ва эски кийим-кечак қолдириш билангина кифояланмас, бу девона ҳақида бутун Португалия ва унинг мустамлака ўлкаларига ҳар хил афсоналар тарқатар эди.

Лопеснинг ғаройиб қисмати билан Португалия қироли Хуан Учинчининг ўзи қизиқиб қолади. У дон Фернандога хат

ёзиб юборади. Ушбу мактубда агарда Ватанига қайтишни ихтиёр этса, барча гуноҳларини кечириб ва хавфсизлигини таъминлаш кафолатини ўз зиммасига таъин.

Шунга қарамай, Лопес ҳали ҳам одамларга ишонмас, иложи борича уларга яқинлашмасликка ҳаракат қиларди. Бир куни оролда Жумабой пайдо бўлмаганида борми, ким билади дейсиз, бу ҳол яна қанча давом этарди. Жумабой деганимиз явалик (*Ява ороли назарда тугилмоқда*) қулвачча эди. Бу шумтака кемалардан биридан қочиб келган эди. Ажабо, Лопес ва явалик негадир чиқишолмайди, ўртада келишмовчилик пайдо бўлади. Бу машмаша шу билан тугайдики, кунлардан бир куни навбатдаги кема оролга келиб тўхтаганда, қулвачча денгизчиларга одатда Лопес яшириниб оладиган ўрмондаги жойни кўрсатади. Аммо кема капитани Лопесни қаёққадир олиб кетишни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Бундан робинзон ҳайратга тушади. Боз устига, у Лопесга ҳеч ким ҳеч қачон унга нисбатан куч ишлатмаслиги ҳақида тилхат беради. Кувониб кетган дон Фернандо ҳам энди ҳеч қачон яширинмаслигини айтиб, денгизчиларни ишонтиради.

Фақат шундан кейингина одамлар унга ёмонлик истамаслигига тўлиқ ишонч ҳосил қилиб, Лопес ниҳоят юртига қайтиб боришга қарор қилади. Лиссабонда уни қирол ва қиролича илиқ қабул қилади. Кейин у гуноҳларидан тавба қилиб, Рим зиёратига боради ва у ерда папа Климент Еттинчи томонидан қабул қилинади. Лопеснинг чин дилдан тавба-тазарру қилганидан мутаассир бўлган Папа ундан, қани, айт, кўнглингдаги энг ширин тилагинг нима, деб сўрайди. Шунда у ҳеч иккиланмасдан бундай деб жавоб беради:

— Мен келган жойимга, Муқаддас Елена оролига қайтсам дегандим. Менга ўша ер яхши эди. Фақат қирол менинг бу истагимга рози бўлмаса керак, деб қўрқаман.

Шундан сўнг кўп ўтмай, Лопес Климент Еттинчининг кўмаги билан севимли оролига қайтади. Энди бу ерда яшаш унга аввалгидан кўра осонроқ эди. У оролга

ўзи билан бирга ўрдак, товуқ, тўнғиз, эчки-улоқ олиб келади. Қўйиб юборилганидан кейин улар тезда кўпайиб, ёввойилашиб кетади. Шу тариқа Лопес гўштдан қийналмайдиган бўлади. У оролга кўп қовоқ, анор ва пальма дарахтларини экиб ташлайди. Айтишларича, улар оролда бугунги кунгача ўсиб ётган экан. Бундан ташқари, робинзонимизнинг таржимаи ҳолини ўрганган португалиялик тарихчи Корреанинг ёзишича, Лопес одамлардан қочмайдиган бўлган, ҳатто денгизчилар билан суҳбатлашган, улардан уруғ ва кўчатлар олиб турган. Демак, Лопеснинг кимсасиз оролда яшайдиган одам учун лозим бўладиган барча нарсаси бўлган. У одамлар орасида оролдагидан кўра анча қийналиб яшашини билгани учун тақдиридан нолимас, ҳаётидан рози эди.

Фернандо Лопес Муқаддас Елена оролида роппа-роса 30 йил яшаб, 1545 йили вафот этади.

Бизнинг давримизда кимсасиз ороларда танҳо яшаш учун бош олиб кетишга сабаблар кўп. Чунончи, кундалик турмуш ташвишлари, одамлардан бешиш ва кишининг шунчаки маълум муддат ўз-ўзи билан ёлғиз қолиш истаги — барча-барчаси шундай сабаблар жумласига кирарди. Лекин уларнинг ҳаммасини ортда қолдириб кетадиган яна бир қанча сабаблар бор. Бу — техник тараққиёт ва ишлаб чиқаришнинг одамларни оддий темиртан кучга айлантган ҳолда шиддат билан илдамлаб бораётганидир. Бу — ижтимоий ва экологик муаммолар. Бу — ирқий ва этник можаролар. Бу — кўпмиллионли баҳайбат шаҳар-мегаполислар. Қанчалик ғалати туюлмасин, айнан сершовқин ва беҳаловат, жиноятчилик ашв олган, телевидение ҳамда бошқа ахборот воситалари одамларнинг қалбию онгини захарлаб бораётган катта шаҳарларда инсон ўзини жуда ёлғиз ва ночор ҳис қилади. Охир-оқибат одамлар бундай "тўкинчилик"ларнинг барчасига қўл силтаб, боши оққан томонга кетишга ҳаракат қилмоқда.

Американинг "Главиер" ҳарбий кемаси капитанига ҳавода учиб ўтаётган вер-

толётдан кимсасиз оролда одам қораси кўрингани ҳақида хабар берилгач, у дарҳол йўналишни ўзгартириб, оролга қараб суза бошлайди. Кема орол яқинида тўхтади ва ундан қайёқ сувга туширилади. Қайёқ қирғоққа етар-етмас, денгизчиларни қаттиқ ҳайратда қолдириб, яримялонғоч ёввойисифат кимса бўрала-тиб сўйна бошлайди:

— Мен сизлардан ёрдам сўраганим йўқ! Қани, даф бўлинглар, қорангизни кўрмайин. Одамни тинч кўясизларми-йўқми! Ҳе-е-е, энангни...

Шундан сўнг кутқарувчиларга қарата консерва банкалари ва улардан ҳам оғирроқ нарсалар иргитилади. "Боёқиш ёлғизликда ақлини йўқотиб қўйибди", деб ўйлайди денгизчилар. Фақат ётиги билан тушунтириб, робинзон билан илиқ сўхбатлашиш йўлини топганларидан кейин маълум бўладики, бу одам кема ҳалокати туфайли эмас, балки ўз ихтиёри билан робинзон бўлган экан. Бу ерда 30 ойдан буён яшар экан. Боз устига, жуда яхши яшаётган экан. Халоскорларга робинзонни безовта қилмасликдан ўзга илож қолмайди.

Робинзоннинг исми Том Нил, у кўним топган орол, аниқроғи, атолл (*атолл* — *ҳалқа тарзидаги ороллар тизмаси*) Нилнинг ватани — Янги Зеландиядан уч минг километр узоқликда жойлашган Кука ороллар тизимига мансуб эди. Дарвоқе, бу оролнинг номи русча — Суворов атолли деб аталарди. У русларнинг "Суворов" кемаси шарафига қўйилган эди. Денгиз сайёҳи М. Лазерев бошчилигидаги рус денгизчилари 1814 йили дунёни айланаб чиқиш пайтида бу оролга кемасининг номини қўйган эди. Тўғри, маҳаллий аҳоли бу номи ўз тилига мослаб, "Атолл Сувароф" деб атарди.

Том Нил Суворов атоллига дастлаб 1937 йили савдо флоти денгизчиси бўлиб ишлаб юрган вақтида келган эди. Ўшандаёқ унинг қалбида ана шу хар томонлама гўзал ва қулай маконда умрбод яшаб қолиш орзуси туғилади. Ниятинг — йўлдошинг бўлсин, деб шунга айтадиларда. Лекин фақат тўққиз йилдан сўнг, Иккинчи жаҳон уруши туғайи билан у ўзи-

нинг ширин орзусини амалга оширишга эришади.

Том Нилни кўп йиллик танҳолик азобиға маҳкум этилишига нима мажбур қилади? Авваламбор, серғалва ва беҳаловат жамиятдан ташқарида, автомобиллар шовқинини эшитмай, реклама чироқларининг жонга тегадиган жилвасини кўрмай, телевизор деган матоҳ борлигини билмай, табиат билан уйғун, тинчгина, беташвиш, ёлғиз яшаш истаги уни бу ерга бошлаб келади. Тўғри, Нилнинг бу ерда ҳам телевизори бор, аммо уни фақат об-ҳаво маълумотини эшитиш учунгина кўяр эди. Бу робинзонни қизиқтирадиган бирдан-бир нарса — об-ҳавонинг қандай бўлиши. Бунинг сабаби шундаки, у кутилмаганда оролга довул ёпирилгудек бўлса, фақатда қолмай деб кўрқади. Бундай фалокат унинг кўп йиллик меҳнати натижаси бўлган оролдаги бор-йўқ нарсани супуриб кетиши мумкин.

Том Нил уйини жилға бўйидаги пастак тепаликка қуради ва унинг ёнида турли бинолар тиклайди. Масалан, товуқхона барло этади. Томорқа қилиб, маккажўхори, қовоқ, помидор, ловия ва пиёз экади. Бундан ташқари, унча катта бўлмаган сокин кўлда балиқ урчитиши ва у ерда қармоқ ташлаб, балиқ овлашини ҳам инobatга олсак, овқат масаласида анча чимхўр бўлган бу инсон егулик борасида ҳеч нарсага зорикмасди.

Барча ҳақиқий робинзонларда бўлгани каби, Том Нилнинг ҳам ўз Жумабойи бор эди. Тўғри, унинг номи сал бошқача ва у тўртоёқли. Гап унинг содиқ дўсти бўлган ити Душанба ҳақида кетмоқда. Душанба хўжайинининг ортидан бир қадам ҳам қолмас эди. Нил қаёққа бормасин, у ҳам ҳозирю нозир, чунки бечоранинг сўхбатлашадиган бошқа ҳеч кими йўқ. Кейинги пайтларда у зерикканидан увлайдиган одат чиқаради. Бунинг барчасига сабаб — бу ерга келган дастлабки кунларда у каламуш ва куёнларни овлашга шу қадар берилиб кетадики, тез орада улар таг-туби билан йўқолади. Энди Душанбага иш йўқ. Ҳатто астагина ҳуриб қўяй деса ҳам бир баҳонаи сабаб топилмайди. Тўғри, ора-сира безбет қуш-

лар кўзга ташланиб қолади. Уларга озгина хуриб қўймаса, бошига чиқиб олиши ҳеч гап эмас.

Том Нил бир маромда оддий ва камтар яшарди. Одатда барвақт, қуёш чиқмасидан олдин уйғонади. Ола-говур денгиз бағридан сузиб чиқадиған улкан олов — гардишсимон қуёшни у қачонлардир қудратли довул қирғоққа иргитиб юборган улкан харсанг устида ўтириб қарши олади. Кейин кечаси билан денгиз тўлқинлари нималарни олиб келганини кўриш учун Душанба билан бирга қирғоқ ёқалаб юради. Биринчи галда соҳилга тўлқинлар иргитиб юборган тахта ва тўсинларни териб олади. Улардан бундайроқларини кулбани таъмирлаш ва майда қурилишларга ишлатади. Қолган-қутгани эса ошхона печкасига ўтин бўлади. У қирғоқдан балиқчилар тўрини сувга чўктирувчи соққаларни ҳам топиб олади. Улар билан кулбасини безайди. Офтоб чараклаб турган кунда — бу ўлкаларда ҳаво камдан-кам ҳоллардагина булутли бўлади — Нилнинг уйи узокдан қимматбаҳо тошлар осилган туморга ўхшайди.

Том Нил азонда ўз салтанатини айланиб чиққанидан кейин уй ва томорқа юмушларига киришади: товукларга дон беради, тухумларни йиғади, помидор ва ловия экилган эгратларни чопиқ қилади, ўтин ёради, хазонларни бир жойга тўплаб қўяди — улар чириб, ўғит бўлади; офтобшувоқда турган катта тоғорани сувга тўлдиради — унда чўмилади. Уйнинг соясиди яна уч бочка сув бор. Улардан бирида кийим-кечагини ювади, бошқасида — идиш-товоқ чаяди, учинчи бочкадаги сувни овқатга ва юзқўлни ювишга ишлатади.

Нонуштага тухум — қуймоқ, томорқадан узилган помидор еб, Том ўзи ясаган шезлонг — оромқурсида бир оз чўзилиб олади. Чарчоғи чиққанидан кейин яна уй ишларига киришади ёки балиқ овига боради. Бунинг учун кичкина елканли қайиғи бор. Соат бешда иш куни тугайди. Чўмилиб, ўзи ёқтирган йирик харсанг устига чиқиб, тамаки чекади ва ботаётган қуёшнинг заррин нурлари кўрфазнинг ойнадек шаффоф сувида қандай

жилваланишига маҳлиё бўлиб ўтиради.

Кунма-кун, ойма-ой, йилма-йил — қирқ йилдан зиёд вақт мобайнида у ана шундай тартибга амал қилган ҳолда ҳаёт кечиради.

Фақат бир гал Том Нил Суворов оролини тарк этади ва кечалари билан ўтириб ёзган китобини нашр этиш учун Янги Зеландияга саёхат қилади. У китобини "Ёлғиз менга тегишли орол" деб атайти. Ундан тушган қалам ҳақиқа рўзғорга майда-чўйда, ўзига янги уст-бош сотиб олади, тамаки, шакар ва тузни ғамлаб қўяди. Айнан шу китоб туфайли Суворов оролида яшаган бу робинзон қарийб бутун дунёга машҳур шахсга айланади.

Бразилиялик эколог олим Фернандо Эдвард Лининг тақдирини ҳам Том Нилни кига ўхшайди. У ҳам, худди Нил каби, анча нуроний ёшигача — саксоннинг нари-берисига қадар робинзон бўлади. У ҳам ўз оролида 40 йилдан зиёд ҳаёт кечиради.

Унинг саргузаштлари қуйидагича бошланган эди. 50-йилларда недир бир сабаб билан Жанубий Атлантика устидан учиб ўтар экан, Фернандо Ли кезикс уммон кенгликлари ўртасида бир тутам қуруқлик борлигини кўриб қолади. Бу жой олимнинг тасаввурини шу қадар забт этадики, у ўша пайтдаёқ мазкур оролда бир умр яшаб қолишга қарор қилади.

Илгари ҳеч бир хосияти билан кўзга ташланмаган бу бир тутам ер 40 йил мобайнида шунчаки қўл теккан, парварши қилинган жойга айланбгина қолмайди, балки уммоннинг қоқ ўртасидаги кўзини қувонтирадиған жаннатмақом гўшага айланади. Дастлаб у ерда дид билан қаралган томорқа пайдо бўлади. Кейин серсоя пальмазор бўй кўрсатади. Пальма уруғи Малайзиядан олиб келинганди. Оролда чучук сув манбаи бўлмагани учун ёмғир суви тўплансин деб, қоя тошларни пармалаб, ҳовуз қилишга тўғри келади. Шу билан бирга, қурғоқчилик махали асқатади деган ниятда денгиз сувини чўчитиб берадиған қурилма барпо этилади. Лекин уни ишлатишга ҳожат ҳам бўлмайди: Жанубий Атлантикада ёмғир доимий ва етарли миқдорда ёғиб туради. Ноёб Африка балиқларини урчитиш учун яна бир ҳовуз

барпо қилинади. Олимнинг уйи икки ярим киловатт кувватга эга бўлган шамол электростанцияси етказиб берадиган ток билан ёритилади. Ли буларнинг барчасини бир ўзи, ўз кўли билан яратади.

Агар олимнинг оролда дунёдаги ҳар қандай ҳайвонот боғи билан баҳслаша оладиган ноёб қушлар коллекциясини тўплаганини ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, Фернандо Лининг оролини чиндан ҳам жаннатмакон жой десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ватандошлари таъбири билан айтганда, бразилиялик Робинзон Крузо шунча юмушлардан ортиб, илмий иш билан ҳам шуғулланади. Унинг табиатни асраш муаммоларига бағишланган илмий асарлари дунёнинг машхур нашрларида кетма-кет чоп этилади.

Германиянинг Мюнхен шаҳри фуқароси, оддий автомеханик Фридрих Текстор ҳам, худди Том Нил каби, кимсасиз оролдан танҳолик излашга мажбур бўлади. Шаҳар ҳаётидан, бойлик кетидан қувиб ботқоққа ботган жамиятдан безган Текстор осуда макон топш учун бутун мол-мулкни сотиб, денгиз ортидаги серқуёш ўлкаларга йўл олади. Ва шундай жойни топади. Филиппиндаги йирик ороллардан бири бўлмиш Палавандан беш чақирим наридаги Тамлагун оролчаси унга маъқул келади. Текстор 5 квадрат километр майдонга эга бўлган бу оролчини, гарчи катта қийинчилик билан бўлса-да, 99 йиллик муддатга ижарага олади. Айтиш мумкинки, бир умрлик робинзончилик собиқ автомеханикка (бундай дейишимизнинг боиси шундаки, оролчада автомобиль деган нарса йўқ ва тахмин қилиш мумкинки, бўлмайди ҳам) 6 минг маркага — Германиядаги бир йиллик квартира ҳақига — тушади.

Лекин Текстор яшаётган шарт-шароитни унинг аввалги ҳаёти билан мутлақо солиштириб бўлмайди. Тамлагуннинг ҳавоси ажойиб — ҳарорат ҳеч қачон целсий ўлчови бўйича 22 даражадан пасаймайди. Хаво ҳам, шаҳарниқидан фарқли ўларок, мусаффо. Сокинликни айтмайсизми! Кўнгилли робинзоннинг овқат ва ки-

йим-кечаги деярли текинга тушади. Мева ва сабзавотни унинг ўзи етиштиради. Бундан ташқари, у доимо элликтача товук боқади. Бу ерда кийимнинг кераги ҳам йўқ. У бамбуқ дарахтидан ясалган кулбада яшайди.

Текстор, ҳар қандай мулкдор сингари, ўзига яраша савдо-сотик қилади. Вақти-вақти билан кўзгуни қуёшга тутиб, Палаван оролига ишорат беради, у ердан танишларидан бирортаси сузиб келади. Мехмон орол хўжайинига энг зарур нарсаларни, шунингдек, ун, туз, ўсимлик мойи олиб келади. Эвазига тухум ва кокос ёнғоғи олиб кетади.

Робинзоннинг ўзи эса оролни бир кун ҳам ташлаб кетмайди.

Бизнинг давримизда анча машхур ва бой одамлар ҳам робинзонликни ихтиёр этгани маълум. Таниқли америкалик киноактёр Жон Хюстон шулар жумласидандир. У артистлик фаолияти давомида 60 та фильмда асосий қаҳрамон ролини ўйнаган, 35 та фильмга режиссёрлик қилган. Пайқаш қийин эмас, Хюстон пулга муҳтож бўлмаган, бинобарин, одамлар орасида ҳам кўнгли тусаганча яшаши мумкин эди. Шунга қарамай, у 70 ёшида Қўшма Штатлардаги вилласини сотади. Кейин Тинч уммонида, Мексика яқинида жойлашган қичкина оролчани сотиб олади ва муқим яшаб қолиш учун у ерга кўчиб ўтади. Хюстонни бундай қилишга нима мажбур этгани ҳақида бир нима дейиш қийин. Афтидан, кинодаги иши билан боғлиқ доимий галвалардан фориг бўлиш учун шундай қилган бўлса керак. У фақат "Қароқчи" исмли қари итини олиб кетади. Собиқ режиссёр ва актёр ташқи олам билан фақат қисқа тўлқинли радиоприёмниги орқали боғланади.

Одамзод танҳоликда, яна денг, ҳеч кимса яшамайдиган оролда лоақал бир йил умр кечириши қанчалик машаққат эканини тасаввур этиб кўринг. Даниэль Дефонинг фантазиясига балли, у ўз робинзонини Тобаго оролида оз эмас-кўп эмас, 28 йил зериктирмай, эсон-омон олиб юрибди. Бунинг устига, унинг бир ўзини эмас, Жумабой деган шериги би-

лан бирга. Чамаси, машхур ёзувчи робинзонноманинг бундан кўра узунрок бўлишига ишонмаган кўринади. Аслида, робинзонлар ўзларининг адабий биродарига қараганда икки ва ҳатто уч баробар кўпроқ вақт мобайнида танҳоликда яшаган ёки яшамоқда.

1911 йили Тинч уммонининг жануб тарафида юз берган кучли пўртана пайтида англияликларнинг кемаси чўкиб кетади. Бутун экипаж аъзоларидан фақат бир инсон — шогирд бола Жеральд Бибсгина омон қолади ва у келиб қолган қуруқлик кимсасиз оролдан иборат бўлиб чиқади. Орол денгиз йўлларида чеккада эди. Кемалар ҳеч қачон унга яқин йўламас, шу боис Жеральд 1985 йили олиб кетгунларига қадар танҳоликда яшайди. Шу тариқа унинг робинзончилиги 74 йил давом этади. Бу давр мобайнида дунё икки марта жаҳон уруши гирдобда қолади, Бибс эса бу ҳақда ҳеч нарса билмайди. Оролга 14 ёшлик пайтида тушиб, уни шарт кетиб, парти қолган бир вақтда тарк этади.

Собиқ Югославиянинг Далмация деган ҳудудидаги қишлоқлардан бирида Кучич исмли одам кўпболали ва қашшоқ оиласи билан бирга истиқомат қилади. Ўғиллари вояга етганидан сўнг хонадон соҳиби кунлардан бирида, худди Шарқ эртақларида бўлгани каби, фарзандларини тўплаб бундай дейди: “Болаларим, мана, мен қариб қолдим. Энди сизларни боқадиган холим йўқ, кундан-кун мадорим қуриб боряпти. Сизлар меросдан умид қилмасангиз ҳам бўлади. Ўзларингдан қолар гап йўқ, менда на бойлик, на мол-мулк бор. Шунинг учун энди ҳар бирингиз йўлингизни топиб, ўз ризқингизни изланг”.

Кучичунинг ўғлонлари ўз насибасини излаб, ер юзи бўйлаб тарқалиб кетади. Фақат 12 яшар кенжа ўғил Зозо ота уйини ташлаб, ёт ўлкаларга сафар қилмайди. У Адриатика денгизига, қадрдон Далмацияси қирғоқлари билан ёндош кимсасиз бир оролда кўним топади. Ўша ерда 86 йил яшайди ва юз ёшга яқин умр кўриб, мункиллаган чол бўлиб вафот эта-

ди. Бу йиллар давомида Зозо турли хил ўсимликларнинг меваси ва илдизлари, балиқ ҳамда ёввойи қуёнлар гўшти билан овқатланади. Вақт ўтиши билан у шунчалик ёввойилашиб кетадики, оролда одам шарпаси пайдо бўлиши билан ҳеч ким топмайди диган жойга яшириниб олади.

Лекин Бибс ва Кучичу робинзончилик борасида барибир пешқадам бўлолмайди. Илғорлик бу соҳада португалиялик Гомиш Жерминальдишга тегишли.

1888 йили 12 ёшли етимча Гомиш мутлақо тасодифан Сетубал кўрφαзидаги номаълум ҳар оролга тушиб қолади. Аслида, у робинзон бўламан деб хаёлига ҳам келтирмаган эди. Аммо кимсасиз оролдаги тинч ва эркин ҳаёт унга шу қадар ёқиб қоладики, у ерда умрбод яшаб қолишга қарор қилади. У оролда қарийб 90 йил яшайди ва шундай қарорга келганидан бирор марта ҳам афсусланмайди. Гомишни ҳар ўн йилда шифокор ва социологлар келиб кўриб кетади, унинг соғсаломат, тетик эканига ишонч ҳосил қилишади. Меҳмонлар Гомишни шароб, мол гўшти, ширинликлар билан сийлайди. Бу нарсалар оролда йўқ эди, бўлиши мумкин ҳам эмасди. Гомиш эса меҳмонларни тансиқ овқатлари билан меҳмон қилади. Жерминальдишнинг овқати гиёҳлар, мева-чева, асал, балиқ, қуёнгўшт ва булук сувидан иборат эди.

Жерминальдиш, бўш вақти кўп бўлгани учун, мустикал хат-савод чикаради ва “Менинг исмим Робинзон” деган каттагина роман ёзишга киришади. Унда оролдаги ҳаётини тасвирлайди. Роман, қутилганидек, бўш ёзилгани ва ҳеч ким чоп этишни истамагани учун Гомиш унинг саҳифаларини ҳар замонда келадиган меҳмонларига тақдим этади.

“Ер юзида ҳали биронта одам осойишталикни шунчалик чуқур ҳис этмаган, — деб тақрорлашни хуш кўради Гомиш Жерминальдиш. — Бизнинг давримиз уруш-жанжаллар, транспорт ва алоқа воситалари тинимсиз кўпайиб, атроф-муҳитнинг ифлосланиши кучайиб бораётган даврдир. Яратганга шукрки, мен уларнинг барчасидан холиман”.

БМТ ва умumbashariy xavfsizlik

Бирлашган Миллатлар Ташкоти фаолият бошлаганига салкам 56 йил бўлди. Шу йиллар мобайнида халқаро терроризмга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини ўзида мухассамлаштирган йигирмадан ортиқ халқаро конвенция қабул қилинди. Аммо улар орасида биронтаси ҳам "халқаро терроризм" тушунчасини тўлиқ қамраб олмаган.

Терроризмга қарши кураш борасидаги фаолият қутилганидек самара бермаётганининг сабабларидан бири давлатлар ва халқаро миқёсда қабул қилинган ҳужжат ва шартномалар амалга ошириш механизmlарининг етарлича ишламаслиги билан боғлиқ.

БМТ низомида тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, уларга таҳдид солувчи тажовузнинг олдини олувчи тадбирлар белгилаш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини химоя қилиш ҳамда иқтисодий ривожланишга қўмаклашиш ташкилотнинг асосий мақсадлари сифатида белгиланган.

Шу билан бирга, БМТ терроризмга қарши курашда давлатлар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш учун улкан имкониятларга эга. У терроризмни йўқ қилишда энг зарур — дипломатик, ҳуқуқий ва сиёсий йўللاردан фойдаланиши мумкин.

Бирлашган Миллатлар Ташкоти Бош Ассамблеясида 1972 йилдан бошлаб халқаро террорчиликнинг олдини олиш бўйича қатор муҳим резолюциялар ишлаб чиқилди. Улар ичида 1972 йилнинг 18 декабрида қабул қилинган 3034-резолюция устувор ҳисобланади. Чунки бу ҳужжат БМТ аъзоларининг халқаро террорчиликка бўлган муносабатларини аниқ белгилади ва халқаро террорчилик бўйича махсус комиссияга резолюцияни кўриб чиқиш мандатини берди.

Бугунги кунда дунёда рўй бераётган айрим воқеа-ходисалар тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солувчи террорчиликнинг олдини олишга қаратилган тузилмалар, хусусан, БМТ тузилмалари ҳам замондан сал илгари қадам ташлаши зарурлигини кўрсатмоқда. 2001 йил 11 сентябрда АҚШда содир этилган кўпорувчилик бу нуқтаи назар

нечоғлиқ тўғрилигини яна бир бор исботлади.

Ўшандан буён БМТ Хавфсизлик Кенгаши террорчиликка қарши курашдаги ҳаракатларни бирлаштиришда етакчи ўрин тутиб келмоқда. Нью-Йоркдаги кўпорувчиликдан кейин ўтган қисқа вақт ичида Хавфсизлик Кенгаши террорчиларнинг фаолиятини чеклаш борасида дунё мамлакатлари учун мажбурий қучга эга бўлган муҳим резолюцияларни ишлаб чиқди.

Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватланган 1373-резолюцияни мазмун жиҳатидан мандат дейиш мумкин. Унинг мақсади жаҳон ҳамжамиятининг халқаро террорчиликка бўлган муносабатини тубдан ўзгартиришга қаратилган. Ҳужжат террорчиларнинг керакли ресурс ва имкониятлар топиш, улардан фойдаланиш, хавфсиз маконларда яшириниш, қурол-яроққа эга бўлиш ҳамда давлатлар чегараларини кесиб ўтишининг олдини олишда барча мамлакатлардан ҳамкорликни талаб қилади.

1373-резолюцияга биноан аксилтеррорчилик кўмитаси тузилди. Унинг асосий вазифаси — давлатларга мазкур резолюция қарорларини бажаришда қўмаклашишдан иборат. Кўмита терроризмга қарши кураш бўйича халқаро келишувга эришишда муҳим воситачи бўлди.

Терроризмга қарши курашда БМТдан ташқари унинг махсус бўлимлари — Фуқаро авиацияси халқаро ташкоти (ИКАО), Халқаро денгиз ташкоти (ИМО), Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) ҳам иштирок этади. Минтақалар миқёсида эса бу иш билан турли минтақавий хавфсизлик ташкилотлари, шунингдек, БМТ низоми бўйича ташкил этилган турли сиёсий форум ва тизимлар — Оврпоу Иттифоқи, ОБСЕ, МДХ, Шанхай ҳамкорлик ташкоти ва бошқалар шугулланади.

Умуман олганда, сўнгги йиллардаги воқеалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, халқаро терроризмга қарши курашиши керак бўлган БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар фаолияти халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг замонавий хуружларига жавоб

бера оладиган даражада кучли эмас экан. Аmmo бу — БМТ имкониятлари чекланган дегани эмас, албатта. Аксинча, бугун бутун дунё мамлакатлари ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик доирасини кенгайтириш учун БМТни ислох қилиш зарурати тўғилмоқда. Шунда у халқаро терроризм то-

мирига болта ура оладиган кучли халқаро ташкилотга айланади.

Саидахон ИБРОХИМОВА,

Тошкент давлат Шарқшунослик институтининг тадқиқотчиси

Markaziy Osiyo: milliy taraqqiyot modellari

Марказий Осиё қадимдан жаҳон тамаддунининг ривожланишига улкан ҳисса қўшиб келган минтақа сифатида доимо тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлади. Машҳур инглиз файласуфи Арнольд Тойнби ўтган асрнинг 50-йилларидаёқ бундай деб ёзган эди: "Жаҳон цивилизациясининг марказларидан бири Фарғона водийсида дунёга келади". Америкалик таниқли давлат арбоби Збигнев Бжезинский эса, Россия, Хитой, мусулмон давлатларининг интилишини ҳисобга олиб, АҚШнинг геосийёсий қизиқиши Марказий Осиёга қаратилиши зарурлигини алоҳида таъкидлайди.

Кейинги йилларда Россия, Швеция, АҚШ каби мамлакатларда Марказий Осиёни ўрғанишга бағишланган махсус нашрлар пайдо бўлди. Ҳисоб-китобларга кўра, кейинги 8 йил мобайнида инглиз ва рус тилларида 49 донга йирик монография ва минтақавий тадқиқотлар чоп этилган. Демак, ҳар йили Марказий Осиёга оид 5-6 та йирик тадқиқот яратилапти. Айниқса, минтақамиздаги табиий бойликлар ва уларни қазиб олиш, қайта ишлаш муаммолари, бу ҳудуддаги халқларнинг бетакрор этномаданияти янги ва янги тадқиқотлар учун мавзу бўлиши мумкин.

Маълумки, мустақилликка эришган Марказий Осиё давлатлари олдида 90-йилларда ўз тараққиёт йўлини белгилаб олишдек мураккаб вазифа турарди. Бозор муносабатлари жорий этилишининг ўзи, табиийки, миллий тараққиёт босқичи бўлмас эди. Чунки бозор иқтисодиёти келажақдаги ислохотларни қўллаб-қувватловчи бир восита, ҳолос.

Ҳар қандай туб ўзгаришлар, энг аввало, давлатга бўлган муносабатга бориб тақалади. Ҳеч қайси ижтимоий ташкилот ёки сиёсий партия давлатнинг ўрнини боса олмайди. Давлатга таянмасдан, унинг тизимлари тўлақонли ишлашини таъминламасдан жиддий ўзгариш қилиш мушкул. Шу боис Ўзбекистон ва Қозғистонда ислохотлар кучли

давлатни яратишдан бошланди. Бу республикаларнинг миллий тараққиёт моделларида давлатнинг етакчилиги ўрни ва таъсири кучли. Қирғизистон республикаси эса либерал муносабатларни шакллантириш йўлидан борди. Тожикистонда 6 йил давом этган фуқаролар уруши сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги инқирозларнинг янада чуқурлашувига олиб келди. Фақат 1998 йилга келиб фуқаролараро низолар тўхтаб, давлат тизимини мустақамлашга йўл очилди.

Ўзбекистон тараққиётининг миллий модели Президент Ислом Каримов асарларида ҳар томонлама чуқур асослаб берилган. Бу моделнинг асосий маъно-мазмунини тараққиётнинг қуйидаги беш тамойили ташкил этади:

1. Иқтисодий ислохотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, иқтисодиёт бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас.
2. Давлат бош ислохотчи бўлиши керак.
3. Қонун устуворлиги таъминланиши лозим.
4. Кучли ижтимоий сиёсат юритилади.
5. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич, яъни тадрижий йўл билан ўтилади.

Ўртимиздаги барча ислохотлар учун масъулиятни, уларни муваффақиятли ўтказиш, ҳуқуқий асосларини яратишни давлат ўз зиммасига олган. Ўтган ўн уч йиллик тажриба шуни кўрсатдики, айнан шундай ёндашув тўғрисидаги мамлакатда барқарорликни таъминлаш, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маданий соҳаларда жиддий ислохотлар ўтказиш мумкин бўлди. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 189,5 мингдан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти юзага келди. Этиштирилаётган умумий маҳсулотларнинг учдан бирини ана шу субъектлар ишлаб чиқараётир. Ўзбекистон, юртошимиз ибораси билан айтганда, ривожланган бозор иқтисодиёти муносабатлари босқичига қадам қўйди.

Қозғистоннинг миллий тараққиёт модели — қишлоқ хўжалигини ислох қилиш ва кичик

корхоналарни барпо этишга қаратилган. Кўплаб оғир саноат корхоналари 5-10 йилдан кейин сотиб олиш имкони билан чет эллик тадбиркорларга ижарага берилди. Давлат мулкнинг 25 фоизи фуқароларга бепул ҳадя этилди.

Қозоғистон саноати Россия билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун Қозоғистон ташқи савдосининг деярли 40 фоизи Россияга тўғри келади, у зарур маҳсулотнинг 70 фоизини Россиядан сотиб олади. Савдо-сотик соҳасида Қозоғистон кўпроқ Ўзбекистон ва Қирғизистон билан ҳамкорлик қилади.

Қозоғистонлик экспертлар республикадаги иқтисодий тараққиётни таъминлаш учун газ, нефтни сотишдан аста-секин жаҳон бозоридида харидоргир бўлган товарлар ишлаб чиқаришга ўтиш зарур, деб ҳисоблайди.

Қирғизистон мустақилликка эришгач, Россияга тақлид қилиб, кескин ислохотлар ўтказиш йўлидан борди. Қисқа муддат ичида давлат мулки (80 фоизи) деярли хусусийлаштирилди. Йирик корхоналар чет эл инвесторлари учун ижарага берилди, нарх-наво эркинлаштирилди. "Халқаро валюта фонди" Қирғизистон тараққиёт моделини кўлаб-қувватлаб, йирик маблағлар ажратиб келади. Бироқ бу тадбирлар Қирғизистонда аҳоли қашшоқлашишини тўхта олмади. Халқаро экспертларнинг маълумотига қараганда, республикадаги аҳолининг 70 фоиздан зиёди қашшоқдир. Саноатдаги ишлаб чиқариш эса 80 фоизга қисқарган.

Тожикистон ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш, сиёсий ва маданий соҳаларда кенг ислохотлар ўтказиш йўлидан бормоқда. Кейинги маълумотларга қараганда, республикада 25 фоизга яқин давлат мулки хусусийлаштирилган. Ҳозир рес-

публикада саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа соҳаларида барқарорлик юзага келиб, секинлик билан ўсиш суръатлари қузатиляпти.

Туркменистон дунёда табиий газ ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринлардан бирида туради. Шунинг учун у келгусида ёқилги захираларини сотиш ҳисбидан иқтисодий фаровон бўлишга интилади.

Марказий Осиё республикалари ўзaro иқтисодий ва маданий алоқаларни кенгайтириш йўлидан бормоқда. 1994 йили Қозоғистон ва Ўзбекистон ягона иқтисодий макон яратиш ҳақида шартнома тузди, кейинчалик унга Қирғизистон билан Тожикистон ҳам қўшилди. 1997 йилда эса Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасида абадий дўстлик ҳақида шартнома имзоланди.

2001 йил 28-29 декабрда Тошкентда ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари учрашувида кейинги йилларда савдо-сотик алоқалари ҳажми камайгани қайд этилиб, ижтимоий-маданий соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилотига айлантирилди.

Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик, бир томондан, ушбу мамлакатларнинг ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш, иккинчи томондан, қадимий тарихий-маданий алоқаларни давом эттириш, минтақада барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Аслиддин ПҮЛАТОВ,

фалсафа фанлари номзоди, доцент

Global ta'sir vositasi

Дунё ўзгараётгани ёки унинг янгича ривожланиш босқичига ўтаётганини, биринчи навбатда, ҳозирги пайтдаги ахборот жараёнларида кўриш мумкин. Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари нафақат сайёрамазининг ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳамда геосиёсий қиёфасини белгилашда, балки ҳар бир мамлакат имкониятларининг рўёбга чиқиши, миллий манфаатларининг таъминлашида ҳам муҳим ўрин тутади. Шу боис муайян давлатнинг куч-қудрати ва салоҳияти унинг ахборотлашиш даражаси билан белгиланиши бежиз эмас. Қайси бир давлат ана шу соҳада жид-

дий марраларни эгалласа, ўша давлатнинг истикболи ёруғ бўлади, деган фикрда жон бор.

Муайян минтақа ёхуд мамлакатда сиёсий институт ва жараёнлар объектив мавжуд бўлиши фанда аллақачон исботланган. Ҳар қандай мавжудликнинг муттасил ўзгаришда бўлишини ички ва ташқи ресурслар, кучлар таъминлайди. Албатта, сиёсий институциялашиш, уларнинг қандай таъсир кўрсатиши, кўп ҳафтан ҳар бир халқнинг маданияти, ҳуқуқий онги ҳамда сиёсий элитанинг салоҳияти, дунёқараши билан боғлиқ. Яъни, ички ёки ташқи салбий таъсирга миллатда, халқда қандай

иммунитет шаклланиши бу борада муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги воқелик ташқи таъсирлар орасида ахборот ресурсининг таъсири кучайиб бораётганини яққол кўрсатади. Бир макондаги сиёсий жараённинг кўлами, жадаллиги, энг муҳими, амал қилиш тартиби бевосита глобал ахборот маконидagi ўзгаришлар таъсирига тушаётгани бор гап.

Мутахассисларнинг фикрича, XXI асрда маънавий-мафкуравий ва ахборот омилларининг таъсир кучи моддий ва молиявий ресурсларга нисбатан кўпроқ кўзга ташланмоқда. Бу ўринда гап тор манфаатларга бўйсундирилган ва йўналтирилган мақсадли таъсир ҳақида бормоқда. Тажриба шуни кўрсатадики, мақсадли таъсир миллат, мамлакат, сиёсий тизим салоҳияти ва бошқа психологик омилларга қараб, турли даражада номоён бўлади ёки турли оқибатларни келтириб чиқаради. Масалан, Хитойдаги сиёсий барқарорлиқни "меъёрли беқарорлаштириш", аллақандай "мақбул сиёсий трансформация"га эришиш йўлида тегишли сиёсий куч ва молиявий марказлар томонидан ярим асрдан зиёд вақт мобайнида анча маблағ сарфланган. Ҳатто айрим марказлар "Совет Совет Иттифоқи барбод бўлганидан сўнг навбат Хитойга етиб келади" деган "оптимистик" қарашлар асосида режалар тузаётган эди. Аммо Хитойнинг ички ва ташқи фаолияти бундай ўзгаришлар рўй бермади. Аксинча, мамлакатда ижобий жараёнлар бошланди. Афтидан, хитойликларнинг энг кучли ахборот таъйиқига ҳам муносиб бардош бериш қоби-

лияти — иммунитетни жуда мустаҳкам экани ҳисобга олинмаган экан.

Шунга қарамай, бу гун ахборот технологиялари орқали бошқа бир мамлакатдаги ҳаққоний вазиятни онгли равишда бузиб кўрсатиш, у ердаги сиёсий раҳбарият ва фуқаролар кайфиятига мақсадли таъсир қилиш амалиёти борган сари кенг кўлам касб этмоқда. Бу эса жаҳон ҳамжамияти учун катта муаммо бўлиб қолаётир.

Бошқа услуб, яъни тегишли гуруҳлар томонидан қандайдир "объективлаштирилган" фикрларга "таяниш" амалиёти ҳам азал-азалдан мавжуд. Жумладан, россиялик олима И.Звягельская ислом ҳаракати Марказий Осиёда таъсирли кучга айланиши мумкин, деб таъкидласа, профессор А.Малашенко ислом хавфи ҳаддан зиёд кўпиртириляётир, айниқса, уни турли маконларда фаолият юритувчи уюшган ҳаракат сифатида қарайдиган бўлсак, унинг ташкилий бир марказдан бошқарилишини албатта ҳисобга олиш лозим бўлади, ундай марказ эса ҳозирча йўқ, дея уқтиради.

Бир-бирига зид бу икки фикр миллионлаб одамларнинг сиёсий онги, психологияси, мўлжаллари ва мақсадига мутлақо тескари таъсир қилиши мумкин. Бу ҳол ахборотнинг бугунги кунда нечоғлиқ таъсирга эга эканидан далолат беради. Одамларда ахборотга таллаб ёндашувдан кўра, кўр-кўрона ишониш ҳисси устувор бўлиб турган ҳозирги мураккаб даврда бу масалага бефарқ қараб бўлмайди.

Миррахим МИРНОСИРОВ,

илмий тадқиқотчи

Prokrust iskanjasi

Халқимизнинг ўрганишга, ўзлаштиришга, тартиб этишга муносиб маданий-маърифий мероси, анъаналари бор. Аммо шўролар даврида ана шу тарихий, миллий ва маънавий қадриятларимиз обёксти қилинди, сал бўлмас коммунистик мафкура исканжасида йўқолиб кетаёзди.

Қадимги юнон афсоналаридан бирида тоғлар орасидаги йўлда туриб ҳеч кимни ўтказмаётган ёвуз Прокрустининг темир кровати ҳақида ҳикоя қилинади. У йўловчиларнинг барини ўша кроватга ётқизиб кўра, бўйи етмаганларни чўзиб ўлдирар, дарозларнинг кроватга сизмаган қисмини ваҳшиёна қирқиб ташлар экан. Собик мустабид тузум мафкураси ҳам маънавий меросга, айниқса, миллий, диний-ахлоқий қадриятларга ана шундай муносабатда бўлган эди.

Натижада мустахлама исканжасида бўлган одамлар онгида муайян гоёга садоқат, келажакка ишонч ўрнини мутелик, фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эгаллади. Шу боис мустабид тузум даврида Яратганга эътиқод қилиш кишиларимизнинг табиий эҳтиёжига айлана олмади. Гарчи бу эҳтиёж мавжуд бўлса-да, ижтимоий муҳит ва тарихий шароит бунга изн бермади.

Аслида бирон нарсага ишониш, эътиқод қилиш кишиларнинг ижтимоий-руҳий ҳолати асосида юзага келадиган, уларнинг кайфияти, дунёқарши билан боғлиқ жараёндир. Шунинг учун ҳам баъзан кишилар "энди ихлосим қолмади", "ихлосимдан қайтдим" каби сўзларни айтадилар. Ихлосдан қайтиш бирор ижтимоий-маънавий муаммонинг шахс ва жамият манфа-

атларига мос келмаслигини амалий фаолият асосида аниқлаш ва унга нисбатан янгича муносабатни белгилашдир.

Хўш, ихлос, ихлосмандлик деганда нималарни аниқлаш лозим?

Ихлос алоҳида шахс амалий фаолияти, интилиши, қизиқиши ва маслақлари мажмуини англатади, ихлосмандлик аждодлар меросига бутун бир авлоднинг табиий интилиши, унга бўлган меҳр-муҳаббатнинг ижтимоийлашган шаклини ифодалайди. Ихлосда шахс фазилатлари устувор аҳамият касб этса, ихлосмандликда муайян миллат менталитети, урф-одатлари, диний-ахлоқий қадриятларини такомиллаштириш етакчилик қилади. Шунинг учун ҳам миллий урф-одатларимизда инсонга, кексаларга, устоз-мураббийга, меҳмонга, меросга ҳурмат-эҳтиром ва ихлосмандлик яхши хислат ҳисобланган.

Инсонни фаолиятга ундовчи энг муқаддас туйғу — эътиқод ҳам ихлос ва ихлосмандлик замирида шаклланади. Аммо ҳар қандай интилиш ихлос бўла олмайди. У муайян тажриба асосида шаклланиб, инсон эҳтиёжи ва манфаатлари билан уйғунлашгандагина ихлосга айланади.

Ихлос тушунчасининг моҳиятини теран аниқлаш, бугунги давр эҳтиёжлари асосида яшаш билан ҳам узвий боғлиқдир. Демак, ихлоснинг шаклланишида аждодларимизнинг инсонпарвар гоёлари, улар қолдирган бебаҳо меросга қизиқиш асосий омил бўлиши, шубҳасиз.

Хусусан, тасавуф илмининг йирик вакили Хожа Абдухлоқ Гиждувонийнинг (1103-1179) "Васиятнома"сидаги "жамога мулозим бўлгул" деган даъвати алломанинг меросига нисбатан

чуқур ихлос кўйишга етарли асос бўла олади. Бу улғу зот халқ манфаатига зид иш тутмаслик, бойликка ҳирс кўймаслик, ҳаммага меҳр-шафқатли бўлиш, кичикларга менсимай қарамаслик, ташқи гўзалликка зеб бермаслик, ота-онага, катта-кичikka ҳурмат, мансаб эгаллаш, раҳнамо бўлишга тиришмаслик, илм ўрганмасдан туриб ишга қўл урмаслик, тариқат йўлини маҳкам тутиш каби жамият тараққиёти ва инсоннинг баркамоллигини белгиловчи тамоийларни асослаб берган.

Гиждувонийнинг нуқтаи назари билан ундан деярли уч юз йил кейин яшаб, ижод этган буюк италян шоири Франческо Петрарканинг қарашларида ажиб бир уйғунлик бор. Петрарка дўсти Дионисийга ёзган мактубида саодатли Августиннинг "Дил ихзори"да айтилган фикрларини маъқуллаб, "инсон ўз дилига назар ташлаш, руҳий оламига юз буриш ўрнига теварак-атрофдаги жуда кўп ишлар билан шуғулланиб, фикри тарқалиб кетиши" ҳақида ёзади. Петрарканинг бу қарашлари, шунингдек, ўрта асрларда яшаб ижод этган мутафаккир Абу Ҳамид Муҳаммад Фаззолийнинг "Инсон Оллоҳни аниқлашдан аввал ўзигини аниқлаш лозим" деган гоёлари билан муштарак.

Аждодларимизнинг инсонийликка йўғрилган бундай таълимотларидан ибрат олиш, уларнинг меросига ихлосманд бўлиш бугунги давр заруратидир.

Бахти ОЧИЛОВА,

*Жиззах Педагогика институтининг
кафедра мудири*

Oila — jamiyat tayanchi

Оила жамиятнинг ижтимоий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган, инсон ҳаётининг маъно-мазмунини белгилаб берадиган тузилмадир.

Оиладаги соғлом муҳит соғлом мафкура-ни шакллантиради. Жамиятда ҳар бир оиланинг мустақамлиги, фаровонлиги миллий мафкура кўзда тутиган мақсадларни амалга оширишда таянч бўлади.

Инсон бутун ҳаёти давомида оила таъсирида яшайди. У кишининг келгуси индивидуал ва ижтимоий ҳаёт кўникмаларини ҳосил қилибгина қолмай, ўзаро муносабатларни йўлга қўйиш бўйича ота-оналик малакасини ҳам шакллантиради.

Айниқса, шахснинг маънавий фаоллигини шакллантиришда оила ҳал қилувчи омилдир. Маънавий фаоллик инсонга мақсадларини белгилаб олиш, ижтимоий ҳаётдаги фаолияти самарадорлигини оширишга ёрдамлашади. Маънавий фаоллиқнинг мазмунини дунёқараш ташкил этади ва ижтимоий онгининг турли соҳаларидаги билимлар унинг негизи ҳисобланади. Маънавий фаоллиқнинг дастлабки муҳим белгиси таълим ҳисобланади. Ўз навбатида таълим соҳасида оиланинг таъсири, аҳамияти бе-ниҳоят катта. Оиланинг моддий даражаси, оилавий удумлар, ота-онанинг маълумотию маданияти, уларнинг боланинг билим олиши ҳамда ўзлаштиришини доимий назорат қилиши ва ёр-

дамлашиши маънавий фаол шахс тарбияланишига асос бўлади. Бола тарбиясида ота-онанинг ҳаддан ташқари куйиб-пишиши, фарзандининг ҳар бир қадами текшириши, уни маълум қонун-қоидаларга бўйсунушга мажбурлаши асло тўғри эмас. Ана шу йўсинда тарбияланган бола ота-онага ҳар томонлама боғланиб қолади, мустақил ҳаракат ҳам қилолмайди, фикрлай ҳам олмайди. Шундай экан, фарзанда имкон қадар эркинлик бериш керак. Бунинг натижаси ўлароқ болада фаоллик юзга келади. Боланинг фаоллигига уни ривожлантириш шarti сифатида қаралади. Тарбиявий фаолиятнинг маъноси — болага ўз шахсиятини вужудга келтиришда кўмаклашидир. Тарбиявий ишда болалар фаолиятига қўйилмаган айрим зарур талабларни ёдда тутиш керак: тарбия оқилона, педагогик нуқтаи назаридан текширилган бўлиши керак. Бу — болалар шу ишни нима учун қилмоқда, уларнинг камолотига бу нарсанинг таъсири қай даражада, деган саволга педагог ҳар қачон жавоб бера олиши даркор дегани.

Тарбия жараёнида моддий шарт-шароит яратилиши асосий вазифалардандир. Бундай шарт-шароитга: болага ўйинчоқлари, кийим-кечаклари ва бошқа нарсаларини қўя оладиган алоҳида хона ажратиш имконияти; оила бюджетидан болага унинг маънавий фаоллигини авж олдирувчи буюмлар сотиб олиш, бошқа минтақаларга, шаҳарларга экскурсия ва саёҳатлар уюштириш, болалар кутубхонасини вужудга келтириш, боланинг турли тўғрақ машғулотларига қатнашиши, мактаб дастурларида кўзда тутилмаган билимларни олиш имкониятлари қабилир киради.

Боланинг маънавий шаклланиши атрофидаги ижобий эмоциялар шароитида содир бўлиши лозим. Ота-она маънавий маданиятнинг барча жиҳатларини болага ўз муносабатлари орқали кўрсатиши, унинг билиш фаоллиги ҳамда эмоционал ривожланишини рағбатлантириш бориши зарур.

Сайёра ТҶИЧЕВА,

фалсафа фанлари номзоди

Ayollik o' rni

Аёлнинг жамият тараққиётида тутган ўрни масаласида ҳозир ҳеч ким мунозара қилмаса керак. Чунки хотин-қизлар ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида фаол иштирок этаётганини, демак, тараққиётга ҳам муносиб ҳисса қўшаётганини ҳамма билади. Аёлнинг жамият тараққиётида тутган ўрни ҳақида фикр юритишдан аввал унинг муқаддаслиги ва азалий бурчлари тўғрисида жиддий ўйлаб кўрмоқ лозим. Негаки, биз шўро мафкураси таъсири остида "Хотин-қизлар эркаклар билан ҳуқуқий жиҳатдан тенгдир!" деб ҳарқанча айюҳаннос солсақда, аслида, уларнинг кадр-қиммати ниҳоятда камситилганини, улар гоҳида оддий ишлаб чиқариш кучига айлантилганини яхши биламиз. Ҳеч кимга сир эмас, шўро даврида терлаб-пишиб меҳнат қиладиган, саккиз соат давомида дастгоҳ ёнида қаққайиб турадиган "социалистик мусобақа илгорлари" бўлмиш хотин-қизлар матбуотда кўкларга кўтариб мақталарди, улар ҳақида мақолалар ёзиларди, телелавҳалар намойиш этиларди. Яъни, улар аёллик моҳиятидан қанчалик узоқлашса, шу қадар "фол"лашиб борар, инсоний ҳузур-ҳаловатдан, энг даҳшатлиси — оналик бахтидан мусову бўлар эди. Ваҳоланки, шоира опамиз Ҳалима Худойбердиева "Сен барибир муқаддасан, муқад-

дас аёл!" деб ёзмасидан бурун ҳам унинг азизлигини билардик. Билардик, лекин оқимга қарши боришни истамасдик — ишлаб чиқариш жабҳасида "мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритган хотин-қизлар"ни улуғлаб ҳамду санолар ўқийшни фуқаролик бурчимиз деб ҳисоблардик.

Истиклол шарофати туфайли Ўзбекистон хотин-қизлари хўжакўрсинга эмас, амалда қадрланадиган бўлди (юртимизда Аёллар, Оналар ва болалар йили эълон қилингани ҳам фикримизнинг дэлилидир). Афсуски, ҳали-ҳануз онгимизда эскилик сарқитлари сақланиб қолганини эътироф этмоққа мажбурмиз. Куйидаги мўъжазгина ривоят ва бу ривоятга ҳар хил тоифага мансуб аёлларнинг муносабати худди кўзгуга ўхшайди. Дастлаб ривоят билан танишайлик.

Ровийнинг гувоҳлик беришича, Туронзаминда тилларда дoston бўлган вафодор бир аёл бўлган экан. У уй-рўзгоридан бошқа нарсани ўйламас, эрини юмушга кузатгач, фарзандларини оқ ювиб, оқ тараб, қошларига ўсма қўйиб ўтирар экан. Эри эса оддийгина мардикор бўлиб, дуч келган оғир ишни қилиб кетаверар, қандай бўлмасин, оиласини оч қолдирмаслик гамидан бошқа ташвишини билмас экан. Эр

хафта-ўн кунлаб йўқ бўлиб кетар, сўнг хориб-толиб беш-ўн танга топиб қайтаркан. Рўзгор камчиликларини бутлагач, яна-тагин мардикорликка отланаркан. Ойлар, фасллар ўтар, лекин бу оиланинг турмуш тарзи асло ўзгармас экан.

Одатдагидек, эр яна беш-ўн танга топиб келиш илинжида иш излаб кетибди. Қутилмаганда қўшни қишлоқдан киши келиб:

— Онангиз бетоб бўлиб қолди, ҳолидан хабар олиб кўйсангиз, савоб бўларди, — дебди хотинга.

Хотин ўша куни эрининг йўлини пойлабди, аммо эридан дарак бўлмабди.

Эртаси куни қўшни қишлоқдан яна киши келиб:

— Онангизнинг аҳволи хийла оғирлашиб келди, рози-ризалик сўрашга улгурмасангиз, кейин армонда қоласиз, — деб огохлатирибди.

Онаси ўлим тўшагидега ётганини билса-да, мушфиқ аёл яна эрининг йўлини пойлабди. Лекин эри бу оқшом ҳам қайтмабди.

Учинчи куни ўша киши қўшни қишлоқдан шум хабар келтирибди:

— Онангиз бандаликни бажо келтирди...

— Худо раҳмат қилсин!

— Мархума онангизнинг дийдорини кўраман десангиз, пешингача етиб боринг — пешиндан сўнг тобут кўтарилади.

— Худо хоҳласа, албатта етиб бораман! — деб қолибди аёл.

Бироқ пешингача ҳам, ундан кейин ҳам эри қайтмабди, у фақат пайшанба куни хуфтон махали уйига кириб келибди...

Жума куни бомдоддан сўнг хотин эридан изн сўраб, онасининг қабрини зиёрат қилгани қайнсинглиси билан қишлоғига жўнабди (ордан бир кун ўтиб, эр ҳам қайнона руҳига дуои фотиҳа ўқиб қайтибди).

Албатта, ҳадиси шарифда "Жаннат — оналар оёғи остидадир" деб бежиз айтилмаган. Она — мўътабар зот. Бир қарашда ривоятда нақл қилинган аёл Онага нисбатан бемехр туюлиши мумкин. Бироқ, бу ерда гап аёлни бурчи тўғрисида кетаяпти. Яъни, ривоятнинг моҳиятига кўпроқ эътибор бериш керак. Гап — вафодор-

лик ҳақида эканини алоҳида таъкидламоқчимиз. Мен шу ривоятни япониялик Сакура хоним исмли элшунос олимага гапириб бердим.

— Илтимос, яна бир марта такрорланг, — деб у ривоятни магнитофонга ёзиб олди-да: — Буни япон тилига таржима қилиб, оммавий нусхада чоп эттираман. Ишончим комилки, ўзбекларнинг ажойиб ривояти японларнинг оиласида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади, оилавий бурчнинг нақадар муқаддас эканини ёш келин-куёвларга яна бир бора эслатиб қўяди, — деди Сакура хоним тўлқинланиб.

Сакура хонимнинг ривоятга муносабатидан таъсирланибми, ўзбек хотин-қизлари (танишбилешларим) ўртасида ўзига хос тест синови ўтказдим. Уларнинг жавобларини эшитиб, очигина айтсам, хушимдан кетиб қолаёздим!

— Бемехр экан! Оқмодар экан, башараси курсин! — деди битта қайнона.

— Вой, онамикига бориб келиш учун ҳам эримдан руҳсат сўрайманми?! Нима, эр дегани анқонинг уруғи бўптими — ана, Сайилғоҳда очерд бўлиб туришибди... Тавба, бурунги замон хотинлари ғирт аҳмоқ бўлган экан-да, — деб лабини бурди битта танноз келинчак.

— Жинни экан, уни Чуқурсойга олиб бориб даволатиш керак, — деб "диагноз" қўйди бўлажак шифокор (айни чокда — бўлажак келинчак).

Хуллас, амин бўлдимки, хотин-қизларимиз жамият олдидаги бурчига масъулият билан ёндашган ҳолда, оила олдидаги бурчни теран ҳис қилмас экан. Албатта, мен барча ўзбек хотин-қизлари шундай деб қатъий ҳукм чиқармоқчи эмасман. Лекин аёлларимиз "ўчоқбоши"дан тобора узоқлашиб бораётганини надомат билан қайд этишга мажбурман.

Аёлни жамият тараққиётида алоҳида ўрни борлигини ҳеч ким инкор этолмайди. Майли, у масъул лавозимларда хизмат қилсин, бошқарув тизимида фаолият кўрсатсин. Лекин, айна чоғда, оиланинг соҳибсиз келажақ авлодимизнинг паноҳи эканини ҳам унутмасин.

Севара АХРОРОВА,

илмий тадқиқотчи

"Yaxshi otg'a jahd qildim, qolsa sendin el aro"

Шўро мафқураси таъсири туфайли халқимизда Муҳаммад Шайбонийхон (1451-1510) ижоди ва шахсияти ҳақида нотўғри тасаввур уйғотилди.

Муҳаммад Шайбонийхон ҳам хон, ҳам серқирра амод кишиси бўлган. У темирлулар ҳокимиятидан сўнг ўзбек давлатини юз йил идора қилган шайбонийлар сулоласига асос

солди ва "...бутун Туркистон худудлари миқёсида марказлашган қудратли давлат туза олди. Бу давлат бизким, ўзбекларнинг Амир Темур салтанатидан кейинги энг кучли давлатимиз эди" (А. Иброхимов. *Бизким, ўзбеклар...* Т., 1999. 33-бет).

Замондошлари асарларида таъкидланишича, Шайбонийхон тақводор ва кироятда ниҳоятда кучли бўлган. Ҳатто Захириддин Мухаммад Бобур ҳам, ўзининг асосий сиёсий ва ҳарбий рақиби бўлишига қарамай, Шайбонийхон шахсиятидаги бу каби олижаноб фазилатлардан кўз юмиб ўтолмайди: "Агарчи сахархез эди ва беш вақт намозни тарк қилмас эди, кироят илмини тавре билур эди", (*Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. Т., 1989. 186-бет*) — деб ёзади.

Ҳасанхожа Нисорий (XVI аср) "Музакири аҳбоб" тазкирасида Шайбонийхон ҳақида "Соҳибқирон хон илму фазилатлардан хабардор, аниқроғи, уларни тўла эгаллаган киши эди. Шерият соҳаси ва шоирларга эътиқод-эътибори катта бўлган. Мудом олиму фозилларни ўзига ҳамсухбат қилган. Яхши шеърлари бор" деб маълумот беради (*Ҳасанхожа Нисорий. Музакири аҳбоб. Т., 1993. 20-бет*).

Шайбонийхонга "Ҳазрати имом ул-замон, халифат ур-раҳмон" унвони берилган. Бу юксак шарафга Шайбонийхон исломга бўлган тенгсиз муҳаббати, эътиқоди, ёт диний оқимларга қарши курашдаги галабаси ва қудратли давлат барпо этгани тўғрисида сазовор бўлган. Умрининг кўп қисми қувғинда, ҳарбий сафарларда, жанг жадалларда ўтганига қарамай, у турли илму санъатларни пухта эгаллагандики, бу ҳақда машҳур шарқшунос А. А. Семёнов: "...олимлар Шайбонийхон фақат дарбадарликда кечган ҳаётида қандай қилиб бундай камолотга эришди экан, дея ҳайратланидилар" (А. А. Семёнов. *О происхождении и составе узбеков Шейбанихана. Т., 1926. 70-бет*) деб ёзган эди. У Ясси ва Бухоро мадрасаларида ўқиган. Аиниқса, Бухородаги икки йиллик таҳсил даврида ўша замоннинг машҳур тасаввуф олими мавлоно Мухаммад Хитойидан таълим-тарбия олгани Шайбонийнинг кейинги ҳаётида чуқур из қолдирди. Йилри мутасаввуф унда исломий илмларга катта меҳр уйғотган. Шайбоний устозидан "Куръон", ҳадис ва фикҳ илмларини тиришқоқлик ва ихлос-эътиқод билан ўрганганки, ижодида Оллоҳ, инсон ва табиат, ахлоқ-одоб масалалари етакчи мавзу бўлгани шу таҳсилнинг самараси ҳисобланади.

Мухаммад Шайбоний девони хусусида илмий ахборотлар берилган. Бироқ шоир ижодиёти кўлами девон таркибидаги асарлар би-

лангина чегараланмайди. Турли манбаларда Шайбонийнинг девондан ташқари "Баҳр ул-худо" деган қасида, Асармиддин Куброга бағишланган таърих, фикҳга оид рисола, туркий тил қонун-қоидалари ҳақида китоб ёзгани тўғрисида маълумотлар келтирилади.

Шоир умрининг сўнгги йилларида ёзилган "Баҳр ул-худо" ("Хидоят денгиши") қасидаси — фалсафий-таълимий руҳдаги асар. Унинг ягона нусхаси Лондондаги "Британия музейи" кутубхонасида 7914 рақами билан сақланаётган ноёб қўлёзма баёз таркибидан жой олган.

"Баҳр ул-худо" арузининг рамали мусамманни маҳзуф (фоилотун фоилотун фоилотун фоилун) вазида битилган. Бу асар айрим тадқиқотларда "достон" деб тилга олинса-да, мавзу объекти, мазмун-моҳияти ва қофияланиш тарзи "Баҳр ул-худо"нинг қасида жанрига мансублигини кўрсатади. Асарнинг ҳажми 260 байтдан (ёки 520 мисра) иборат. Аммо, афсуски, қўлёзмада асар 243 байту бир мисра, яъни 487 мисра ҳажмида етиб келган.

Қасиданинг ёзилган вақти ва жойи ҳақида ҳам асарнинг ўзидан билиб оламиз: у ҳижрий 914 (милодий 1508) йил муҳаррам ойининг 3-14 кунлари Бастом ва Домгон (Хуросон) шаҳарларида ёзилган.

Қасида, аънамага кўра, ҳамд ва наът билан бошланади. Қасидада пайғамбарлар силсиласининг сарҳалқаси бўлган Одам алайҳиссаломга ҳам бағишловлар бор. Бу ўринлардаги дунё ва одамнинг яратилиши билан боғлиқ воқеалар тасвири ва баённинг изчиллиги, аниқлиги шуни кўрсатадики, Шайбоний дин тарихига оид манбаларни чуқур ўқиб-ўрганган, ўзи яшаган даврга қадар ёзилган тарих ва тафсир китобларининг кўпи билан танишган. Муаллиф инсонни маънавий камолотга эришишга чорлайди, мол-давлатга алданиб, нафсга мағлуб бўлмасликка, кибрга берилмаслик, ёмонликка ҳам яхшилик билан жавоб қайтаришга даъват қилади. Шайбоний талқинида илм шундай қудратки, ҳатто фаришталар ҳам, Оллоҳ амрига биноан, Одам Атога билими ўзлариникидан зиёдалиги учун сажда қилган экан. Илм шундай кучки, у билан ҳар қандай мушкулотни ҳал қилса бўлади:

*Илм суйи бирла ҳар субҳ айлади қудрат эли,
Илм учун одамга қилдилар малоик саждаҳо.*

*Илм бирла очилур ҳар ерда бўлса мушкулот,
Илм турур билгил они дунёву охир бақо.*

Шайбонийнинг Аҳмад Яссавийга ихлос ва эътиқоди ниҳоятда баланд бўлиб, уни ўзига

пир, маънавий устоз деб билади, бир ғазалини бундай бошлайди:

*Авлиёлар сарвари ул шоҳи Туркистон эмиш,
Ер юзини нури тутқан моҳи Туркистон эмиш.*

Шайбоний тасаввуфий талқинларда Яссавийга эргашган. Бу издошлик, яқинлик, бутун ижодида бўлгани сингари, қасидада ҳам сезилади.

Шайбонийнинг қуйидаги байтига эътибор беринг:

*Нафси кофир отини миниб юрурмен ҳар тараф,
Ожизу мискин турурмен, нафсу шайтон акрабо.*

Улар Яссавийнинг мана бу сатрлари таъсирида яратилганини илғаш мумкин:

*Нафсим мени йўлдиң уриб хор айлади,
Термултуруб халойиққа зор айлади.*

Шайбоний мансуб бўлган давр адабиёти бўйича махсус тадқиқотлар олиб борган Фитрат ҳам "Шеърда Яссавий мактаби бу даврда саройгача кўтариладир" деганида айнан Шайбонийхон ва яна бир шоҳ шоир Убайдуллоҳхон ижодини назарда тутган эди. (А. Фитрат. *Танланган асарлар. 2 жилдлик. 2-жилд. Т., 2000. 194-бет*).

Шайбоний қасидада даврнинг тарихий ҳодисаларини, ўзининг саргузаштларини ҳам тилга олиб ўтади. Албатта, улар алоҳида, яъни асарнинг фалсафий руҳидан айри ҳолда берилмайди. Шоир усталик билан бу воқеаларни асар мазмунига сингдириб юборади ва улар асоси-

да фалсафий мушоҳадаларини умумлаштиради. Бир ўринда у ўзининг эзгулик ҳақидаги ибратли қарашларини қуйидагича ифода этади:

*Сен Темуր ўғлонлари бирлан ёмонлик қилмадинг,
Шак эмаским, яхши элларга ёмонлик бермас Худо.*

*Насли Юнусхон била яхшилиқинг яхши эди,
Чун алар қилди ёмонлик, тобилар охир жазо.*

*Чун кишидин ҳеч нима қолмас, ҳамин оти қолур,
Яхши отга жад қилким, қолса сендин эл аро.*

Шу ўринда қасиданинг тили ва услуби бирмунча оғирлигини, кофияда баъзи сакталиклар, вазн оҳангида бузилишлар борлигини, бир қатор байтларда бадийий-тасвирий тамойил унча кўзга ташланмаслигини айтиб ўтиш жоизки, бу ҳолни асарнинг соф фалсафий-дидактик мазмунда экани билан изоҳлаш мумкин.

Ҳар қандай асарнинг қийматини белгилайдиган асосий омил — унинг бадиияти, албатта. Шайбоний соҳиби девон шоир эди. "Баҳр ул-худо" қасидасида у сўз қўллаш ва шеърый санъатлар яратиш борасида бадийий-услубий жиҳатдан бирмунча ўзига хосликка эришган.

"Баҳр ул-худо"да Муҳаммад Шайбонийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари акс этган. У шоирнинг ўз даври қасиданавислигига қўшган катта ҳиссаси ҳисобланади ва орифона қасидалар сирасида ажралиб туради.

Мунира ШАРИПОВА,

*Тошкент давлат Жаҳон тиллари
университети тадқиқотчиси*

Олис ҳақиқатнинг равшанлашуви

XX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган ва кўплаб сафдошлари қатори шўролар сиёсатининг қурбони бўлган зиёлиларимиздан бири Шокир Сулаймондир. Маданиятимиз ва илм-фанимиз арбоблари орасида унинг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Шокир Сулаймон 1900 йили Кўкон шаҳрида дунёга келади. Бошланғич маълумотни форс ва араб тилларини яхши билган отаси

Собирхўжа Сулаймонхўжа ўғлидан олади. Кейин Кўқондаги Маъдалихон мадрасасида таҳсилни давом эттиради. Ундан сўнг "усули жаид" мактабида, 1916 йили эса Оренбургдаги олий ислом мадрасаси — "Мадрасаи Хусайния"да ўқийди.

Оренбургда таҳсил олаётган туркистонлик ёшлар дунёқарашининг шаклланишида Россия ижтимоий-маърифий ҳаётида кенг мавқе касб

этган жадидчилик ҳаракати намояндаларининг таъсири кучли бўлади. Улар Туркистондаги миллий масалаларга оид кўпгина ғояларни майдонга олиб чиқишга ҳаракат қилади. Шокир Сулаймон ҳам татар жадидлари таъсирида, кўплаб дўстлари каби, 1917 йилдаги февраль буржуа-демократик инқилобини катта умид билан кутиб олади. Бироқ ўзбек халқининг сиёсий йўлбошчилари, зиёлилари февраль инқилоби берган тарихий имкониятдан фойдалана олмайди. Туркистонда Совет ҳокимияти ўрнатилади. Шокир Сулаймон ҳам, туркистонлик ёшлар каби, большевиклар сиёсатининг самимиёлигига ишонмай Туркистон (Кўқон) мухториятини ташкил қилишда фаол иштирок этади.

1917 йил 27 ноябрда Кўқонда бўлиб ўтган IV умумсулмонлар курултойи Туркистонда ягона ҳокимият органи — Туркистон мухтор ҳукумати тuzилганини эълон қилади. Мустабид тузум даврида "Кўқон мухторияти" деб атаб келинган, "реакцион-буржуа миллатчилар мухторияти", бир гуруҳ "пантуркистлар" ва "панисломистлар" томонидан уюштирилган деган тавқиланган остида қолган, аслида ўзбек давлатчилиги тарихида ўз ўрнига эга бўлган XX асрдаги дастлабки мустақил давлат шу тариқа вужудга келади.

Туркистон мухториятининг раҳбарлари билан зиёлилар ва маҳаллий халқнинг мақсад-интилишлари ўзаро уйғун бўлиб, улар миллий мустақилликка эришиш, демократик республика ўрнатиш, мамлакат ва халқ тараққиётини дунёдаги ривожланган мамлакат ва халқлар қаторига олиб чиқиш ғоясини илгари сурган эди. Лекин уларнинг умидлари ва савъ-ҳаракатлари пучга чиқади. Туркистон мухторияти уч ойгина яшайди, холос. 1918 йил 20 февралда Туркистон мухторияти тор-мор этилади.

Афсуски, мухторият раҳбарлари ва фаолларининг қаттиқ тазйиқ остига олиниши туфайли зиёлилар кейинчалик уларга бўлган муносабатларини ўзгартиришга, ҳатто мухторият олиб борган хайрли ишларни қоралаб кўрсатишга мажбур бўлади.

Шунга қарамай, Шокир Сулаймоннинг адабий меросида шундай асарлар борки, уларда тарих ҳақиқати ўзининг ҳолисона ифодасини топган. Хусусан, у "Кўқон мухторияти" сарлавҳали мақоласида тарихий ҳақиқатни бундай баён этади: "Мухториятнинг охири умидсиз эди. Уларга ёрдамга келаятган қозоқлар Рост-тоёв истанциясида сангар "окоп" қавлаб ўрнашди. Лекин Тошкентдан Парфелев командаси остида юборилган қўшин уни мағлуб қилди. Ундан кейин Парфелев Кўқонга қараб юрди.

Бу вақтда, яъни 5 февралда Кўқон генералларининг аҳволи жуда қийинлашган эди. Бу келган аскарларга шаҳардаги рус халқи ва бошдан-оёқ қуролланган дошноқлар (армани миллатчилари) қўшилди.

Ғожа бутунлай бошқача тусга кирди. 6 февралда эски шаҳарга тажовуз бошланди. Дошноқлар ҳеч мисли бўлмаган равишда сўйиш, ўлдириш ва талончиликни бошлади. Келган аскарлар ҳам арманиларга қўшилди. Шаҳар бузулиб, бир қисми куйдирилди, шунинг билан Кўқон мухторияти тугатилди". (*Ш.Сулаймон. Кўқон мухторияти, "Еш куч", Ўздавнашр, 1929, 96-97-бетлар*). Муаллиф шўро мустамлакачилари бир халқни бошқа бир халққа қарши қўйиш сиёсатидан нақадар усталик билан фойдаланганини аниқ кўрсатиб ўтади. Эътиборли жиҳати шундаки, Шокир Сулаймон Кўқонда бўлган эса-да, бу воқеаларда бевосита иштирок этганини яшириб, ўзини Оренбургда бўлган қилиб кўрсатади.

Ёзувчи "Февраль кунларида" деб номланган бошқа бир мақоласида 1918 йил февралда Оренбург ва Кўқонда рўй берган воқеаларни эслаб бундай ёзади:

"Биз ўзимиз курашлар ичида яшаймиз, Ўренбург бўлса, қўлдан-қўлга ўтиб туради. Бир кун қизиллар олса, бир кун оқлар олади. Бир тарафдан, шаҳарда очлик. Шаҳар халқи икки қисмга бўлинганлар: дошноқ, зиёлилар — оқлар томонида; ишчи-дейконлар — қизиллар томонида.

Синфий кураш қизгин давом қилади. Қон тўкилгандан тўкилади. Бир кун мен ўз ўртоғимдан хат олдим. Унда ёзади: "Кўқон мухторияти хароб бўлди. У мангуға битди. Ҳозир шаҳар большевиклар қўлида. Эргаш қўрбоши ўзининг асл макони — далага қочиб чиқиб кетди. Лекин шаҳар куйдирилиб, ёндирилиб хароб бўлди. Бозорлар, расталар, маҳалла, дўконлар куйиб кул бўлди. Ўлганларнинг ҳисоби йўқ. Шаҳар танимаслик бир ҳолда... Ўртоқларимиз бир қанчалари ўлди. Мумкин бўлса, тезроқ келинглр..." Хатни олгач, тезгина ўртоғим билан сўзлашиб олдик-да, йўлга ҳозирландик.

...Тўғриси, Кўқон танимаслик бир аҳволда. Ҳаммаёқ хароб... бузуқ... кўчалар бўлса кишини тутиб ейин дейди. Унда-мунда кучсиз, ҳолсиз кишилар зўрга-зўрга кимирлаб юрадилар. Ҳамманинги юзига бир қайғу, ҳамманинги юзига бир алам, ёш...

Биз ўсиб, катта бўлган гузарлар, кўчалар ер билан яқсон бўлган, кул бўлиб қолган. Шаҳарнинг гуриллаб, қайнаб, яшнаб турган бой бозорлари, кенг-кенг расталар, тимлари теп-те-

кис гўристон, кип-қизил яланғоч бир чўл туси-ни олган.

Кўқон куйганига 10-15 кун бўлибди-ю, ҳали ҳам шаҳарда тутун. Қўланса иси анқийдир. Унда-бунда от чолиб югуришиб юрган аскарлар, соқчилар, ҳукумат кишилари бўлмаса, шаҳар бир ўлуклар юрти — мозорга ўхшайди. Кимни кўрсанг, ҳасрат қилиб, кўзларидан ёш тўқади..." (Шокир Сулаймон. *Февраль кунларида. "Ёш куч", Тошкент, Ўздавнашр, 1929. 89-90-бетлар*).

1929 йилда мустамлакачиларнинг қонхўрлиги ҳақида ёзилган бу мақола ёзувчининг ижодий жасорати сифатида баҳоланиши лозим.

Муаллиф мазкур мақоласини тугатар экан, мухториятни на оқловчи, на қораловчи сифатида баҳолаган. Ёзувчининг куйидаги хотима сўзлари эса унинг қайси тарафда турганига ойдинлик киритади: "Қонли Кўқон воқеасидан

кейин халқ большевой, меньшевойларга хийла тушуниб, эгилишиб қолди. Замон ўзи кишиларга турмушни ўргатди. Мен улар дўст-душманни ажратишларини ҳам катта гап, дер эдим... Хар ким ўз билганича ҳукм этадир. Лекин ҳақиқат тазо..." (*Уша асар, 90-91-бетлар*).

Дарҳақиқат, ўтган асрнинг 30-йилларида ҳақиқатни айтиш осон эмас эди. Лекин Ш.Сулаймон бу икки мақоласи билан ўша даврда большевиклар томонидан содир этилган хунрезликларни рўй-рост кўрсатиб, ўз қарашларини аниқ-равшан ифодалади ва бутун қалби билан мухториятчилар томонида бўлганини кўрсатди.

Нилуфар МИРСАЙДОВА,

*ЎзФА Тил ва адабиёт
институтининг аспиранти*

Ё'tiqodga xuruj

Қорақалпоқ халқининг азалдан энг кичик маъмурий-худудий бирлиги — қишлоқ жойларда овул жамоаси, шаҳарларда эса маҳалла бўлган. У халқнинг кўп асрлик маънавий-ахлоқий ҳамда рухий-эстетик қарашларини акс эттирган. Овул жамоаси ёки маҳаллага оқсоқол раҳбарлик қилган. Оқсоқол жамоанинг энг обрўли, билимдон, тажрибали кишиларидан иборат кенгаш томонидан сайланган ва унинг розилиги билан ишларни амалга оширган. Жамоанинг барча ижтимоий-иқтисодий муаммолари ушбу кенгашда муҳокама қилиниб, ҳал этилган. Жамоа кенгаши учун халқнинг осойишталиги, шаъни, обрўси биринчи ўринда турган. Бирон вақилнинг ноҳўя ҳаракати сезилса, у "Жамоа кенгаши" ҳузурда жавоб бера, гуноҳи оғирроқ бўлса, ота-онаси, қариндош-уруғлари, яқинлари чақиртирилиб муҳокама қилинар, қилмишига яраша жазо белгиланар эди. Шу тарика ноҳўя хатти-ҳаракатларга вақтида чек қўйилар, "илдиз отиш"нинг олди олинар, юзбоши, мингбоши ёки шаҳар ҳокими (миршаббоши ёки қози) аралашувига кўпинча ҳожат қолмас эди.

Бу ҳол ўша даврда қорақалпоқ халқи жамоасининг қанчалик одамларга яқинлигини, унда ижтимоий муносабатлар жуда содда, қулай ва шу билан бирга, оқилона ташкил этилганини кўрсатади.

Туркистонда Шўро ҳокимияти ўрнатилгач, ижтимоий муносабатлар чигаллашди, коммунистлар Ватанимиз, тилимиз, динимиз, айниқса, тарихимиз ҳақида рўй-рост гапиришни катъиян тақиқлаб қўйди. Президент Ишони Каримов таъкидлаганидек: "Улар бор куч-ғайратларини Туркистоннинг ўтмишини камситишга, бизни тарихимиздан жудо қилишга сарфлаганлар" (*Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ, Тошкент, "Шарқ", 1998 йил, 9-10-бетлар*). Коммунистларнинг асл мақсади — нима бўлса ҳам халқимизни ўз тарихи, маънавиятидан маҳрум этиш, халқимиз онгига коммунистик ғоя ва ақидаларни синдириш ҳамда шу мафкурага таянган тартибни ўрнатишдан иборат эди. Хатто босқинчи чор Россияси ҳам халқларнинг миллий турмуш тарзи, ҳаёт тажрибаси, миллий ва диний дунёқараш, эътиқоди, расм-русумлари, урф-одатлари, қадриятлари, аънаналари, ақл-фаросати, ор-номуси, адолат, эрк, оила ҳақидаги тушунчаларини ҳар бир миллатнинг "ички иши" деб ҳисоблаб, унга аралашиб яшиликка олиб келмаслигини англаб етган эди. Коммунистлар аралашмаган иш, бурнини тикмаган жой қолмади. Улар халқнинг энг муқаддас миллий урф-одат ва қадриятларини "эскилик сарқити" дея камситиб, ҳатто оиланинг ички ишларига аралашигача бориб етди.

Бу ишлар бевосита собиқ Марказдан бош-

қариб турилар эди. Жумладан, Қозоғистон Ўлка партия кўмитаси котиби Ф.Голощекин номидан (ҳақиқий исми Шая Ицкович. *Уша пайтда Қорақалпоғистон автоном вилояти Қозоғистон таркибида бўлиб, Россияга бўйсунган*) аниқ кўрсатма шаклида юборилган телеграммада: "Тугатилиши керак бўлган рўйхатга бойлар, феодаллар, ярим феодаллар, оталиқлар, беклар, оқсоқоллар, хон ва подшога хизмат қилганлар, барча рухонийлар — эшонлар, охунлар киритилсин. Тугатиш бўйича ишлар ушбу телеграммани олгандан кейин 10 кун давомида тамомлансин" дейилган эди. Шу кўрсатмага асосан Чимбойда 40 та, Хўжайлида 45 та, Кегейлида 45 та, Тахтакўпирда 20 та, Қораўзақда 20 та, Кўнғиротда 20 та, Кипчқода 40 та, Тўртқўлда 30 та, Шоббозда 40 та — ҳаммаси бўлиб, 300 та хусусий хўжалик тугатилди. (Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғы Кенгеси архиви, 1-фонд, 2-рўйхат, 520-иш, 90-93-варақлар).

Бу истибодда чидاماган халқ турли жойларда исён кўтара бошлади. Жумладан, Шоббозда, Тўртқўл туманининг Сарийиб қишлоғида кўзғолон кўтарган хотин-қизлар "Колхозлар бизга кёрак эмас, қувгин қилинганлар, бой ва рухонийлардан тортиб олинган нарсалар қайтариб берилсин!", "Қамалганлар озод этилсин!", "Биз шу ерда ўламиз, аммо тарқалмаймиз!" каби широрлар билан чиққан. Исёни бостириш мақсадида унда иштирок этганларни тоифаларга бўлиш усули ишлаб чиқилган: биринчи тоифа — қамоққа олиниб концлагерга жўнатилган, иккинчи тоифа Қорақалпоғистон мухтор вилояти худудидан бадарга қилинган, учинчи тоифа яшаб турган жойидан Қорақалпоғистон худудидаги бошқа туманга кўчирилган.

Улар орасида 1930 йили Қорақалпоғистон худудидан бадарга қилинган Досимбетова Дамеш ҳам бор эди. Кегейли туманининг 8-овулида туғилган, бадарга қилинган пайтда 35 ёшда бўлган бу аёлнинг 50 таноб ери, иккитадан оти ва хўкизи, еттига сигири, иккита туяси, 20 та қўйи, битта жувози ва тегиримони, иккита ўтови, битта араваси ва чордоғи бўлган. Шу аёл сингари ота-бобосидан қолган ва ўзи меҳнат қилиб умр бўйи йиққан бойлигию мол-мулки ҳам мусодара қилинганлар кўпчиликини ташкил қилар эди.

Шундай қилиб, Шўрролар ҳокимиятининг Қорақалпоғистонда юритган мустабид сиёсати ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олган бўлиб, миллий урф-одат ва қадриятлар оёқсоти қилинган, диний байрам, маросимлар тақиқланган, уларни ўтказган кишилар эса аёвсиз жазоланган.

Ўша замонлар динга ва рухонийларга қарши кураш авжига чиққан эди. 1925 йили "Курашчан худосизлар иттифоқи" уюшмаси ташкил этилиб, аҳоли орасида иш олиб бориш шакл ва услублари ҳамда уларни амалга ошириш механизми ишлаб чиқилган. 1927 йили мазкур уюшманинг республика, туман ва шаҳарларда шохобчалари очилиб, уларнинг қурултой ва конференциялари катта дабдаба билан ўтказилади. Уюшма аҳоли ўртасида коммунистик мафкура сиёсатини амалга ошириш бўйича партиянинг фаол воситачисига айланади.

Диндорларга қарши кураш, айниқса, ёппасига колхозлаштириш даврида авжига чиқади. Ота-онаси, қариндош-уруғи диндор бўлган одамлар колхоздан чиқарилади. Рухоний отаси билан муносабати яхши бўлган фарзанд партияга олинмаган, ҳар қадамда "синфий огоҳлик" талаб қилинган.

Динга қарши кураш бўйича махсус курслар, семинарлар корхона ва колхозларда динга қарши иш олиб борувчи тўғарақлар ташкил қилиш, миллий наشريётда динга қарши рисодалар, кўргазмалар, суратлар намойиши, бурчаклар ташкил этиш каби тадбирлар ўтказилган. Бу тадбирларга қаршилиқ қилганлар қамоққа олинган, мол-мулки мусодара қилиниб, ўзлари бадарга этилган. Иноят эшон Баҳаутдинов, Халила охун Атаулиев каби бир қанча кўзга кўринган дин арбоблари ҳатто ўлим жазосига ҳукм қилинган. Уларнинг оила аъзолари, болалари, қизлари хўрланган, ҳақоратланган. Халқ кўпроқ тўпланиб ибодат қиладиган мадраса, масжид ва қабристонлар бузилган, ўрни текисланиб, ҳайдаб ташланган. Диний китобларни йўқотиш баҳонасида фан ва маданиятга оид халқнинг бебаҳо, ноёб қўлёзма бойликлари ҳам ёқиб юборилган.

"Курашчан худосизлар"нинг фаолияти мунтазам равишда вилоят партия кўмитасининг мажлисларида кўриб чиқилган. Қорақалпоғистоннинг барча туманларида 60 та "худосизлар иттифоқи" шохобчалари тузилиб, ҳар бирида 30 нафардан зиёд фаол тарғибот олиб борган. Ҳар бир корхона ва ташкилотда кўплаб маърузалар ўқилган, матбуот ва радио орқали динга қарши ташвиқот кучайтирилган. Динга қарши ўқилган маърузаларга мўмайгина ҳақ тўланган. Иш ҳақи ўқилган маърузалар сонига қараб кўпайтириб борилган.

Шундай қилиб, Қорақалпоғистонда мустабид тузум даврида халқнинг асл фарзандлари — олимлар, шоир ва ёзувчилар, давлат ва дин арбоблари, зиёлилар қатагон қилинди, илмий ва диний қўлёзмалар ёндирилди, мейморий обидалар, мадраса ва масжидлар бу-

зиб ташланди, ёдгорлик ва қадамжолар вайрон қилинди.

Бугун юртимиз мустақилликка эришиб, миллий урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланаётган, мамлакатимиз ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш сари дадид қадам қўяётган экан, тарихимизнинг ўша аянч-

ли даврларини ёддан чиқармаслигимиз зарур. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Тарихий хотирасиз келажак йўқ".

Яхшибека АБДУЛЛАЕВА,

Нукус давлат Педагогика институтининг доценти

Turkistonliklar savodsizmidi?

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданок республикамиз раҳбарияти мамлакатда таълим соҳаси ривожига, келажакимиз ворислари бўлган ёш авлоднинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Маълумки, истиқлолдан кейинги йилларда жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий негизи тубдан ўзгармоқда. Бу ўзгаришлар Президент Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган беш устувор тамойил асосида амалга оширилмоқда. Жамият ижтимоий ҳаётининг муҳим таркибий қисми сифатида таълим тизими ҳам ўзгармоғи, янгиланаётган жамиятнинг манфаатлари йўлида хизмат қилмоғи керак.

Бу борадаги ислохотларнинг асосий йўналишлари унинг демократик, инсонпарварлик тамойилларини қарор топтириш халқимизнинг тарихий анъаналари ва педагогикаси, шунингдек, ҳажон халқлари педагогикасининг ютуқлари асосида таълим мазмунини тубдан ўзгартириш, ўқитувчилар, педагогик жамоалар ташаббускорлигига кенг имкониятлар очиб бериш ва уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, билим ва кўникмаларининг пухталигини таъминлайдиган замонавий дидактик воситаларни қўллашни кенг кўламда йўлга қўйиш, шу асосда таълим мазмуни ва сифатини яхшилашни назарда тутати. Ўқув-тарбия муассасаларида олиб бориладиган тарбиявий ишлар самарадорлигига эришиш эса миллий қадриятларни тиклаш, Шарқ алломаларининг бизга қолдирган бой мероси асосига қурилмоғи керак.

Илм-фанга рағбат ва муҳаббат бутун тарихимиз мобайнида бўлганидек, чор Россияси, қизил империя истибдоди даврида ҳам сўнманган. Масалан, XVIII асрда Самарқанд ва Бухорода 70 та, XIX асрда биргина Тошкентда 18 та

мадраса бўлган. 1894 йили Туркистонда 6 минг 445 та мактаб-мадраса фаолият кўрсатган, 1913 йилга келиб, уларнинг сони 7 минг 665 тага етган. Афсуски, 1917 йил октябрь тўнтаришидан сўнг, халқимиз ўз миллий қадриятлари, маориф ва маданиятидан махрум этилди.

Аслида, бу жараён илгарироқ бошланган эди. Чунончи, XIX асрнинг 60-80-йилларида Туркистон ўлкаси чор Россияси томонидан истило қилинганидан сўнг илм-маърифатнинг нурафшон чироғи бўлган мактаб ва мадрасалардаги ўқув-ўқитув ишларида таназзул даври бошланди. Мустабид тузум Туркистон худудида яшовчи маҳаллий аҳоли таълим тизими билан жиддий шугулланмади, балки аҳолини руслаштириш сиёсатини олиб борди. Вақф мулкларини қисқартириш йўли билан бир қанча мадрасалар ёпилди. Мустамлакачилар Туркистон болалари онгига ўз ғояларини сингдириш мақсадида рус-тузем мактабларини очди. Ўлкада ilk рус-тузем мактаби 1874 йилда Чимкентда, кейинроқ, 1884 йил 19 декабрда Тошкентнинг Шайхонтоҳур даҳасида Саид Азимбой ҳовлисиде, 1887 йил 3 январда Андижонда, 15 январда Ўшда очилган. Бу мактабларнинг дастлабки ўқувчилари қози, оқсоқол, Дума аъзолари ҳамда савдогарларнинг фарзандлари эди. Ўқувчилар русча сўзлашишни тўлиқ ўзлаштирганидан кейингина мактабни тугатган хисобланган ва улардан имтиҳон қабул қилинган, имтиҳон тантанали вазиятда маъмурият вакиллари иштирокида ўтказилган. Бироқ чор Россиясининг ўлкада рус-тузем мактаблари очиб, рус тилини ўргатишга бўлган саъй-ҳаракатлари оммавий тус олмади. Ҳатто Самарқанд ва Фарғона вилоятларида бу мактабларни "кофир-тузем" мактаблари деб атай бошладилар. Шу боис 1917 йил 9 майдан 14 майдан Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ўлка ўқитув-

чиларининг биринчи қурултойи кун тартибига Туркистон ўлкаси аҳолиси учун муҳим бўлган рус-тузем мактабларини тугатиш ва улар ўрнига миллий мактаблар ташкил этиш масаласи киритилди. Қурултойда эски усул тарафдорлари ва жадидлар ўртасида тортишув, баҳс-мунозаралар авж олди. Қизгин музокаралардан сўнг, Туркистонда миллий мактабларни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу қарорга кўра, ўша давргача мажбур бўлган рус-тузем билим юртлари миллий мактабларга алмаштирилиши зарур эди. Барча бўгин мактабларида ўқитиш она тилида олиб борилиши, бошланғич таълим умумий, мажбурий, бепул ва олти ёшдан бўлиши, шу билан бирга, мактаб учун маблаг давлат хазинасидан, маҳаллий идоралар ва шаҳар бошқармаларидан ажратилиши кўзда тутилган. Қурултой қарорларида давлат маблаглари ҳисобидан мутахассислар тайёрлайдиган тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, тижорат, ҳунар ва бошқа мактабларни очиш ҳам кўзда тутилади. Қурултой мактабдан ташқари таълимга катта эътибор берди ҳамда бир талай муҳим масалаларни амалга оширишга қарор қилди: халқни маърифий ривожлантириш мақсадида жойларда кутубхона ва киротатхоналар ташкил қилиш; мактабгача тарбия муассасалари, тарбия уйлари ва болалар боччалари, кўчманчи (чорвадор) аҳоли учун сайёр мактаблар очиш; маърузалар, ўқув машғуллари жорий этиш; Тошкентда миллий музей очиш; Туркистоннинг барча ўқувчиларини бирлаштириш учун марказий ўқитувчилар қурултойини таъсис этиш. Хуллас, ўқитувчи-муслмонларнинг биринчи ўлка қурултойи

тарбияшунослик бўйича фикрлар тараққиётида муҳим босқич бўлади.

Шўролар даврида инқилобгача "ўзбек халқи деярли ялпи саводсиз эди, саводчилар 1,5 - 2 фоиздан ошмасди" (Қ.Турсунов, Н.Бекназаров. "Ўзбекистон ССР тарихи", Т., "Ўқитувчи", 1982, 85-бет) деган уйдирма авлодлар онгига сингдирилди. Ваҳоланки, 1897 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, Россия аҳолисининг саводхонлик даражаси 21 фоиз, Туркистон ўлкасида эса бу кўрсаткич 19,5 фоизни ташкил этган. Ўтмишимиз ва тарихимизни асоссиз, ғайриилмий ёндашувлардан ҳимоя қилиш, ҳақиқатни тўлиқ англаб олиш учун биз ўз халқимиз, маданиятимиз, педагогикамиз тарихини пухта ўрганмоғимиз керак.

Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдулхамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Усмон Носир каби довурак аждодларимиз бу йўлда қатъият билан ҳаракат қилди, курашди. Уларнинг савий-ҳаракати ва асарларида миллий мафкурамизнинг илдиризи ота бошлаганини аниқ кўрамиз. Жумладан, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг "Туркистонлик болаларни илмсиз қўймангизлар! Озодликни тезлик ила юзага чиқарингизлар!", Чўлпоннинг "Халқ истаги: озод бўлсин бу ўлка, кетсин унинг бошидаги кўланка" деган даъватларини асло унутишга ҳаққимиз йўқ. Чунки бу даъватлар халқимизни ўзлигини англаш, миллатни эркин, фарвон ҳамда маърифатли жамият сари етаклашга хизмат қилган.

Матлуба ОРИПОВА,

ЎзДЖТУ аспиранти

"Kumush inqirozi"ning siri

Арабларнинг Мовароуннахрга юриши ва маҳаллий аҳолининг узоқ давом этган қаршилиги сабаб VIII аср бошларига келиб иқтисодий ҳаётда, хусусан, тоғ-кон ишлаб чиқариши соҳасида ҳам инқироз рўй беради. VIII асрнинг охирида иқтисодий ҳаётни тиклаш бўйича ўтказилган қатор тадбирлар натижасида айрим ижобий ўзгаришлар кўзга ташланади. IX асрдан эътиборан тоғ-кон ишлаб чиқаришида юксалиш бошланади.

IX-X асрларда Мовароуннахр шарқнинг икти-

содий ва маданий жиҳатдан юксак ривожланган ҳудудга айланади. Иқтисодий ўсишда тоғ-кон ишлаб чиқариш соҳасидаги юксалиш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Чўлпон асосан янги конларнинг ишга туширилиши ҳисобига кўлга киритилади.

Мовароуннахрдаги тоғ-кон ишлаб чиқариши жабҳасида Тошкент воҳаси, хусусан, Шош-Илоқ водийси муҳим ўрин тутди. Қадимий Шош бой кумуш ва олтин конлари туфайли бутун муслмон шарқининг қарахт иқтисодий

хаётини ҳаракатга келтириб юборади. Ҳатто халифа Хорун ар-Рашиднинг умумдавлат миқёсда муомалада бўлган кумуш тангалари "Маъдан аш-Шаш" ёзуви билан зарб этилади. Яъни, бу дегани, ҳозирги замон ибораси билан айтганда, Шош конларидан қазиб олинган кумуш маъдани худди "евро" ёки АҚШ доллари каби қиймати барқарор "валюта" ҳисобланарди.

Тарихий археологик тадқиқотларнинг хулосасига кўра, Илоқ тоғларида жойлашган Лашкарак конида 300 метргача чуқурликдан кумуш қазиб олинади.

Лашкарақдан ташқари Кубатура, Конжала, Оқ Ўртасой гуруҳига кирувчи конлар, Олтинтопган, Кумушкон, Оқтош, Кўргошинтопган ва бошқа жойларда ҳам кумуш конлари бўлган. Археологик қазилмалар натижасида ўтмишдаги кон ҳавзаларидан оёқ боғланадиган занжир, кишанлар топилган. Демак, бу конларда жиноятчилар ёки қуллар меҳнатидан фойдаланилган, деб хулоса чиқаришимиз мумкин.

X асрда Илоқ водийсидан қазиб олинган кумуш сомонийлар давлатининг пойтахти бўлмиш Бухорога жўнатилган ва махсус қуйма ҳолатда сақланган. Араб сайёҳи ва географи Ибн Ховқал Бухоро, Самарқанд ва Илоқни (Шош) кумуш тангалар зарб этилаётган шахарлар қаторида эслатиб ўтади (*Массон М.Е. К истории горного дело на территории Узбекистана. Т., 1953. 26-бет*).

Маълумки, конлардан кумуш қазиб олингандан кейин кўп миқдорда кўргошин ажралиб қолади. Ундан турли бўёқлар олиш, бошқа металллар билан аралаштириб тангалар зарб этиш, сув қувурлари, ҳар хил буюмлар яшаш, кулолчилик буюмларини сирлаш каби мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Йирич шарқшунос олим М. Е. Массоннинг фикрича, Илоқ кумуш-кўргошин конларида X асрда "зулфар" деб аталувчи модда олинган бўлиб, у кумуш чангидан ҳосил бўлар экан (*Лордкипанидзе Л. Н. История геологического изучения Узбекистана в системе цивилизации Азии. Т., 2001. 73-бет*). Баъзи мутахассислар табиатда кам учрайдиган зулфар элементини маргимуш деб атайди.

Мовароуннахрдан кумуш қуймалари, тангалар Шаркий Оврупа мамлакатларига ҳам олиб чиқилар эди. Сомонийлар даврида зарб этилган кумуш тангаларнинг кейинчалик археологик қидирув пайтида Фарбий Оврупо, Скандинавия худудларидан топилиши фикримизнинг далилидир.

Қимматбаҳо кумушнинг Оврупога олиб чиқиш кетилиши натижасида Мовароуннахрнинг ички бозорида "валюта" танқислиги, қиммат-

чилик бошланади. Бу ҳолатни айрим мутахассислар кумуш тангаларнинг қадри кўтарилиб кетди, деб молиявий инқирозни ҳаспўшламоқчи бўлади. Ҳ асрнинг охирида кумуш танқислиги яққол сезилади. Молиявий бўҳрон аста-секин ғарбда Византия, жанубда Мисргача бўлган худудларни ҳам қамраб олади. Шу тариха XI-XII асрлар тарихига "кумуш инқирози даври" бўлиб киради. Бу ҳолат ўша пайларда тоғ-кон ишлаб чиқариши соҳасида барқарорлик бўлмаганини кўрсатади. Айни замонда Мовароуннахр дунёнинг иқтисодий-молиявий тизимида муҳим ҳалқа бўлганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Кумуш танқислиги тангалар сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бу ҳол ўз навбатида уларнинг харид қувватини камайтириб, нарх-навонинг ошиб кетишига сабаб бўлади. Охир-оқибат олтин дирҳамлар, мис тангалар фаол муомалага киритилди. Чунки қадрсизланган халқаро валюта ўрнини бошқа бир муқобил пул бирлиги билан қоплаш керак эди. Кумуш танқислиги боис Хўжанд ва Илоқ шахарларида қийматсиз металллар аралашмасидан мис дирҳамлар зарб қилинган (*Абу Рейхан Беруни. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минерология), Пер. А.М.Белевицкого. Л., 1963. 178-бет*). Бу ҳол маҳаллий ҳукмдорларнинг кумуш захираларидан оқилона фойдалана олмаганини кўрсатади.

Абу Райхон Беруний Илоқ конлари ҳақида бундай деб ёзган эди: "Илоқ конлари ҳозирги пайтда ташландиқ, аянчли аҳволдадир". Сиёсий инқироз, давлатнинг бошқарув тизимидаги бошбошдоқлик, тож-тахт учун ўзаро курашнинг авж олиши туфайли конлар харобага айланган.

XII асрда Мовароуннахрда рўй берган "кумуш инқирози" масаласига тўхталган айрим мутахассислар унга асосий сабаб қилиб мавжуд кумуш конларидаги фойдали қазилма захираларининг тугаганини кўрсатади. Аслида, талай техник, иқтисодий-ижтимоий сабаблар (янги конларни қидириб топиш, фойдаланиш борасида жиддий ҳаракат қилинмаган) мавжуд эди. Қолаверса, ишчи кучи танқислиги ҳам тараққиётга салбий таъсир кўрсатган.

Хулоса қилиб айтганда, Илоқ водийсида IX-XII асрларда кумуш ишлаб чиқаришнинг умумий ҳолати Мовароуннахрдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ ҳолда юксалиш ва инқироз даврини босидан кечиради.

Шухрат РЎЗМАТОВ,

тадқиқотчи



SUMMARY

Humanity lives with love. As a poet said if there is no love or kindness, the life looks like a palace without windows. The world without love is darkness.

Charity forms the atmosphere of harmony and friendship in the society, it is a good tradition to strengthen the sense of belief among people.

In his article of «The care is a dignity of braves», Murtazo Karshiboy wrote mainly of these thoughts.

Bahodir Zokir in his article «The liberalism of the West and the East» theoretacally analyzes the conception of liberalism, its background, development and models.

The conception of liberalism is wildly spread, on the base of his ideamost countries achieve the economic and social development. The reader can obtain more detailed information about it in the journal of «Tafakkur».

Guliston Matyokubova, a poetess from Karakalpakistan writes about mankind, life, love, fate and expresses her philosophical thoughts in her book «I'll be born again by your gaze».

Abdulla Kahhor found the fruth both in life and in his creative work, he is an artist who struggled for thistruth. As other great writers Abdulla Kahhor's life associated with his work. Those who are fond of his works, of course love him and those who personally knew him can't live without his novels. Abdulla Kahhor's courage, skills and his valuable work for development of our literature is narrated in Ibrohim Hakkul's article.

T
O
Y
R

he essay of famous writer Olmas Umarbekov «At the threshold of ever life» is his work which he wrote as a letter to his daughter at the time when he was seriously ill. Deep thoughts about that life being a supreme present given to the mankind, dignities such as honesty and humaneness appreciated for ever won't be indifferent to the reader.

ne must remember those who are dead. It's natural that extracts from the poetry of the real son of Uzbeks Muhammad Yusuf touch the hearts with warm sincerity, it makes the poets appearance stand in our thoughts.

ourg researcher F. Obidjonova's article «The poles of the beauty» is devoted to the analysis of some points of Zigmund Fraid's conception.


Z. Fraid who takes an important place in the science of the 20th century greatly facilitated the development of the consciousness of the west.

obinson's also exist nowadays. We should say they are not fewer than in the 17thcentury. The sea still remains to be a case which is full of accidents cruel and eunning, that can't be controlled.

It's known that there were Robinzons in the world who wanted to be alone and made them selves live in a desolate lard by their will.

The final part of Ivan Golovnya's work «Sufferings of the leneliness» is published in this issue.

2521



1375 X2

Ношр, турсаткили: 869/870
Бахоси келишган нархда

ТАФАККУР

ТАФАККУР 2/2004

